

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Р.Расулов, Н.Хусанов, Қ.Мўйдинов**

**«НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА  
НОТИҚЛИК САНЪАТИ»  
(ўқув кўлланма)**

**Тошкент  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2006**

Р.Расулов, Н.Хусанов, Қ.Мўйдинов. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Ўқув қўлланма. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. 132 бет.

Қўлланмада нутқ маданияти, нутқнинг коммуникатив сифатлари, тил ва нутқ, адабий тил, услубшунослик ҳамда терминология кабилар хақида фикр юритилади. Шунингдек, ишда нотиклик санъатига оид маълумотлар ҳам берилиб, улар амалий машғулотлар билан мустаҳкамланади, халқ оғзаки ижодидан намуналар келтирилади.

Буюк алломаларнинг нотиклик санъатига бўлган қарашлари ҳам китобдан жой олган.

Ўқув қўлланма нутқ маданияти муаммолари билан шуғуланувчи ва қизиқувчи барча соҳа вакилларига мўлжалланган.

Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий кенгашнинг 2006 йил 27 мартдаги йиғилиши қарорига кўра ўқув қўлланма сифатида чоп этишга қарор қилинган.

**Тақризчилар:** филология фанлари номзоди,  
доцент С.Мухамедова  
филология фанлари номзоди,  
доцент Ў.Лафасов

**Шевашунос олим проф. А.Шерматов  
хотирасига бағишлаймиз.**

**Кириш**

Ўзбек халқи таълим - тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, авлодларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳр-оқибат, биродарлик, одоблик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган. Шарқ мутафаккирларининг таълим - тарбияга оид асарлари ҳам ана шу мероснинг туб негизини ташкил этади.

Мустақиллик туфайли халқимиз дунёга юз тутди ва жаҳон бизни таниди. Биз тарихимизга, маданиятимизга янгича назар билан қарай бошладик ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ижобий ҳал қилишга киришдик.

Барча соҳалар сингари она тилимиз ва у билан боглиқ муаммолар ҳам аста-секин ечимини топмоқда. Хусусан, нутқ маданиятига доир масалаларни ҳал қилишда тилшунос олимларимизнинг меҳнатлари, изланишлари таҳсинга лойиқдир.

Нутқ маданияти жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Республикамизнинг «Давлат тили» ҳақидаги қонуни, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа ҳужжатларда маънавий-маърифий тарбияга, тил масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир кадр, энг аввало, ўз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Ўз фикрини мутлақо мустақил, ўз она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида

утирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин» – деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Нутқ маданияти ҳозирда тилшунослик фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш умуммаданиятимиз тараққиётида, шунингдек, олий мактабларда, урта махсус ўқув юртларида, урта мактабларда дарс утиш жараёнини янада яхшилаш, такомиллаштириш билан ҳам боғлиқ. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда нутқ маданияти фанининг барча ўқув юртларида ўқитилиши қувонарлидир. Чунки нотиклик санъати сирларини билиш, урганиш барча соҳа вакиллари, мутахассислари учун, умуман, ҳар қандай маданиятли инсон учун ҳаётий зарурат деб ҳисобланиши керак. Ўзбек адабий тили ва унинг меъёрларини илмий жиҳатдан урганиш ҳам ўзбек нутқ маданияти соҳаси учун ниҳоятда муҳимдир. Адабий тилнинг ривожланиш қонуниятларини, адабий тил меъёрларининг умумий ҳолатини, ундаги турғун ва нотурғун ҳодисаларни чуқурроқ текширмай туриб, адабий тил (нутқ) маданияти ҳақида гапириш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: 1997, 9-бет.

## «НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ» КУРСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот қадимги Рим ва Афинада шакланган бўлса ҳам, унга қадар Миср, Ассирия, Вавилон ва Ҳиндистон каби мамлакатларда пайдо бўлганлиги нотиқлик санъати тажрибасидан маълум. Ушбу даврларда жамиятнинг ривожланиши, савдо - сотиқнинг, суд ишларининг ниҳоятда тараққий этиши нотиқликни санъат даражасига кўтарди. Чунки у пайтларда давлат арбобларининг обрў - эътибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши, уларнинг нотиқлик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Нотиқлик санъати саркардалик маҳорати билан баробар даражада улуғланган.<sup>1</sup> Маъшхур нотиқ Цицерон: «Тарихда ё яхши ҳарбий саркарда, ё яхши нотиқ бўлиш керак», деган экан. Бу гапда катта ҳикмат бор. Ҳарбий саркарданинг итоатида кўп сонли лашкар бўлишини тасаввур қилсак, бу сўз тасодифий ўхшатиш эмаслигига амин бўламиз. Грек ва Рим нотиқлари Аристотель, Демосфен, Цицерон, Квинтилиан каби назариётчиларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам бунга мисолдир. Улар кишилик жамиятида риторика ва нотиқлик санъатининг ўзига хос мактабини яратдилар. Цицероннинг «Нотиқлик ҳақида», «Нотиқ», «Брут» асарлари, Марк Фабий Квинтилианнинг «Нотиқ билими ҳақида», Аристотелнинг «Риторика» каби асарлари ҳам қадимги Греция ва Римда маданий нутқ, нотиқлик назарияси анча ривожланганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти ўзига хос мавқега эгадир. Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда нотиқлик, воизлик, яъни ваъзхонлик «Қуръон»ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан ўринли фойдаланиш борасида кўп яхши фикрлар айтилган. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, «Нутқ одоби», «Муомала маданияти» номлари билан юритилиб келинган «нутқ маданияти» тушунчаси жуда қадимдан олимлар, зиёлиларнинг диққатини тортган: Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад

<sup>1</sup> Р.Қунгуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992. 6-бет.

Югнакий, Суфи Оллоёр, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуг сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор бериш билан бирга тилга, лугатга, грамматикага ва мантиқшуносликка оид асарлар ёзганлар. Буюк қомусий олим Беруний (973-1048) узининг «Геодезия» асарига ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир.

Улуг ватандошимиз Абу Наср Форобий тугри сўзлаш, тугри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва чиройли нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти катталиги ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман...».

Кайковус томонидан 1082-1083 йилларда яратилган, қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири ҳисобланган «Қобуснома» да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар айтилган. Асар 44 бобдан иборат бўлиб, унинг 6-, 7- боблари сўз одоби ҳақидадир. Муаллиф фарзандига қилган насиҳатлари орқали ўқувчини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосани кўз олдига келтириб, гапириш кераклигини, киши камтар бўлиши, ўзини халқ орасида оддий тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини шундай ифодалайди: «Эй фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг, ўзингни билғондан камроқ тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бевурд бўлиб қолмағайсан. Кўб билиб, оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демағил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладур - у кўб сўзлар. Дебдурларки, хомушлиқ саломатлик сабабидур, чунки кўб сўзлагучи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар».

<sup>1</sup> Кайковус «Қобуснома» -Т.: Ўқитувчи, 1986, 45-бет.

Улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиги булган «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида: «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган эди. Қисқа сўзлаш, сўзларга иложи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида:

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,  
Туман сўз тугунини бу бир сўзла ёз,

дейди. Мазмуни: сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунини шу бир сўз билан еч. Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан, нутқнинг тўғрилиги, раволиги ва мантиқийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, ҳовлиқмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, нутқни раво қилиб тузишга чақиради.

Адиб Аҳмад Югнакий (XII-XIII) ҳам сўзлаганда нутқни уйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин, деб сўзловчини огоҳлантиради:

Ўқуб сўзла сўзни эва сўзлама,  
Сўзунг кизла кедин, бошинг кизлама.

Мазмуни: (Сўзни ўқиб сўзла, шошиб гапирма, кераксиз ярамас сўзларни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма)<sup>1</sup>.

Нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлгончилик, тилёгламаликни қоралаш ва бошқа шу каби мавзуларда сўз боради.

Ўрта Осиё нотиклигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у, энг аввало, ўша давр тузумининг

<sup>1</sup> Қаранг: Аҳмад Югнакий, Ҳибатул – ҳақойиқ, -Т. 1971, 78-бет.

манфаатларига хизмат қилар эди. Бу даврда нотиклик саънати усталарини надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, қироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар деб юритилиши ҳам ана шундан далолат беради. Аммо тилнинг яратувчиси халқ эканлигини ва унинг, энг аввало, халққа хизмат қилишини тўғри англовчи соғлом фикрли кишилар унинг ижтимоий моҳиятини доимо тўғри тушуниб келганлар/<sup>1</sup>Навоийнинг давлат арбоби сифатида меҳнаткаш халқ олдида қилган чиқишлари, унинг тил ҳақида айтган фикрлари бунинг далилидир. Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавоҳир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга унинг мукаммаллашишига ҳам катта ҳисса қўшди. У ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай дейди: «Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдирки, гар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур...»<sup>1</sup> яъни, тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир, агар у ўринсиз ишлатилса, тилнинг офатидир.

Алишер Навоий майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш одоби ҳақида шундай ёзади: «Сўзни кўнглунда пишқормагунча тилга келтирма, ҳарнаким кўнглунда бўлса, тилга сурма». Мазмуни («Сўзни кўнглингда пишитиб олмагунча, сўзлама, кўнглингда бўлган ҳар қандай фикрни ҳам айта берма»).

Ўзбек бадиий нутқи тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ўрин тутаети. Шоирнинг назми ва «Бобурнома»си ўзбек нутқининг гўзал намуналаридир. Бобур ўзи ҳаммабоп ёзиш билан бирга бошқаларга ҳам шундай иш тутишни маслаҳат беради. Жумладан, ўгли Ҳумоюнга ёзган бир хатида бировга юборилган мактубни муаллифнинг ўзи бир неча бор ўқиб кўришига, унинг равонлигига, сўзларнинг кўзда тутилган маънони тўғри акс эттирганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг жўнатишга чақиради.

Кўринадики, Шарқ мутафаккирлари нотик олдига тилни пухта ўрганиш, унинг лугавий бойлиги ва граммати-касини пухта эгаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқ-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. 14-том, -Т.: 1998, 94-бет.



ни ички (мазмун) ва ташқи (шакл) кўринишига бирдай эътибор бериш, гузал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўядилар ва уларнинг ижросини кузатадилар, чуқур таҳлил этадилар.

«Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» фани ўзига хос амалий соҳа сифатида тилшуносликнинг назарий фанларидан олинган билимларга суянган ҳолда тўғри, таъсирли нутқ тузиш йўллариини ўргатади. У тил, тил меъёрлари, нутқ, нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқ талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

«Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» фани ўз текшириш объекти ва вазифаларига эга. Унинг текшириш предмети нутқнинг лисоний қурилиши, адабий тил меъёрлари ва нутқнинг коммуникатив (алоқа учун керакли) фазилатларидир. Нутқ маданияти назариясида тил меъёри марказий тушунча ҳисобланади. Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил меъёрлари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрдаги иккиланишларни бартараф этиш бўлмоғи керак.

«Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» фани адабий тил меъёрларини, унинг тарихийлигини, тараққий этиб боришини ундаги баъзи бирликларнинг эскириши, улар ўрнида янги меъёрий бирликларнинг пайдо бўлишини кузатиб, қайд этиб боради. Бироқ бу фан адабий меъёрларни яратмайди, баъзи бир ҳодисаларни меъёр сифатида мажбуран киритмайди. Балки ўзбек миллий адабий тили фаолиятини, унинг ривожланишини кузатиб боради, объектив қонунларини кашф этади, шулар асосида тавсиялар беради.<sup>1</sup>

«Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» фани ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганар экан, шундай адабий тил асосида вужудга келадиган барча нутқ турлари, адабий тилга асос бўлувчи халқ тили шевалари ҳам унинг объектига дахлдордир. Нутқ маданияти соҳаси адабиётшунослик, поэтика, эстетика, этика, педагогика, мантиқ, руҳшунослик, сиёсатшунослик соҳалари билан боғлиқ. Миллий

---

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993, 15-16-бетлар.

мустақиллик мафкурасининг таркибий қисми ҳисобланмиш Давлат тили сиёсати ва унга оид ҳуқуқий ҳужжатлар нутқ маданиятининг асосий ашёларидандир. Нотиқлик ва воизлик санътига оид асарлар, ўзбек маданий нутқиغا асос бўлган миллий адабий мерос намуналари, ўзбек миллий ҳужжатчилиги ҳамда давлат тилида иш юритиш қонун – қоидалари мажмуаси нутқ маданияти фанининг асосий объектларидандир.

Кейинги йилларда олий ўқув юртларининг барча факультетларида «Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати» фанининг ўқитилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Ёш авлодни тарбиялашдек ўта масъулиятли вазифани ўз зиммасига олаётган талабанинг ўз фанини чуқур ўрганишининг ўзи етарли эмас. Чунки «ўқитувчининг нутқи ўтмас, ночор бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, ўзига ҳам азоб, ўқувчи шўрликка ҳам азоб. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Ўқитувчи гузал, ўзни ҳам, сўзни ҳам қийнамайдиган равон ва ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларни маҳлиё этиб, бермоқчи бўлган билимини ёш инсон шуурига осонлик билан олиб киради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир».<sup>1</sup>

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тўлиқ шакланганлиги ва улкан ижтимоий вазифани бажараётганлиги айни ҳақақатдир. Бу тил халқимиз учун умумий тил сифатида шаклланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Республикамизда давлат ишларининг, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг шу тилда олиб борилиши учун жуда катта имконият яратди. Тилга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, унинг барча имкониятларини ўрганиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Айни вақтда, шуни ҳам айтиш жоизки, тилнинг ижтимоий вазифасининг бажарилиш даражасини белгиловчи омиллардан бири бўлмиш нутқ маданияти соҳасини чуқурроқ

<sup>1</sup> Н.Маҳмудов. Маърифат манзиллари. -Т. 1999. 28- бет.

Ўрганиш олдимизга қўйилган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки нутқимиздаги нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш, нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантириш умумдават аҳамиятига эга бўлган сиёсий ва ижтимоий масаладир. Бу масала билан шуғулланиш ишига фақат тилшуносларгина эмас, республикада истиқомат қилувчи барча соҳа вакиллари эътибор беришлари мақсадга тўла мувофиқдир. Чунки, нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, кишиларни юксак маданият соҳиби бўлишларини белгилайди. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, иккинчи жиҳати биз халқаро доирада икки қарама - қарши ижтимоий гуруҳ ўртасида мафкуравий кураш ниҳоятда кескинлашган бир даврда яшамоқдамиз. Бу нарса ҳам мафкуравий курашнинг асосий қуроли бўлган тилнинг ҳар қачонгидан ҳам ўткир ва кескин бўлишини тақозо этади. Президентимиз И.А.Каримов ҳам бунга алоҳида эътибор бериб шундай деган: «Гояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».<sup>1</sup>

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни урганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир».<sup>2</sup>

Мақтабда нутқ тадбиркорлигини сингдириш ўқитувчининг бош вазифасидир. У биринчи соатдан бошлаб то охириги машгулотгача ўқувчиларда нутқ маданияти (тадбиркорлиги)ни тарбиялашга хизмат қилиши керак.

Бошқача айтганда «Айни пайтда нутқий маданият тарбияси билан мактабдаги, ҳеч бир истисносиз, барча ўқув фанлари ҳам билвосита шуғулланиши керак.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. -Т. 2000. 35-бет.

<sup>2</sup> И.А.Каримов Ўша асар. 17-бет.

Математика бўладими, физика ёки тарих бўладими, ўқитувчи ўз нутқий маданияти билан намуна кўрсатиши, тегишли фан соҳасининг тугал тилини намойиш этиши ва шу йўл билан ўқувчидаги сўз сезгисига куч бериши мақсадга мувофиқ. Таълим амалиётида кўргазмалилик азалдан энг зарурий омил сифатида қараб келинади, шунинг учун ўқитувчи жуда кўп вақтини турли кўргазмали қурооллар тайёрлашга сарфлайди. Бу маъқул, аммо, унутмаслик керакки, нутқий маданиятни ургатиш, чиройли сўз завқини ўстириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида, асосий, жонли кўргазмали қуроол ўқитувчининг узидир»,<sup>1</sup> унинг нуткидир, нутқ маънавиятидир.

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот қаерда шаклланган?
2. Шарқда нутқ маданияти масалалари билан шуғулланган мутафаккирлардан кимларни биласиз?
3. «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» фанининг мақсад ва вазифаси нималардан иборат?

### Таянч тушунчалар

Нутқ - (арабча) фикрни сўз орқали ифодалаш.

Назм - (арабча) шеърий асар: шеърий жанри, шеър уллови.

Наср - (арабча) проза, прозаик асар, проза жанри.

Аруз-шеър тузилишида қисқа ва чўзиқ ҳижо (бўгин)ларнинг маълум тартибда гуруҳланиб, такрорланиб келишига асосланган вазн системаси. Аруз вазни.

Мантиқ - (арабча) тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан логика.

Маданият - (арабча) таълим - тарбиялилик ва зиёлилик.

---

<sup>1</sup> Н.Маҳмудов. Маърифат манзиллари. -Т.: 1999. 52 - бет.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЙ МЕЪЁР. НУТҚИЙ МАЛАКА

Маданият тушунчаси ниҳоятда кенг бўлиб, у жамият ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча жараёнларни, йўналишларни, ҳодисаларни қамраб олади.

Нутқ маданияти жамият ҳаётининг, жамият маданиятининг ўта муҳим. ажралмас таркибий қисми, муайян воқелиги, кўриниши сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. У фикр алмашиш муомила, сўзлаш каби кундалик, доимий, зарурий жараёнларни ўз ичига олади, уларни «бошқарадиган», улар орқали воқеликка айланади, таъсир қилиш қувватига эга бўлади.

Демак, нутқ маданияти нутқ билан, нутқ фаолияти билан бевосита боғлиқ экан, тил нима, нутқ нима деган саволларнинг келиб чиқиши мутлақо табиий ва мантиқийдир.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ҳодисалар бўлиб, тил алоқа курали сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ – бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқларда қадимдан мавжуддир. Бу тушунча муайян лингвистик меъёрлар, этик ва эстетик талаблар билан алоқадор бўлган тушунчадир. Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи (кўрсатувчи) этик ва эстетик категориядир, ҳодисадир.

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларга маълум «тил диди»ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ҳодисани ифода этади:

- 1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи;
- 2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий муаммонинг номи;
- 3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири мураккаб кўринишларига, қирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштирмаслик лозим.<sup>1</sup>

Шундай қилиб:

1. Нутқ маданияти адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири (Прага лингвистик мактаби).

2. Нутқ маданияти (тил маданияти) — бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва симлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир (Прага лингвистик мактаби).

3. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир (А.Гуревич ва б.).

4. Нутқ маданияти кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашидан иборатдир (Б.Н.Головин ва б.).

5. Нутқ маданияти фақат тўғри нутқгина эмас, балки уқувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир (Г.О.Винокур ва б.).

6. Нутқ маданияти тил воситаларидан уринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир. (А.И.Ефимов).

7. Нутқ маданияти бу, аввало, фикрлаш маданиятидир. (Д.Э.Розенталь ва бошқалар)

8. Миллий ўзига хослиги билан ҳам ажралиб турувчи нутқ маданий нутқдир. (М.Агафанова).<sup>2</sup>

Хулоса шуки, нутқ маданияти тилни - алоқа - аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омилар: тафаккур, онг,

<sup>1</sup> Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умурқулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Т.: 1998, 31 - бет.

<sup>2</sup> Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умурқулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. 45-бет.

борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга булган муносабат қанчалик юқори савияда булса, нутқ маданияти ҳам шунчалик юқори савияда булади. Аксинча булса-чи, унда нутқ маданияти ҳам паст савияда булиши муқаррар.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг уринли ва уринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маълум бир улчов (мезон) га асосланишимиз тайин. Мана шу улчов (мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар бир лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари булганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари булган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қуйидагича кўрсатилади: 1. Диалектал меъёр. 2. Сўзлашув нутқи меъёри. 3. Арголар, жаргонлар меъёри. 4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Адабий меъёр. Маълум бир ҳудудда тарқалган узус имкониятлари ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносиз тушунарли булади, яъни алоқани енгил амалга оширишга имкон беради. Бу — тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр — тилнинг яшаш шаклидир.<sup>1</sup>

Адабий меъёр узусга асосланади, ундан олинади. Адабий меъёр адабий тил билан бирга тугилади, бадиий адабиётнинг, халқ маданиятининг тараққиёти билан ривожланиб, ўз қонун-қоидаларини мустаҳкамлаб боради.

Адабий меъёр узусдан олинганлиги сабабли ҳамма учун тушунарли булади. Шунинг учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларини уюштиришда, катта вазифаларга отлантиришда адабий тил, унинг меъёрлари жамият учун ниҳоятда зарурдир.<sup>2</sup>

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик – семантик меъёр.
2. Талаффуз – (орфоэпик) меъёр.
3. Ёзув (графика) меъёри.
4. Фонетик меъёр.
5. Акцентологик (урғуни тўғри қўллаш) меъёр.

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993, 38-бет.

<sup>2</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993, 40-бет.

6. Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.
7. Сўз ясалиш меъёрлари.
8. Имловий меъёр.
9. Услубий меъёр
10. Пунктуацион меъёр.<sup>1</sup>

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилари, латифагўй халқ шоир – бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил меъёрини урганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олингунга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиш, ривожланиш, стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қўйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатда фарқ қилади.

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама – қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари бўйича текшириши лозим<sup>2</sup>.

Нутқ маданияти адабий меъёри маълум мақсад билан, аниги маданий нутқнинг чегараси ва воситаларини аниқлаш мақсадида ўрганади. Шу сабабли, нутқ маданияти соҳаси адабий тил ва унинг меъёрий системасини баҳолайди ва назорат қилади. Нутқ маданияти соҳаси

<sup>1</sup> Р.Қўнгулов, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992. 38-бет

<sup>2</sup> Р.Қўнгулов, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992. 39-бет.



адабий тилга ёндашади, яъни адабий тил ривожига онгли аралашади.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демакки, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутади. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий булган нутқий қурол шу жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукамал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени кузатиб бориши орқали ҳамда тинимсиз мустақил шугулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга булган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шугулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади.

Булар - сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда, сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа - ҳодисадан хабардор бўлади.

921581

Ўрта мактабда таълим олаётган ёшларни, яъни, жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг нутқи ута муҳимдир. Демак, ўқитувчилик касби инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак маданият билан бирга юқори даражадаги нутқий малакага ҳам эга бўлишини талаб қилади.

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Нутқ маданияти нима?
2. Тил маданияти билан нутқ маданияти қайси жиҳатларига кўра ўзаро фарқ қилади?
3. Адабий меъёр нима? У нимага асосланади?
4. Нутқий малакага қандай эришиш мумкин?

### Таянч тушунчалар

1. Морфема - (грекча) тилшуносликка оид термин бўлиб, сузнинг маъно англатувчи, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган қисми (ёки бўлаги) (ўзак морфема, аффиксал морфема).

2. Жаргон - (французча) бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ва ўзигагина тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган ясама тили.

3. Узус-бирор тил жамоасида тил системасида мавжуд бўлган имкониятларнинг фойдаланиб келинаётган қисми узус дейилади. Узус бир тилни бошқасидан ажратиб турадиган шартларни ҳам, тилнинг ички меъёрларини ҳам ўз ичига олади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993. 36-бет.

## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Ҳозирги замон ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик, орфоэпик ҳамда орфографик, имловий меъёрларининг нисбатан мукаммал шакланганлиги ўзбек тили маданиятининг улкан ютуғидир.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек тили энг бой, энг тараққий этган тиллардан бири бўлиб, ўз шаклланиш, ривожланиш тарихига эга.

Ўзбек адабий тили олимлар, зиёлилар, адибларнинг оғзаки ва ёзма адабиётнинг асосий ижодкорлари бўлган халқимизнинг асрлар оша машаққатли меҳнати, тилга сайқал бериши, уни чуқур ўрганиши борасидаги хизматлари эвазига туркий тиллар оиласида ўзига хос мавқега эга бўлди. Бу тилда жуда кўп ўлмас бадиий асарлар, илмий тадқиқотлар яратилди. Бу ҳам ўзбек тилининг маданий тиллар қаторидан урин олишини таъминлади.

Қадимдан маълумки, тил энг муҳим алоқа-аралашув, фикр алмашув қуролидир. Бу қурол қатор бошқа вазифаларни ҳам бажаради: у ёки бу халқ тарихи ёки умуман воқелик ҳақида хабар беради, уларни авлоддан – авлодга етказиши, кишилар онгига таъсир этади, эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек, у билим бериш ёки билим олиш қуроли ҳамдир.

Ана шундай қатор вазифаларни бажарувчи ҳамда функционал имконияти янада ортиб бораётган бу қуролнинг – ўзбек адабий тилининг ишлатилиши, унинг қай даражада сайқал топганлиги, уткирлиги, муайян вазифани бажаришга хосланганлиги, тузилиши, моҳияти билан шаклининг мутаносиблиги, гўзал ва ихчамлиги кабилар унинг қудратли маданий қурол эканлигини кўрсатади. Қуролни яратиш ва унга сайқал бериш эса шу тилга мансуб бўлган халқ вакиллари, зиёлилар, адиблар, шу қуролни ишлатишга эҳтиёжи бор бўлган барча кишилар ва, ниҳоят, шу иш билан махсус шуғулланувчи мутахассисларнинг ишидир.

Дарҳақиқат, нутқ – бу тил деб аталмиш ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни. Демак нутқий жараён – тилнинг ўз вазифасини бажариш жараёни. Бу жараён яхши ёки ёмон

кечиши мумкин. Нотиқ эса маълум маънода бу жараёни амалга оширувчидир.

«Қобуснома» да Кайковус ҳамма ҳунарлар ичида сўз ҳунари – нотиқликни аъло деб билган: «Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши<sup>1</sup>.

Нутқ хоҳ огзаки, хоҳ ёзма бўлсин, гузал ёки қуруқ – қўпол бўлиши мумкин.

Ўткир тешани қўлига олган уста у билан ажойиб бир қутича ясаши мумкин. Шу тешани қўлга олган чала бир ҳаваскор уста бир зумда қўлини чопиши ёки яхши нарсани ишдан чиқариши мумкин.

Адабиётшунос олим Иззат Султон «Адабий асарнинг мазмуни, ундаги гоёнинг олийжаноблиги, тасвир қилинган одамлар ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги – ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир», — деганида, энг аввало, тил қуролидан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритган.

Демак, ҳамма учун баравар хизмат қиладиган тил – алоқа – аралашув қуроли воситасида гузал, яхши, намунали нутқ тузиш ҳам, қўпол, ёқимсиз, ножўя, тутуруқсиз, қуруқ нутқ тузиш ҳам мумкин. Буларнинг биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий, «хунук» нутқдир.

Тилшунос С.И.Ожегов яхши нутқ ҳақида гапирар экан, «Юқори даражадаги нутқ, юқори нутқ маданияти – бу ўз фикрини тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалай билиш қобилиятидир», – дейди.<sup>2</sup>

Бундай қобилиятта ўз она тилини чуқур севиш ва ҳурмат қилиш, уни мукамал билиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва огзаки нутқидан билинади, нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотиқдангина эмас, балки ҳар бир жамият аъзосидан талаб қилинади.

Тилда сўз миқдори қанча кўп бўлса, уша тилни бой тил деб талқин қилиш кенг тарқалган. Бу фикр маълум маънодагина тўғридир. Чунки тилдаги сўз миқдори тил

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома. 1986. 32-бет.

<sup>2</sup> Р.Қунгуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Т.: 1992. 8-бет.

бойлигини таъминловчи асосий омилардан бири бўлса ҳам, тил бойлиги шу билангина чекланмайди. Бу уринда, албатта, ўзбек тилининг синонимларга, фразеологизмларга, парафразаларга ниҳоятда бой эканлиги, улар маъноларининг, шунингдек, умуман ўзбек тилидаги сўзларнинг кўп маънолилиги ниҳоятда юқори даражада эканлиги ҳам ҳисобга олинади.

Шундай бўлса-да, ана шулар билан бир қаторда, у ёки бу тилни бой тил деб белгилаганда, шу тилнинг турлитуман ифода воситаларига эгаллигини кўзда тутамиз. Ўзбек тилида сўздаги унли товушни чўзиш ёки ундош товушни иккилантириш (геминация) ҳодисаси ҳам ифода воситаси ҳисобланади: тўйга машҳур хонанда келган шекилли, одам!; Мазам йўқроқ, эртага ишга боролмайман; Мазза қилиб дам олинг, яхшилаб соғайиб кетинг, кейин гаплашамиз. Бу мисоллардаги «одам» сўзи алоҳида урғу билан айтилади, шунингдек, сўздаги о товуши баъзан эса, кейинги бўғиндаги а товуши чўзиб талаффуз қилинади. Ана шу чўзиқлик, кучли оҳанг билан айтиш алоҳида маъно касб этади, яъни ушбу тарзда айтилганда, айни сўздан одамнинг кўчлиги, тасирчанлик, ҳис-ҳаяжон кабилар ифодаланади. Кейинги гапдаги «мазза» сўзида «з» ундошининг иккилантирилиши ҳам маънони кучайтириш учун хизмат қилган.

Ўзбек тили ана шундай имкониятларга ниҳоятда бойдир. Ўзбек тилида такрорнинг икки тури мавжуд:

- а) грамматик такрор;
- б) бадий такрор.

Такрорнинг биринчи тури грамматик такрорда маъно одатда кўплик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: машина-машина қовун туширдик; қоп-қоп ун ёпишади; гапириб-гапириб ухлаб қолди; югуриб-югуриб чарчади; яхши-яхши гапиринг каби.

Такрорнинг иккинчиси турли хил маъноларни ифодалайди: Тонг яқин, оппоқ тонг яқин (Ғ.Ғулум). Гапиринг, гапиринг, деяпман, гапирсангизчи!

Ўзбек тилида сўзлар таркибидаги турли хил товуш ўзгаришлари, масалан: қора-қаро, ора-аро, кўнғил-кангул...; ошино-ошно, ошиён-ошён, сен билан – сен ила – сенла,

устига - устина, богин - богини, кўксин - кўксини кабилар ҳам ўзига хос воситалардир.

Ҳозирги ўзбек тилида 30 га яқин кўмакчи феъллар мавжуд бўлиб, бу кўмакчи феъллар етакчи феъл билан равишдош кўрсаткичлари - б, (- иб) орқали боғланиб келади ва турли хил нозик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: кетди-кетиб қолди; ёзди - ёзиб ташлади; ташлаб кетди - ташлаб кетиб қолди; қочди - қочиб қолди; урушди - уришиб берди; қўллади - қўллаб юборди; қулди - қулиб қўйди каби.

Ўзбек тилида булардан ташқари алоҳида бадиий тасвир кўринишлари, воситалари ҳам бўлиб, уларга метафора, метонимия, синекдоха, сифатлаш, ухшатиш, кесатиш (ирония), истехзо (сарказм), муболага, кичрайтириш, жонлантириш; зиддаш (тазод), зинапоялаш, кетма - кет келтириш, риторик сўроқ, боғловчисизлик ёки кўп боғловчилик; тушириб қолдириш (эллипсис), бадиий такрор, бадиий ўрин алмаштириш (инверсия) кабилар киради.<sup>1</sup>

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Адабий тил деб нимага айтилади?
2. Адабий тилнинг сўзлашув нутқидан қандай фарқи бор?
3. Тилнинг бойлиги нимада намоён бўлади?
4. Тарихий сўзлар деб қандай сўзларга айтилади?

#### **Таянч тушунчалар:**

1. Синоним - маънодош сўзлар.
2. Фразеологизм - ибора.
3. Парафраза - тасвирий ифода
4. Эпитет - сифатлаш.

---

<sup>1</sup> Ё.Тожиёв, Н.Ҳасанова, Ҳ.Тождатов, О.Йулдошева Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т, 1994, 14-бет.

## НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИ

Нутқ сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг муайян кўриниши ифода бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейилганда, айтимсоқчи бўлган мақсаднинг тингловчи ёки китобхонга тўлиқ ва аниқ етиб бориши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра нутқ олдида муайян талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг коммуникатив сифатлари бўлиб, унда нутқнинг мантиқан тўғри, фикран аниқ, тузилишга кўра чиройли ва йўналишига кўра мақсадга мувофиқ бўлиши назарда тутилади.

**1. Нутқнинг тўғрилиги.** «Тўғрилик деганда, -деб ёзади В.Г.Костомаров,-нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий ва грамматик меъёрларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади».<sup>1</sup>

Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Чунки нутқ тўғри бўлмаса, унинг бошқа коммуникатив сифатлари, яъни мантиқийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади.

Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан, икки меъёрга - урғу ва грамматик меъёрга қатъий амал қилиш талаб қилинади. Сўзлардаги урғунинг кўчиши билан маънонинг ҳам ўзгариб кетиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Масалан: олма сўзи. Бу сўзни алоҳида урғусиз олиб қараганда, унинг қандай маънода қўлланилаётганини аниқлаш қийин. Фақат урғу ундаги маънонинг аниқланишига кўмаклашади. Яъни олма тарзида урғу биринчи бўғинга тушганда, ҳаракат, олма каби охирги бўғинга тушганда эса меванинг бир тури маъноси англашилади. Тилимизда бундай сўзлар анчагина. Масалан, ҳозир - ҳозир, янги-янги, йигитча-йигитча, ўқувчимиз - ўқувчимиз сўзларининг маъноси ҳам урғу ёрдамида ойдинлашади.

---

<sup>1</sup> В.Г.Костомаров. Культура речи и стиль. - М. 1960, 24-бет.

Гап таркибидаги айрим олинган сўзга тушадиган ургу, яъни мантиқий (логик) ургунинг ҳам маънони фарқлашда хизмати катта. Ҳамма тилларда ҳам қайси маънога алоҳида эътибор берилаётган бўлса, шу маънони ифода этаётган сўз махсус ургу билан талаффуз қилинади. Масалан, Анвар хат ёзди, гапида ким ёзганлиги, нима ёзганлиги ёки нима иш қилганлиги айтилиб, мазкур гапдаги сўзларнинг учаласидан бирига ургу туша олади. Бундай ўринларда мантиқий ургу маънони таъкидлаш учун хизмат қилади. Умуман нутқда, бўгин ургуси каби мантиқий ургуни ҳам тўғри ишлата билиш керак. Чунки айни жараёнда хатога йўл қўйилса, назарда тутилган маъно англашилмай қолиши мақсад амалга ошмаслиги мумкин. Демак, фикрни нутқ (гап) орқали тўғри ифодалашда сўз ургуси ҳамда мантиқий ургунинг тўғри ишлатилишига жиддий амал қилишимиз шарт.

Грамматик меъёрга риоя қилиш деганда, гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, узак ва қўшимчаларни қўшишда хатога йўл қўймаслик, келишиқ қўшимчаларини ўз ўрнида қўллаш, эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали булақларнинг уларга боғланиш қонуниятлари тушунилади.

Хуллас, она тили хазинасидан керакли грамматик шаклларни танлаш ва уларни ўз ўрнига қўйиш, яъни нутқнинг тўғри тузилишига эришиш нутқ маданиятининг асосий талабларидан биридир.

**2. Нутқнинг аниқлиги.** Нутқнинг аниқлиги сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. Аниқлик нутқнинг муҳим хусусиятларидан бири эканлиги қадимдан маълум. Фарб мутафаккирлари ҳам, Шарқ олимлари ҳам аниқликни нутқ сифатларининг биринчи шarti деб ҳисоблаганлар. Аристотель: «Агар нутқ ноаниқ бўлса, у мақсадга эришмайди»,— деган. Кайковус эса: «Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билгил ва уларга риоя қилгил, хар на сўз десанг юзи била дегил, то сухангўй бўлғайсан. Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканин билмасанг қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас».<sup>1</sup> Яна давом

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома, 1986, 43-бет.



эттиради: «Шундай кишини нотикъ (сухангуй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин».

Аниқлик нутқнинг муҳим хусусияти, фазилати сифатида фикрни ёрқин ифодалаш билан, нутқ предмети-нинг маъноси билан, нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боғлиқ бўлади. Агар нотикъ ўзи фикр юритмоқчи бўлган нутқ предмети яхши билса, унга мос сўзларни танласа ва ўзи танлаган сўзларнинг маъноларига мос вазифалар юкласа, нутқнинг аниқ бўлиши тайин. Демак, аниқлик нутқда сўз қўллаш меъёрларига амал қилишдан иборат. Бу жиҳатдан аниқлик тўғрилиқнинг бошқача, ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Баъзан нотикъ ўзи ишлатадиган сўзнинг маъносини билишга унча эътибор бермайди. Натижада сўзнинг маъноси нутқдан кўзда тутилган мақсадга мос келмайди. Кўпинча, бунга бир-бирига яқин нарсаларни англутувчи сўзлар сабаб бўлади. Масалан: Абдулла Қаҳҳор ёзувчи Маъруф Ҳакимнинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ҳикоясини таҳлил қилиб, «Ботир белига қатор бешта бомба қистириб...», «Қўлига бомба ушлаган ҳолда кўчага югурди» жумлаларидаги бомба сўзининг нотўғри қўлланилаётганлигини, ёзувчининг бомба ва гранатани фарқламаслигини танқид қилади.<sup>1</sup> Аниқлик икки хил бўлади: нарсанинг аниқлиги ва тушунчанинг аниқлиги. Нарса аниқлиги нутқда акс этган мавжудликнинг нарсалар, ҳодисалар доираси билан нутқ мазмунининг муносабатида кўринади. Нутқда мавжудликнинг нарса ва ҳодисалари тўғри акс этиши учун нотикъ ўзи сўзлаётган нарсаларни яхши билган бўлиши лозим. Нутқ предмети билмаслик ёки чала билиш, шунингдек, уларни ўрганишда лоқайдлик қилиш натижасида юзага келган ноаниқлик ёқимсиз бўлиб, тингловчини ранжитади. Масалан: «На ташкилотчилик, на раҳбарлик, на билимдонлик қобилияти бўлмаган киши бирданига кимнинг назарига тушди?» (Газетадан)<sup>2</sup>.

Кўринадики, сўзловчи **на** юкламасининг нутқдаги маъноси - ма бўлишсизлик қўшимчаси англатган маънога

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993, 55-бет.

<sup>2</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993, 56-57 - бет.

тенг эканлигини унутган. Одатда на инкор юкламаси иштирок этган гапларнинг кесими бўлишли шаклда бўлади.

Нутқнинг ҳар томонлама тўғри бўлиши учун нарса аниқлигининг узи етарли эмас. Тушунчавий аниқлик нутқ мазмунининг унда белгиланган тушунчалар тизимига мос келишини талаб қилади.

Шундай қилиб, аниқлик нутқнинг алоқавий сифатларидан бири бўлиб, у объектив борлиқ билан нутқ мазмунининг мослиги сифатида юзага чиқади.

Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан қуйидагиларни талаб этади:

а) тилнинг синонимик имкониятларини билиш ва синонимик қаторлардан кераклигини ажратиб, нутқда қўллаш;

б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг англаган маъноларини ҳар томонлама билиш;

в) сўзнинг кўп маънолигига жиддий эътибор бериш, кўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно қирраси кўзда тутилаётганини аниқ тасаввур қилиш; фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно қирралари монелик қилиш-қилмаслигини кўз олдига келтириш;

г) омонимларнинг хусусиятларини билиш, чунки уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;

д) паронимларни билиш, улардаги товуш яқинликларига эътибор бериш;

е) тор муҳитда ишлатиладиган, четдан кирган, касб – ҳунарга оид, архаик, эскирган, диалектизм сўзларнинг маъноларини яхши англаган ҳолда нутққа киритиш.<sup>1</sup>

**3. Нутқнинг тозалиги.** Нутқнинг тозалиги деганда, энг аввало, унинг адабий тил меъёрига мувофиқ келиш – келмаслиги тушунилади.

Нутқимизнинг софлигига, асосан, қуйидагилар таъсир қилади:

1. Маҳаллий диалект ва шеваларга хос сўз, ибора, шунингдек, грамматик шакллар, сўз ва сўз бирикмаларининг талаффузи, ургуси.

2. Ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари.

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи. 1993. 58-бет.

3. Жаргонлар.
4. Вульгаризмлар.
5. Нутқда ортиқча такрорланадиган «паразит» сўзлар.
6. Канцеляризмлар.

Санаб ўтилганлардан ўринсиз фойдаланиш кундалик нутқни ҳам, бадиий нутқни ҳам хиралаштиради. Ҳар бир сўзловчи ўз нутқининг адабий меъёрлар даражасида бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим.<sup>1</sup> Ўз шеvasига хос бўлган тил воситаларини нутққа ўринсиз олиб кириш нутқни бузади. Аммо диалектизм ва варваризмлар бадиий асар тилида маълум бадиий – эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум гоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши ҳам мумкин. Муаллифнинг миллий колоритни бериш учун, асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилиш учун диалектизм ва варваризмлардан фойдаланиши мумкин. Масалан: «Ёшулли, сиз буни эмас, мени тингланг! Бу манглайи қоранинг шериги бор» (Т.Малик). Ушбу мисолда диалектизмлар территориял колоритни беришга хизмат қилаётган бўлса, қуйидаги мисолда варваризмлар – чет сўзлар характер яратишда ёзувчига кумақлашган. «Ишондим, ўртоқ гинрол. Ҳаммаси ест бўлади. Уйда халадийнада муздаги бор, олиб чиқайми? Сизга текин» (Т.Малик).

Лаҳжавий сўзларнинг бадиий адабиётда ўрни билан ишлатилиши фақатгина мақсадга мувофиқ бўлиб қолмасдан, адабий тилимизнинг бойиб боришига, умумхалқ тилидаги айрим элементларнинг сақланиб қолишига хизмат қилиши ҳам мумкин. Масалан: нутқ ниҳол ўтказиш ҳақида бўлганида адабий тилда варианты йуқ бўлган «ханча» сўзи ишлатилса ва ўз урнида унга изоҳ берилса, ўринли бўларди. Чунки бу сўз ниҳол ўтказиш учун кавланган чуқурчанинг номи бўлиб, бошқа чуқурчаларга нисбатан ишлатилмайди.

Нутқда ўринсиз ишлатилган бошқа тилларга оид сўзлар варваризмлар деб аталади.

Айрим кишиларнинг ўз нутқини назорат қилмаслиги, «ёқимли» сўз қидиришда эринчоқлик қилиши, русча атамаларнинг ўзбекча шакллари билмаслиги, баъзи

---

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993. 50-бет.

қолларда ўзининг русчани ҳам билишлигини намойиш этишга интилиши натижасида варваризмлар нутққа кириб келади: Эрталаб звонить қилдим, библиотекага бордим, астановқада турдим каби. Нутқимизда мана шундай сўзларнинг учраб туриши жуда ачинарлидир. Улардан қутулишнинг бирдан-бир йўли она тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унга ҳурмат билан қараш, сўз қўллашга алоҳида эътибор бериш, бадий асарларни кўп ўқиш, ўқиганда нотаниш сўзлар маъносига диққат қилиш кабилар. Айрим касб эгаларининг, айрим гуруҳларнинг ўз «тили» бўлиб, улар бу «тил» орқали сўзлашда бошқалардан ажралишга, ифодаланаётган фикрларини кишилардан бекитишга интиладилар. Бундай сўзлар жаргон сўзлар деб аталади. Масалан, новча (ароқ), қизил (вино) – ичувчилар нутқига хос.

Вульгаризмларга ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган: кишини сўкишда, ҳақоратлашда ишлатиладиган сўзлар киради. Уларни ишлатиш сўзловчининг паст маданиятли, қўпол, жоҳил киши эканлигини кўрсатади. Бадий адабиётда ҳам улардан фойдаланилади:

- Ухлаб ўтирибсанми, хунаса?! Минг марта чақирим керакми?! (Т.Малик).

Паразит сўзлар деб аталувчи лугавий birlikлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотиқнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади. А.Қодирий «Меҳробдан чаён» романида бухоролик Шарифбой нутқида «паъланат» («падар лаънат»)ни паразит сўз сифатида ишлатиб, унинг нутқини индивидуаллаштирган. Шарифбой ҳар гапида бу сўзни қўшиб гапиради:

«Шарифбой ёстиқдан бурилиб, ёнидаги учинчи йигитга қаради:

- Паъланат, қачон келган экан?»

«Канцеляризм»лар иш қоғозлари учун зарур бўлган, маълум бир шаклда сақланадиган сўз бирикмалари, гаплардир. Улар ўз ўрнида жуда зарур. Чунки иш қоғозлари қатъий бўлган маълум шаклларни талаб қилади. Бундай «қатъий шакллар», шаблонлар сўзлашув нутқига,

бадий адабиётта, публицистикага утса, нутқни бузиши мумкин. Уринсиз канцеляризмлар мажлисларда, кенгашларда, газеталарда, радио ва телевидениедаги нутқларда куплаб учрайди.

«Бундан 365 кун муқаддам сиз билан биз уз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясаб, зур синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик...» (А.Қаҳҳор). Гапдаги «365 кун муқаддам», «қатъий бурилиш ясаб», «зур синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик» каби нутқ бирликларини қўллаш билан ёзувчи айрим «нотиклар» устидан кулади.

**4. Нутқнинг мантиқийлиги.** Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари бўлган тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий birlik ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ етиб бормаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келади. Нутқни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан мантиқсизлик юз беради. Қуйидаги мисолга эътибор қилинг «Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатта сут сотиш планларини муддатдан олдин бажарадилар» (Газетадан). Гапда сўзларнинг тартиби тўғри бўлмаганлиги, «олти ойлик» бирикмасининг «сотиш» сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етляпти, ҳатто хато фикр ифодаланаляпти.<sup>1</sup>

Нутқда мантиқийликка эришиш учун қўлланган сўзлар билан уларнинг предметлик маънолари мос бўлиши лозим. Бошқача айтганда, ҳар бир сўз нутқда қўлланганда, ўзига хос маънонигина ифодалаш зарур.

Мантиқийликни предмет мантиқийлиги ва тушунча мантиқийлиги деб иккига ажратиш мумкин. Предмет мантиқийлиги нутқдаги тил birlikларининг ўзаро ички муносабатларининг мослигидан иборат. Тушунча мантиқийлиги мантиқий фикр тузилишидан ҳамда бу тузилишнинг нутқдаги тил белгиларининг маъновий алоқаларидан

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993. 56-бет.

иборат. Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантиқий изчиллик бўлишини тақозо қилади. Аммо, бу талабни нутқнинг ҳамма кўри-нишларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Масалан: илмий ва бадий нутқ услубларида бу талабга қандай амал қилини-шини кўриб чиқайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий қисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир ҳалқага бирлашади. Матнда берилган фикрлар қатъий изчилликда баён қилинади.

Бадий нутқ тузилиши эса бир оз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинадию, бирданига узилиш юз беради, яъни бошқа воқеалар ҳикоя қилинади.. Бу нарса гўё мантиқий изчилликка путур етказгандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадий асарларда, хусусан, қисса, роман каби жанрлардаги кенг қамровлик тасвир қурилишини ана шундай тузишни тақозо қилади. Мантиққа путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади.

Хулоса шуки, нутқнинг мантиқийлиги деганда, яхлит бир система асосида тузилган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир суз, ибора аниқ мақсадга мос ҳолда ишлатиладиган нутқни тушунамиз.

### **5. Нутқнинг таъсирчанлиги.**

Суз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,  
Суз бирла чиқар индан – мурдор ҳам.  
(Абу Шукур Балхий)

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади. Шунга кўра нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазият ҳам эътиборга олинади. Яъни, бунда нотик тингловчиларни уларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, нутқнинг қандай қабул қилинаётганигача назорат қилиши зарурдир. Профессионал билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади

ва ифодаламоқчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга тўлиқ етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб белгиланади. Хўш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушуномқ керак? Б.Н.Головин айтганидек, таъсирчан нутқ тингловчи ва ўқувчининг эътиборини ва қизиқишини ҳисобга оладиган нутқдир.

Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ифодаланаётган фикрга ишонтира олиш нотиқлар олдига қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, мавзуни яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси булиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни узаро боғлаб тингловчиларни нутқ режаси билан таништириш лозим. Вақтни ҳисобга олиш нотиқлик фазилатларидандир. Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, иложи бўлса, нутқ сал олдинроқ тугатилса, айни муддао бўлади.

Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳимдир. Чунки шундай бўлгандагина қуруқ расмиятчиликдан воз кечилади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа мустаҳкамланади. Нотиқ фикрларини ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлигига эришишда тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, такрор ва адабий кўчим-ларнинг ҳам роли каттадир. Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалардан, айниқса, фразеологизмлардан унумли фойдаланиш зарур. Ёзувчи А.Қаҳҳор ўз ҳикояларида эпиграф сифатида берилган мақоллар орқали ўқувчилар диққатини дарҳол эгаллайди. «Осмон йироқ – ер қаттиқ» («Бемор»), «Отнинг ўлими – итнинг байрами» («Ўғри») ва б.

**6. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги.** Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги жуда муҳимдир. Нутқ маданияти адабий тил меъёрларини пухта эгаллаш ва улардан нутқда тўлиқ фойдаланиш демакдир.

Нутқ маданияти юксак бўлган киши, биринчидан, ўз нутқини тўғри, адабий тил меъёрларига мувофиқ тузади. Иккинчидан, тил воситаларидан энг мувофиқ, энг зарурларини танлаб олиб, нутқнинг жозибали булишини таъминлайди. Шунингдек, нутқнинг ихчамлиги, мазмундорлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Абулла Қаҳҳор таъкидлаганидек, «Китобхонга бир фикрни ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишини бошини қотирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак», «Сурат олдираётган киши суратта чиройли ва келишиб тушмоққа беҳуда зўр бериб, ўзининг табиий ҳолатини бузгандай, ёзувчи чиройли ва қойил қилиб ёзишга зўр берса, адабий асар учун зарур бўлган тилдаги соддалик, табиийлик бузилади».

Нутқ тўғри, аммо, айна вақтда тушунилиши қийин булиши мумкин. Нутқ тўғри, бироқ нутқ сўзланаётган шароитга мос бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам атоқли ўзбек шоир ва ёзувчилари ўз асарларини қайта-қайта ишлаганлар. Бу борада А. Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, А.Ориповларни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Ёзувчи С. Аҳмаднинг айтишича, А. Қаҳҳор баъзи ҳикоялари матнини 27 мартагача қайта ишлаган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шундай ёзади: «Адиб ўзини таҳрир қилиши, асарларида ҳайкалтарошдек гадир-будур мраммарни ишлаб, жонли инсон яратиши керак. Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» романи қулёзмасини кўриб, оғзим очилиб қолди. Шу даражада кўп таҳрир қилинганки, кўчирувчи машиначиларга жуда қийин бўлган бўлса керак. Абдулла Қодирий, Ойбек қўлда ёзган, бир сидра осон ёзилган яхши асар йўқ, ҳар қандай зако ва етуклик ҳам таҳриру тер тўкишни тақозо этади»<sup>2</sup>.

Куринадики, ёзувчилар сўз ва сўз бирикмаларининг бирини бошқаси билан алмаштирганда, меъёрга мослигини эмас, мақсадга қай даражада мувофиқ келишини кўзда тутадилар.

<sup>1</sup> Т.Қудратов. Ўша асар, 1993. 75-бет.

<sup>2</sup> Т.Қудратов. Ўша асар, 1993. 58-бет.



Нутқ фаолиятида муаллиф ўз олдига қўйган мақсадни энг аниқ, энг тўғри, энг яхши, энг таъсирли, энг тушунарли қилиб ифодалайдиган сўзларни, сўз бирикмаларни, гапларни, топишга, танлашга интилади. Бу воситаларни яхлит қилиб, «мақсадга мувофиқлик» деб белгилаш мумкин. Сўзловчининг у ёки бу сўзнинг, у ёки бу синтактик қурилма матнининг мақсадга мувофиқ тузилганини сезиши, шунга мувофиқ иш олиб бориши лозим. Меъёр ва мақсадга мувофиқликнинг биргаликдаги ҳаракати нутқ маданиятини мукаммаллаштиришдир.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқнинг коммуникатив сифатлари нима?
2. Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
3. Қандай нутқни биз аниқ нутқ деймиз ва унга қандай эришилади?
4. Нутқнинг мантқиқийлиги нима ва у нимага асосланади?
5. Таъсирчанлик нима?
6. Таъсирчанликнинг қандай омилларини биласиз?
7. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги нима?

### Таянч тушунчалар

Жаргон – (французча jargon). Бирор гуруҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб, ишлатадиган сўз ва иборалари.

Вульгаризмлар – (лот. Vulgaris-оддий, содда) – дағал сўз, дағал ибора.

Коммуникация – (лот. communicatio – хабар, алоқа). Бирор мазмуннинг тил воситалари орқали берилиши, хабар қилиниши.

## ТИЛ ВА НУТҚ. НУТҚ ОДОБИ. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

Тил – алоқа қуроли, тил – ҳаёт кузгуси, тил – маънавият белгиси. Инсонни ҳайвонот олаmidан ажратиб, уни коинот сарварига ва гултожига айлантирган омил ҳам тилдир. Инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари, тафаккур «мевалари» тил ва нутқ орқали юзага чиқади.

Қадимги исломий манбаларда айтилишича, бани башарнинг яратувчиси Тангри таолонинг бир оғиз «бул» деган сўзи билан олам яралган экан. Шунинг учун сўзга эътиқод, сўзга берилган таърифу тавсифлар, сўзнинг тарихий хизматига айтилган шарафлар чексиздир. Улут Алишер Навоий сўзга шундай баҳо беради:

Сўздурки, нишон берур уликка жондин,  
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин.  
Билким, гуҳари шарифроқ йуқ ондин.

Сўзнинг тарихий – маданий, маънавий хизмати чексиз, албатта. Лекин тилнинг имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараёнида очилади. Нутқ булмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади.

«Қобуснома»да Кайковус «Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши», дейди. Бу сўзларда шундай ҳикмат борки, сўзга чечан, сўзамол, нотик киши ҳамма жойда обрў – эътибор, ҳурмат топади. Бунга Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятдан куплаб мисоллар келтириш мумкин. Зеро нутқ ва тафаккур салоҳияти уни вазири аъзам даражасига кўтарган эди.

Ғарб донишмандларидан Р.Эмирсоннинг таъкидлашича, «Нутқ – қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади». Бу гапда нутқнинг шундай фазилати таъкидланаяптики, у, биринчи навбатда, ишонтириш санъатидир. Ўқувчилар билан мулоқотда бўлаётган ўқитувчи ишонарли гапириши, нутқи далилланган, пухта асосланган бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг ишончини, меҳрини қозонган ўқитувчинигина ҳақиқий устоз дейиш мумкин.

Қадимги нотиқлик санъати ҳарбий саркардалик санъати билан тенглаштирилган. Бу бежиз эмас. Чунки лашкар билан забт этиб бўлмайдиган давлатлар ва сарҳадларни сўз санъати билан буйсундириш мумкин.

Алишер Навоий:

Олибмен тахти фармонимга осон  
Черик чекмай Хитойдин то Хуросон,-

дейди. Черик-бу лашкар. Шоир лашкар тортмасдан Хитойдан Хуросонгача бўлган сарҳадни забт этганлиги ҳақида фахрланиб сўзламоқда. Маълумки, Алишер Навоийнинг таъсир доираси ва даражаси ҳар қандай ҳарбий саркардадан ҳам устун бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи улуг шоирни махсус рисоласида таърифлаб «Сўз соҳибқирони» деб атаган эди.

1. Сўзнинг сеҳрига, қудратига, саркарда бажара олмайдиган вазифани сўз соҳибқирони уддалаганлигига яна бир ҳикоятни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳикоят мазмунига кўра Ҳусайн Бойқаро узоқда шикор билан машгул экан. Саройда малика оғир, бетоб ётган экан. Кунлардан бир куни малика ҳаётдан кўз юмибди. Аммо подшоҳга ўлим хабарини етказишга ҳеч ким журъат этмабди. Шунда сарой аъёнлари сўз саркардаси Навоийга мурожаат қилишибди. «Шоҳга шум хабарни етказган киши, шубҳасиз, жазога маҳкум бўлади. Мушкулни фақат сизнинг тадбиркорлигингиз, суҳандонлигингиз осон қилиши мумкин», — дейишибди. Шунда Навоий бир сатр шеър ёзиб берибди. Уни чопар орқали Ҳусайн Бойқарога етказишибди. Подшоҳ ўқибди:

Сарвигулнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак?

Ҳусайн Бойқаро дарҳол мисранинг мазмунини тушунибди. Ҳеч бир талвасага тушмасдан, вазминлик билан шеърини саволга шеърини жавоб ёзибди:

Сарвидин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак!

Сарой аҳли чопар келтирган хатни ўқиб, сўзнинг қудратига қойил қолишибди, дафн маросимига киришишибди.<sup>1</sup>

Тил ва нутқ ўзаро боғлиқ ҳодисалар бўлиб, тил нутқ учун ашёдир, имкониятдир, нутқ эса воқелиқдир, яъни нутқ тил материали асосида ташкил топади. Тил жамият аъзолари учун умумий бўлиб, руҳий ва моддий материалдан иборатдир.

Сўз, морфема, фонемаларнинг киши хотирасидаги образлари руҳий «материал» ҳисобланади. Нутқ яратиш жараёнида маълум товуш тизимда намоён бўладиган сўз ва морфемалар моддий материалдир. Тилнинг руҳий ҳодисалиги унинг хотирада сақланиши билан боғлиқдир. Тилнинг моддийлигини нутқ жараёнида юзага келувчи товушлар белгилайди.

Биз хотирамизда сақланадиган қоидалардан тезкорлик билан фойдаланиб, бирор фикрни юзага чиқариш учун сўзлар грамматик маъно ташувчи морфемалар ва сўз шакллари, асосан, гапларни ҳосил қиламиз. Масалан, бизда китобнинг қаердан олинганлигини билиш ҳақидаги фикр тугилди, дейлик. Уни қуйидаги савол шаклида юзага чиқарамиз: Сен китобни қаердан олдинг?

Бунда биз *сен, китоб, қаер, ол* лексемаларидан; *-ни, -дан, -динг* морфемаларидан ва сўроқ гап моделидан – қойдасидан фойдаландик. Мазкур гапни айтиш жараёнида хотирамиздаги лексемалар алоҳида аффикс морфемаларни олиб, сўз шаклларига айланди ва юқоридаги тартибни эгаллади. Тил руҳий ҳодисадан моддий ҳодисага айланди.

Нутқ тилдаги ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда воқеликка айланган фикрдир. Нутқ нутқ аъзоларининг ҳаракатига кўра юзага келиб, икки хил бўлади: ички нутқ ва ташқи нутқ. Кишиларнинг товушларни – сўзларни талаффуз қилмасдан фикрлаши, мулоҳаза юритиши, ўйлаши ички нутқдир. . . Ўпкадан чиққан ҳавонинг нутқ аъзоларига таъсири, шу таъсир натижасида уларнинг ҳаракати билан аниқ товушлар сифатида юзага келадиган нутқ ташқи нутқдир.

<sup>1</sup> Нусратулло Атоулло ўғли Жумаҳўжа «Истиклол ва она тилимиз». Т.: 1998, 47-б.

Нутқ ҳаракатдаги тилдир. Нутқ тил бирликларини ўзаро мантикий боғлаб, уларни ҳаракатга келтиради. Нутқ сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан иборат бўлади.

Нутқ, нутқ одоби инсоннинг маънавиятини-маърифатини белгилловчи асосий мезондир. Демак, кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби нима?

Нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос ҳолда адабий меъёردаги ифодалар билан етказишдир. Хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, мукамал билиши керак. Мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшлиқдан ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Ўқувчи учун эса энг яхши намуна ўқитувчидир. Буни ўқитувчи ҳар доим ҳис қилиб туриши керак.

Нутқ одоби саломлашишдан бошланади. Саломлашишдаги хушмуомалалик ундан кейинги яхши суҳбатга дебоча бўлади, тингловчида яхши кайфият пайдо қилади. Саломлашишнинг аҳамияти ҳақида ҳиндларда шундай нақл бор: «Битта салом билан бешта нарсага - узини енгил сезиш, шон-шўҳрат топиш, қут-баракали, илмли бўлиш ва ниҳоят узоқ умр кўришга эришилади».

Ҳа, саломда гап кўп, саломлашиш, салом беришнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Афсуски, ўзимизнинг шарқона саломлашиш одобимизга етарли даражада эътибор бермаямиз.

Аввало, ҳар бир муслим ва муслима саломлашиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини яхши англаб етмоғи лозим. Чунки «Сўз боши — салом», деганларидек, суҳбатдошлар мулоқоти «ассалому алайкум», «ваалайкум ассалом» жумлалари билан бошланади. Бу суҳбатдошларнинг таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар ўзаро ҳурмат ва эҳтиром белгиси ҳисобланади. Аммо кейинги пайтларда бирор жойга кириб бораётган, телефонда суҳбат бошлаётган кишиларнинг саломлашишни унутиб бораётганлигига тез-тез гувоҳ бўлиб қолмоқдамиз.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Сиддиқ Мумин. Сўзлашиш санъати. Фаргона 1997, 27 - бет.

Халқ тилида саломлашиш учун ҳам, хайрлашиш учун ҳам алоҳида нутқий воситалар мавжуд. Ўқитувчи уларни ўз ўрнида ишлатишда ҳамма учун ва ўз шогирдлари учун ўрнақдир.

Маданиятли киши ўз айбини бўйнига ола билиши, айби учун кечирим сўрашни ҳам билиши лозим. Ўз айби учун узр сўраш ўз гурурини ерга уриш эмас, балки одоблик, хушмуомалалик аломатидир.

Етук кишига хос фазилатлардан яна бири хайрлашув одобидир. Тилимизда хайрлашганда ишлатиладиган «хайр соғ бўлинг», «хайр, кўришгунча», «хайр, омонликда кўришайлик» каби таъсирчан иборалар мавжуд. Ўқитувчи синфдан чиқаётганда «хайр, соғ бўлинглар», «хайр, яхши қолинглар» ибораларини ишлатса, ўринли бўлади.

Болага яхшилик қилган, айтилган юмушни, илтимосни бажарган кишиларга ўз вақтида миннатдорчилик билдириш одобини ҳам ўргатиб бориш лозим. Тилимизда рағбатлантиришни, миннатдорчиликни англатадиган чиройли ифодалар бор. Уларни кундалик муомалага киритиш, ўз ўрнида ишлатиш киши хулқини нақадар безайди. Ўқитувчи топшириқни яхши бажарган ўқувчиларни «офарин», «баракалла», «раҳмат», «отангизга раҳмат», «миннатдорман» каби сўзлар билан рағбатлантириши лозим.

«Ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади» (С.Иброҳимов).

Тилнинг дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби қатор вазифаларни бажаришига қарамасдан, унинг асосий функцияси кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашдир.

Нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Том маънодаги маданий камолотнинг муҳим белгисидир. Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг муҳим жиҳатларидан биридир. Шунинг учун ҳам ҳозирда мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ислоҳотлар ҳар қачонгидан ҳам долзарб хисобланади.

Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунларида, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури» ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларида маънавий-маърифий тарбияга, тил масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир мутахассис замон билан ҳамқадам бўлиши, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби булмоғи лозим.

Тил жамият билан, унинг маънавияти, маърифати ва маданияти билан биргаликда юксалади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Тил қандай ҳодиса?
2. Алишер Навоий тил ва нутқни қандай таърифлайди?
3. Нутқ одоби нима?
4. Нутқий этикет нима?

### **Таянч тушунчалар**

Одоб - муомалада ўзини тута билиш.

Нутқ одоби - адабий меъёردаги нутқ.

Сўз - маъно ифодаловчи тил (нутқ) бирлиги.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБШУНОСЛИК

<sup>1</sup> Услугуносносликнинг тилда тутган ўрни беқийсдир. Услугуноснослик меъёрларни шакллантириш, машхур тилшунос олим Г.О.Винокур таъкидлаганидек, нутқ маданиятининг ўз олдига қўйган асосий мақсади, унинг энг муҳим вазифасидир. Чунки услубий меъёрни яхши билмасдан, уларни мукамал эгалламасдан туриб, нутқ маданиятига, маданий нутққа эришиб булмайди.<sup>1</sup>

Маълумки, ҳар бир сўзни ўйлаб, танлаб, уларнинг ҳар бир маъносига, маъно қирраларига яхши эътибор қилиб, ўринли ишлатиш ҳақида жуда кўплаб халқ мақоллари, ҳикматлари мавжуд. Бу ҳақда буюк файласуф Аристотелнинг «Поэтика» ва сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида ҳам қимматли фикрлар айтилган.

<sup>1</sup> Тилда ҳар бир сўзни, грамматик формани, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни (тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодаладиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлисини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни гализликлардан халос этади. Сўзларни, грамматик шаклларни бефарқ қўллаш, вазиятга мос тушмайдиган гапларни беихтиёр, назоратсиз айтиб юбориш, булар - булмасга у ёки бу сўздан ёки грамматик шакллардан фойдаланавериш, умуман, уларни ортиқча қўллаш, ўринли - ўринсиз такрорлайвериш нутқни бачкана қилади, фикрни хиралаштиради, унинг таъсирчанлигига путур етказди.<sup>2</sup> Зеро, донолар айтганидек:

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,  
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.  
(Саъдий Шерозий)

ёки

<sup>1</sup> Ё.Тожиёв ва б., Ўша асар. 90-бет.

<sup>2</sup> Ё.Тожиёв ва б., Ўша асар. 91-бет.



Суз жою вақтига бўлар экан мос,  
Сеҳру афсун учун у бўлар асос.  
(Абдурахмон Жомий)

Маълумки, услубият - фикрни ифодалаш йўллари, тил воситаларини – материалларини тўғри танлай билиш ҳақидаги таълимот-услублар илми бўлиб, тилнинг вазифаларига мос равишда бир неча кўринишларга эга: сўзлашув услуби, китобий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий, публицистик ва бадий услуб кабилар. Ушбу фикр услубиятнинг таркибий қисмига кирувчи грамматик услубшунослик ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Грамматиканинг морфология ва синтаксис номлари остида икки қисмга ажратилиш ҳолати грамматик услубшуносликда ҳам сақланади, яъни у морфологик услубшунослик ҳамда синтактик услубшунослик каби икки кўринишда бўлади.

Грамматика сўзнинг ёки синтактик қурилманинг лугавий ва грамматик маъноларини, фикрий жаҳатни урганса, грамматик стилистика уларнинг қўшимча – экспрессив маъноларини, вазифавий хусусиятларини урганади.

Грамматика билан услубшунослик биргаликда фақат грамматик шаклларнинг нимани ифодалашини эмас, балки қандай ифодаланишини ҳам текширади.

Грамматик услубшуносликнинг бир қисми бўлган морфологик услубшунослик ҳар бир грамматик шаклнинг, сўз ясовчи воситалар ва ҳар хил бошқа шаклларнинг услубий хусусиятларини урганади.

Ўзбек тилида қўшимчалар доирасидаги маънодошлик (синонимия) ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: **шу сабабли // шу сабабдан; талабалардан бири // талабаларнинг бири; отга минди // отни минди; савлатли // савлатдор // басавлат... каби.**

Ўзбек тилида сўз ясовчи ва грамматик маъно ифодаловчи жуда кўп аффикслар ўз вариантларига эга ёки бир-бири билан ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Масалан, жўналиш келишиги кўрсаткичи **-га** ҳозирги тилимизда **-қа, -қа** вариантларида учраса, эски ўзбек тилида **-га** (борарга – қилурга, сўрарга) кўринишда

учрайди. Феъллардаги **-ғиз** курсаткичи **-қиз**, **-ғиз**, **-қиз**; **-каз**; **-газ** ва ҳатто, баъзан **-кар** (**уткар**, **еткар**) вариантларида учрайди.<sup>1</sup>

Тилимизда баъзан айрим грамматик шакл плеонастик (қуш) қўлланади. Бундай қўллаш нутқда ортиқчаликни вужудга келтириши, нутқ равшанлигига путур етказиши, фикрни хиралаштириши, бачканалаштириши мумкин: **тойчоқчагинам**, **кичкинагина**, **ичилиб қўйилди**, **то мактабгача**, **Янгиқишлоқ қишлоғи**, **бир калима сўз**, **ун йиллар ўтди**. **6 та ўғил - қизларим бор**, қўлланишларда грамматик шакллар ёки сўзларнинг ўринсиз, мақсадсиз қўлланиши натижасида ана шундай ҳол юз берганини кузатамиз: **кичкинагина** типидagi қўллашларида **-гина**, **солиниб бўлинди** қўлланишидаги **-ин**, **ичилиб қўйилди** типидagi қўлланишларда олдинги сўздаги **-ил**, **то мактабгача қўлланишида то** элементи (бунда баъзан кучайтириш ифодаланиши мумкин, ана шундай вақтда то элементининг ишлатилиши ўзини оқлайди), кейинги бирикмаларда **қишлоғи**, **калима сўзлари**, **ун йиллар ўтди**, **олтита ўғил - қизларим бор**, ҳар бир далилларни бирикмаларида **-лар** аффикси ортиқча ишлатилган ва нутқда гализлик туғдирган.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, грамматик шакл ёки бошқа воситаларни плеонастик қўллаш ҳамма вақт ҳам нутқда ортиқчалик туғдиравермайди. Баъзан жуда ўринли, тушунган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзда тутиб, шундай қилинса, нутқни раван қилади, фикрни аниқ, лўнда, бор нозикликлари билан ифодалашга ёрдам беради, нутқ таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, бўрттиради: **Улуғ айём кунлари**; **шунча йил туз - намак бўлди**; **беш панжасини оғзига тикади**; **айтганини қилмай қўймайди**; **биз ўзимиз айтиб қўямиз** типидagi қўлланишларда ана шу ҳолни кузатамиз. Тўғри, намак, калима, айём, панж сўзлари форс-тожик тилларида туз, сўз, кун, беш сўзларига тўғри келади. Бироқ, ўзбек тилида улар, биринчидан, бошқа маънода қўлланилиши мумкин бўлса, иккинчидан, кучайтирувчи восита вазифасини бажарувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Жумладан, **улуғ айём**

<sup>1</sup> Ё.Тожиёв ва б., Ўша асар, 90-бет.

**кунлари** бирикмасида **айём** сўзи кун маъносида қўлланган эмас, у маълум бир санани ифодалаган, беш панжасини бирикмасида панжа сўзи бармоқ маъносида, **бир калима сўз** бирикмасида калима сўзи **сўз** лексемасининг аниқловчиси бўлиб келган ва ақлли, фикрли, лўнда сўзлари маъносида қўлланган; туз-намак қўлланишида эса ўзбек тилида, оғзаки нутқда кўп учрайдиган нон - пон, чой - пой типидagi ҳолатни кузатамиз.

Бундан ташқари, бу қўлланишда **туз - намакнинг** ибора ҳолига келиб қолгани кўзга ташланади ва у бирга турдик, бирга бўлдик бирикмалари ифодалаган маънони англатади. Худди шу бирикмада улардан биттасини қўллаш ҳеч мумкин эмас.

Кейинги мисолда инкор формасининг (-ма) иккала сўзда ҳам иштирок этиши тасдиқ маъносини анча кучайтириб, бўрттириб баён қилишни таъминлаган.<sup>1</sup>

Грамматик услубшуносликда айрим грамматик шаклларнинг ўрнини алмаштириб қўллашнинг ўзига хос томонлари борлиги кенг ўрганилиши керак. Адабий меъёردа ҳар бир кўрсаткичнинг ўзак-негизларга қўшилишдаги ўрни қатъий белгиланган. Аммо маълум бир услубий мақсадни кўзда тутган ҳолда уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин: Қалбимни сен кўзимданми англадинг (Ойбек); Осмондаги булутларнинг хўмрайишиданми қўрқдингиз (Ойбек); боринглар — борларинг, кетинглар-кетларинг; борганми эди - борган эдими, айтиб эдимми — айтибми эдим; даданг уйдаларми-даданг уйдадилар; айтмабмидим - айтмаб эдимми (оғзаки нутқда).

Келтирилган мисолларга диққат қилсак, биринчи икки гапда —ми юкласи аслида, адабий меъёрга кўра, **англадинг** ва **қўрқдингиз** сўзларига қўшилиб келиши керак эди: англадингми, қўрқдингизми типида. Аммо ёзувчи бу шаклни олдинги сўзга қўшади ва бу билан ўзига хос экспрессивлик ҳосил қилади, таъсирчанликни оширади, нутққа поэтиклик ато этади. Кейинги мисолларда —инг ва —лар аффиксларининг ўрнини алмаштириш ҳурмат ёки ҳурматсизлик маъноларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, борганми эди — борган эдими типидagi қўлланиш-

<sup>1</sup> Ё.Тожиёв ва б., Ўша асар, 94-бет.

ларда маънони кучайтириш, нутққа экспрессивлик ато этиш, таъкидлаш, жонлилик, жўнлик, тасвирийлик ўз ифодасини топган.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилшунослигида грамматик шаклар услубшунослигини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Грамматик шакларни ўз ўрнида тўғри ва мақсадга мувофиқ қўллаш, улардан ўринли фойдаланиш нутқимизнинг таъсир кучини оширади, уни ҳар хил гализликлардан халос этади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Услубият нима?
2. Грамматик услубшунослик нима?

### **Таянч тушунчалар**

Услубшунослик - адабий тил услуги?

Кўшимча- шакл ва сўз ўзгартирувчи ҳамда ясовчи аффикс.

---

<sup>1</sup> Ё.Тожиёв ва б., Ўша асар, 96-бет.

## НУТҚ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник туб ўзгаришлар даврида жамият тараккиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда янги-янги фанлар ва тушунчалар юзага келмоқда. Ўзбек тилида ҳам янги терминлар пайдо бўлмоқда, илгаридан ишлатиб келинган қатор лексемалар янги маъно касб этмоқда. Демак, терминология соҳасида ҳам қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди.

Бугунги кунда терминологиянинг амалий ва назарий масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш, терминларни яратиш ва уларни қўллашни тил қонуниятлари асосида тартибга солиш давлат аҳамиятига молик муаммога айланди. Шунинг учун она тилимизнинг турли терминологик системасини янада теранроқ тадқиқ этиш, терминологиянинг турли масалаларини атрофлича ўрганиш ҳозирда муҳим ва жиддий масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбек тилига Давлат тили макоми берилгунга қадар ва у амал қила бошлагандан кейин қатор матбуот ходимлари, ҳатто айрим тилшунослар Давлат тили ҳақидаги қонунни тўлиқ жорий этиш ўрнига, унинг айрим бандларига деярли эътибор бермай, кўпдан буён қўлланиб келинаётган ва омма нутқига сингиб кетган кўплаб терминларни, уларнинг мазмунини чуқур ўрганмай туриб, янгидан, нотўғри сўзлар - лексемалар билан алмаштира бошлашди. Ҳатто «термин», «терминология» кабилар «атама», «атамашунослик» лексемалари билан алмаштириб қўлланадиган бўлди, «атама», «атамашунослик» каби тушунчаларнинг умумхарактерга эгаллиги эътиборга олинмади. Чунки, «атама» дейилганда, ономастика (топонимия, антропономия, ойконимия кабилар)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади. Шунга кўра, аввалдан истеъмолда бўлган байналмилал «термин» ва «терминология» лексемаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Терминология муайян фаннинг тушунчалар системаси билан ўзаро муносабатда бўлган терминларнинг жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар

системасига муайян терминлар системаси тўғри келади. Терминологик системалар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фаркли равишда жорий қилиниб, уларнинг қўлланиши маълум даражада назорат остида бўлади. Ўз-ўзидан терминлар пайдо бўлиб қолмайди, аксинча, улар заруриятга айланган ҳолда «ўйлаб топилади», «ижод қилинади». Шунингдек, оддий сўздан фаркли равишда, терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмайди, муайян лексема терминологик маъносида ва ўз терминологик майдонида қўлланар экан, айти маъно сақланиб қолаверади. Бироқ кўп маъноли терминларнинг аниқ маъносини ажратиш олиш учун контекстнинг зарурлиги шубҳа туғдирмайди.

Терминологик бирикмаларнинг кўп лексемалилиги, яъни улар компонентларининг сони нечтагача бўлиши кейинги йилларда терминшуносларнинг диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда миқдоран ортиб бораётган кўп компонентли бирикма терминлар тушунча мазмунини тўлароқ ифодалашга хизмат қилса-да, уларни амалда қўллаш ва ёдда сақлаб қолиш анча ноқулайдир. Аслини олганда, бундай терминлар икки, нари борса уч, тўрт компонентдан иборат бўлиши лозимки, натижада, бирикма терминларнинг компонентлари, тегишли белгиларни тўлароқ акс эттириш мақсадида, аниқловчилар, сифатдошли ўрамлар қўшиш орқали ҳосил қилиниши керак. Бу тушунчани ифодалашнинг дастлабки босқичига хос ҳолат бўлиб, кейинчалик тушунча ҳақида муайян тасаввур юзага келгач, у қадар аҳамиятсиз белгиларни ифодалаган компонент (сўз)лар қисқартирилиши, бинобарин термин ихчамроқ ҳолга келтирилиши мумкин. Бироқ бу жараён бошбошдоқлик, таваккалчилик асосида эмас, балки маълум қонун-қоидалар асосида мантиқий равишда амалга оширилиши лозим. Термин муаммоси ҳақида фикр юритар эканмиз, термин нима? деган аниқ саволнинг туғилиши табиийдир.

Термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир.

Ҳақиқатан ҳам шундай, чунки ҳар бир соҳанинг, тармоқнинг термини борки, у ўша соҳа, тармоқ доирасида қўлланади, аниқроқ қилиб айтганда, касб-ҳунар эгасининг нутқини шакллантиради, ўзаро нутқий муомала учун шарт-шароит яратади.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, муайян касб-ҳунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар кўпинча у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш қўради. Масалан, иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида картель, клиринг, товар обороти, майда мулкчилик, маблағ ажратиш, рента каби тор доирадагина қўлланиладиган терминларнинг ишлатилиши табиий ҳолдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу хилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб эгасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасининг қатор терминлари ҳам борки, улар муайян тил эгаларининг деярли барчаси нутқида баб-баравар ишлатилаверади.

*Масалан, бозор, мол, савдо, савдо-сотил, пул, харидор, бозорчи, олиб-сотар, чайқовчи* кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос тушунчалари бор. Бу тушунчаларнинг жами шу соҳанинг тушунчалар системасини ташкил этади. Шу соҳага оид тушунчаларни ифодаловчи махсус терминлар ҳам мавжуд. Ана шу терминларнинг жами шу соҳанинг терминалогик тизимини ташкил этади. Яъни шу соҳа терминалогияси бўлади. Жумладан, математика, физика, биология, химия, тилшунослик, адабиётшунослик, медицина ва ҳоказо. Фанларнинг ўзларига хос терминлари мавжуд: қушув, олув, квадрат, илдиз, тангенс, котангенс, синус, косинус; заряд, кучланиш, босим, ҳаво оқими, молекула, микроорганизм; морфология, сифат, эга, кесим, узак, негиз, қушимча, аруз, газал, туроқ кабилар. Қуринадики, терминалогия «тор

маънода маълум бир соҳага оид махсус лексика» бўлса, «кенг маънода умумий лугат таркибининг айрим соҳаларда ишлатиладиган қисмидир» (С.Ф.Акобиров).<sup>1</sup>

Терминларни қўллашда маълум камчиликлар содир бўлаётган экан, бунинг сабаблари ҳам мавжуддир: 1. Нутқ муаллифи терминнинг туб маъносини тўғри англаб етмайди. Натижада, уни мантиқан мос келмайдиган сўзлар билан бириктиради ва жумла тузади. Унингча, термин тўғри ишлатилгандай туюлади. Масалан: Унинг сочларидан келаётган жуда ингичка бир ҳиндий мушк иси бошимни айлантиради, гапида ингичка сўзи ўринсиз ишлатилган. 2. Муаллиф уз нутқига жиддий эътибор бермайди, уни кузатмайди, унга баҳо бермайди. Натижада терминлар пала – партиш ишлатилиб юборилади. Баъзан эса онгли равишда мавжуд терминларни яхши билгани ҳолда анъанавий қўлланилиб келинаётган, ҳамма учун тушунарли бўлган терминлардан воз кечиб, узини шу фаннинг билимдони қилиб кўрсатиш мақсадида ҳеч ким учун тушунарли бўлмаган, қўлланилиши узини оқлаш – оқламаслиги ҳали номаълум бўлган терминларни қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Бу билан нутқ муаллифи узини гўё «янги нарса» айтган ҳисоблайди. 3. Тилни чуқур билмасак, унинг синтактик ва семантик имкониятларини эгалламаслик натижасида нутқда терминлар нотўғри ишлатилиб юборилади. 4. Сўз ясалиши, жумладан, терминларнинг ясалиш қонун-қоидаларини яхши билмаслик натижасида нотўғри терминлар – сўзлар ҳосил қилинади ва уларнинг нутқда ишлатилиб юборилиши ҳам сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқани қийинлаштиради: «Шу яшаётган жойимда ножойлигимдан эмас нимаданлигини ўзим ҳам билмайман, тушунтирилиши, аммо...» (А.Аъзам).

Келтирилган мисолдаги ножой сўзининг ясалиши гализдир. Чунки ўзбек тилида таркибида о унлиси бўлган ундош – унли –ундош таркибидаги бир бугинли сўзларга но префикси қўшилиб, янги сўз ҳосил қилиш меъёр эмас: нонон, нонон ясалишлари учрамагани ҳолда нонсиз, жонсиз ёки бенон, бежон ясалишлари меъёр ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзан, ҳар хил сабабларга кўра, термин

<sup>1</sup> Р.Қўнгулов, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992. 151-бет.



ясашда, терминология талабларига зид иш тутилади. Маълумки, терминлар ихчам, айтилиши ва ёзилиши қулай бўлиши керак. Бунга зид равишда, масалан, физик хоссалар типига термин яшашлар учрайди. 5. Баъзан мавжуд термин бор бўлгани ҳолда, уни билмаслик оқибатида, бошқа сунъий терминлар ҳосил қилиш ёки мавжуд терминни ўз мустақил қарашларига мос равишда ўзгартириш, айрим ҳолларда эса, тушунчани, ҳодисани ўз нуқтаи назаридан баҳолаган ҳолда уни мавжуд термин билан ифодалаш ҳоллари учрайди.<sup>1</sup>

Мустақилликка эришганимиздан сўнг терминларни ўзбекчалаштириш йўлида бир қатор ютуқлар билан бирга маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бир тушунчани ифодалаш учун турли сўзлар ишлатилди: район - ноҳия - туман; институт - олий илмгоҳ - олий таълимгоҳ - дорилмуаллимин; журнал - мажалла - жариди - ойнома - ойбитик; газета - рўзнома - ҳафтанома, қўналга - учаргоҳ - учардаргоҳ - тайёрагоҳ (аэропорт) каби. Атамаларни тартибга солиш бўйича «Атамашунослик қўмитаси» томонидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Масалан: тилимизда муқобили ёки уни яшаш имкони бўлмаган ҳолларда байналмилал атамаларнинг ўзи ишлатилавериши тўғрисида шундай дейилади: «...кейинги тараққиёт давомида кўплаб машиналар, техника воситалари, илм-фан тушунчалари ўз номи билан ҳаётимизга кириб келган. Предмет ёки тушунчаларни ифодалайдиган бундай атамалар ўз сўзимиз бўлиб қолган ва луғат бойлигидан ўрин олган: трактор, автомобил, трамвай, аэропорт, атом, ядро, нейтрон, физика, техника кабилар»<sup>2</sup>.

Шу бўлимда фикр юритилган лисоний ҳодисалардан маълум бўлдики, тил имкониятида шундай сўзлар борки, улар алоҳида муайян семантик майдон сифатида фан билан фан тараққиёти билан фандаги янгиликлар, ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади, яшайди. Маълумки, бундай сўзлар терминлар номи билан юритилиб, фан учун хизмат қилади. Аниқроғи, фан ҳақида сўз борар экан, уни терминсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Р.Қунгуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992. 155-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тили атамашунослиги. Фан. -Т.: 1992 й. 21 - бет.

Чунки фаннинг «хаёти», фаолияти, «ижодкорлиги» термин орқалидир, термин биландир. Термин фаннинг кураш куролидир, яратиш, яшаш куролидир, унинг мавжудлигидир.

Термин ҳақида фикр юритилар ва унга изох берилар ҳамда унинг муҳим белги-хусусиятлари саналар экан, биринчи навбатда, унинг илмийлик хусусияти қайд этилиши, айна хусусиятнинг доминанта эканлиги айтилиши лозим. Чунки термин, даставвал, илмийлик хусусиятига - семасига (маъно компонентига) кўра ажралиб туради. Терминнинг қолган барча хусусиятлари: аниқлиги, бир маънолилиги, эмоционалликдан ҳоли эканлиги, қўлланиш қамровининг торлиги, чегараланганлиги кабилар унинг - илмийлик моҳиятидан, тушунчасидан келиб чиқади. Термин айнан мана шу нуқтасига кўра умумистеъмолдаги сўзлардан, атамалардан фарқ қилади, ажратилади.

Шунингдек, сўз, атама - кенг, умумий;

Термин - тор, хусусий;

Сўз, атама - нисбатан мавҳум, абстракт;

Термин - аниқ, конкрет;

Сўз, атама - илмийлик тушунчасига (семасига эга эмас);

Термин - илмийлик тушунчасига (семасига) эга;

Атама - эскирган, нофаол;

Термин - фаол, ҳаракатчан;

Сўз - эмоционалликка, экспрессивликка эга;

Термин - эмоционалликка, экспрессивликка эга эмас;

Сўз - жамиятга, умумга, турли соҳа вакилларига оид;

Термин - фанга, фан вакилларига оид;

Сўз - алоқа куроли;

Термин - фан куроли;

Сўз-келиб чиқишига кўра бирламчи;

Термин - келиб чиқишига кўра иккиламчи. У жамият тараққиётининг муайян даврида фан билан фан тараққиёти билан, фан фаолияти билан юзага келган.

Сўз - лексикада ўрганилади, лексикологиянинг текшириш объекти;

Термин - терминологик лексикага оид сўз сифатида терминологияда ўрганилади ва бошқалар.

Сўзнинг ҳам, терминнинг ҳам ҳаёти халқ билан, жамият билан боғлиқ. Чунки жамият бор экан, сўз ҳам, термин ҳам яшайверади,

жамиятга, фанга хизмат қилаверади, муайян вазифани бажараверади.

Жамиятда, тил ва жамият диалектикасида терминларнинг қўлланиши, уларнинг турли сабабларга кўра лисоний жараёнга кириб келиши ва фаол ишлатилиши мутлақо табиий бўлиб, бу тил сиёсатининг, жамият тараққиётининг объектив, мантикий, зарурий маҳсули ҳисобланади. Кириб келаётган терминларнинг ўзбекча муқобили бўлган тақдирда ҳам улардан воз кечиб бўлмайди. Уларни ҳам билишимиз ва улардан ҳам ўринли фойдаланишимиз лозим. Чунки улар дунё миқёсида фаоллиги билан, фан учун хизмат қилиши билан муҳимдир.

Шунингдек, жамият бор экан, фан, тараққиёт бор экан, уларнинг (терминларнинг) функционал қамрови, доираси кенгайиб бораверади. Бу жараён жамият тараққиётининг объектив маҳсули сифатида ижобий баҳоланиши лозим. Айни жараёнларнинг олдини олиш ва унга қарши асосиз кураш олиб бориш диалектик фалсафани - методологияни, тил ва жамият диалектик муносабатини тушунмаслик, назария билан амалиётнинг узвийлигини тан олмасликдир.

Хуллас, термин фан, техника, санъат, адабиёт, сиёсат кабиларнинг «вакили», фаолият қуроли, яшаш усули сифатида тилнинг лексик системасида алоҳида эътиборга, фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган фақат ўзигагина хос қатор хусусиятлари билан ажралиб турувчи, жамиятга, унинг тараққиётига фаол хизмат қилувчи ва жамият илмий тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир, фан тараққиётининг энг асосий кўзгусидир.<sup>1</sup>

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Сўз ва атаманинг фарқи нимада?
2. Истиқлолдан сўнг ўзбек терминологиясида қандай ўзгаришлар бўлди?

### **Таянч тушунчалар**

Термин - бир маънодаги сўз.

Атама - атоқли от; термин.

---

<sup>1</sup> Р.Расулов. Термин хусусиятлари. СамДУ ахборотнома. 2005. №2. 68-71-бетлар.

## **НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН**

Нотиқлик санъати оғзаки ва ёзма нутқни тингловчиларга жонли, ифодали ва таъсирли етказиш малакасини эгаллашдир. Нотиқлик санъати мураккаб санъат бўлиб, уни эгаллаш кишидан қунт ва чидам, малака ва тажриба талаб этади.

Кишилик жамиятининг бирор бир жабҳаси йўқки, унда нотиқлик санъати ёки унинг элементлари қатнашмаган бўлса. Масалан: бирор бир раҳбарнинг ўз ходимларига қарата сўзлаган нутқида ҳам, ўқитувчининг ўқувчиларига берадиган сабоғида ҳам, хуллас, ҳамма - ҳамма ерда нотиқлик санъати ўз мавқеига эга бўлган.

Нотиқлик санъатининг ижтимоий мавқеи шу қадар кенг ва сертармоқки, уни ҳар бир соҳада меъёри, мазмуни ва шакли, ўзига хослиги, таъсир кучи ва томонлари жиҳатидан алоҳида - алоҳида куриб чиқиш учун маълум бир вақт, имконият талаб қилинади.

### **I. Нотиқлик турлари. Нутқ кўринишлари:**

#### **I. Сиёсий-ижтимоий нотиқлик:**

1. Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий иқтисодий мавзудаги нутқ.
2. Сессия, конференциядаги нутқ.
3. Сиёсий нутқ.
4. Дипломатик нутқ.
5. Сиёсий шарҳ.
6. Ҳарбий ватанпарварлик нутқи.
7. Митинг нутқи.
8. Илмий-оммабоп нутқ.

#### **II. Академик нотиқлик:**

1. Ўқув юртлари маърузалари.
2. Илмий нутқ (маърузалар).
3. Илмий шарҳ.
4. Илмий ахборот.

#### **III. Суд нотиқлиги:**

1. Қораловчи (прокурор) нутқи.
2. Жамоатчи-қораловчи нутқи.

3. Оқловчи (адвокат) нутқи.
4. Жамоатчи-оқловчи нутқи.
5. Ўз - ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

#### **IV. Ижтимоий-маиший нотиқлик:**

1. Маҳфия (юбилей ёки мақтов нутқи).
- Таъзия (мотам) нутқи.
- Табрик нутқи (тост).

#### **V. Диний нотиқлик:**

1. Хутба.
2. Ваъз.<sup>1</sup>

Нотиқлик санъати тур ва кўринишлари жиҳатидан ана шундай шакларда намоён бўлади. Бироқ бу тасниф нотиқлик санъатининг бутун борлигини ҳар томонлама акс эттиради, деган гап эмас. Чунки, нотиқлик санъати ҳам борлиқ билан ҳамнафас яшайди, замон талабига мослашади, не-не янги кўринишларни вужудга келтиради ва б.

Кўплаб фанларнинг бешиги бўлган қадимги Юнонистон (Греция) нотиқлик санъати соҳасида ҳам жаҳон маданияти тарихининг энг ёрқин саҳифаларини яратди.

Юнон нотиқлигининг энг қадимий сарчашмалари ҳақида деярли ҳеч бир ёзма маълумот қолмаган. Нотиқлик санъати ҳақидаги илк маълумотларни эса фақатгина Гомернинг (эрамиздан олдинги XII аср) «Илиада» ва «Одиссея» номли дostonларидан олиш мумкин.

Гомер дostonлари маълумотига қараганда қадимги Юнонистон тупрогида эрамиздан аввал, ана шу даврларда, Нестор, Менелай, Одиссей, Ахилл каби бир талай машҳур нотиқлар бўлганлар. Гомер турли воқеалар тасвири жараёнида йўл-йўлакай эслаб ўтган юқоридаги тўртта нотиқларнинг нотиқлик санъатининг тўртта йўналишга мансублиги, улардан айримларининг эса махсус нотиқлик мактабларида таҳсил олганликларини қайд этади. Хусусан, Ахиллнинг Феникс исми сўз устаси дарсхонасида сабоқ

---

<sup>1</sup> С.Иномхужаев, Нотиқлик санъати асослари. -Т. 1982. 7-бет.

олганлигини айтади. Ушбу фикрлар шуни кўрсатадики, нотиқлик санъати ўша даврларда худди ҳарбий мутахассислик ва бошқа шу каби ижтимоий - сиёсий зарур мутахассисликлар қатори махсус мактабларга эга бўлган. Юнонистонда кейинчалик аристократия, демократия тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишларида, халқ мажлисларида, сенат кенгашлари ва суд жараёнларида мамлакатнинг ҳар бир эркин фуқароси иштирок этиш, кўрилаётган масала юзасидан эркин муҳокама юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ҳол кенг омма орасида ҳам нотиқлик санъатининг ривожланиши учун жуда қулай шароит яратди. Чунки нотиқлик санъати ҳар бир фуқаро учун зарурий эҳтиёжга айланган эди. Шу боис барча давлат арбобларидан тортиб, халқ мажлисларининг иштирокчиси бўлган эркин фуқаролар оммаси нотиқлик санъатининг асосларини эгаллаш учун курашар ва мақсадга эришиш учун махсус устоз - ўқитувчилардан дарс олишарди. Бадавлат оилалар эса ўз фарзандларини болалик чоғиданоқ шу муътабар санъат билан қуролантиришга уринар ва фарзандларини махсус нотиқлик санъати мактабларига бериб ўқитарди. Ўз - узидан маълумки, ана шу оммавий эҳтиёж туфайли нотиқлик санъатининг бошланғич, ўрта ва олий таълим даражасидаги мактаби мавжуд бўлиб, уларда минг-минглаб кишилар махсус таълим оларди.

Лекин шуни унутмаслик керакки, юнон демократияси нечоғлиқ демократия бўлмасин, бироқ у ҳозирги тушунчадаги энг прогрессив маънодаги демократия эмасди. Гап шундаки, антик Юнонистоннинг давлат системаси қулдорликдан иборат эди. Эркин фуқаролардан ташқари яна икки тоифа бор эдики, улар қуллар ва четдан келган, келгинди, деб камситилувчи кишилар бўлиб, улар эркин фуқаролар эга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишга мутлақо ҳақлари йўқ эди.

Суд ишларида ўрнатилган тартиб нотиқлик санъатининг юксалишига катта бир туртки бўлади. Суд жараёнида даъвогар ҳам, ҳимояланувчи ҳам - ҳар бири ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун курашарди. Суд ҳукмининг қайси томон фойдасига ҳал бўлиши кўпинча судланувчи шахс ёки даъвогарнинг нотиқлик санъатидаги маҳоратига

боғлиқ эди. Қай томон ўзининг мантиқий, асосли далил ва маълумотлари билан суд ҳайъатини ишонтира олса, ҳукм ушанинг фойдасига чиқарилар эди. Лекин ҳамма судланувчи ёки даъвогарлар ҳам етук нотик бўлган рақибларининг тазйиқига дош беришлари қийин эди. Шунинг учун ҳам антик суд тизимининг қоидаларига кўра бундай кишиларга у ёки бу киши номидан сўзловчи нотиклардан ёрдамчи олишга рухсат бериларди. Суд жараёнида бошқа биров манфаатини кўзлаб, нутқ сўзловчи ана шу тоифадаги нотикларга синегорлар дейилиб, уларнинг нутқи **синегория** деб аталарди. Бора-бора эса ана шу **синегорлар** тоифасидан суд ҳайъатининг ажралмас қисми бўлган ҳозирги тушунчадаги адвокатлар келиб чиқдики, бу маънода синегорлар институти чинакамига ижобий, демократик рол ўйнади, деб айтиш мумкин.

Синегорлар нотиклик санъати ва ҳуқуқшуносликдан махсус таълим олган кишилар бўлиб, ана шу суд жараёнидаги қатнашувчилар ҳисобига ўз ҳимояларидаги кишилардан хизмат ҳақи олиб, тирикчилик қилувчи профессионал нотиклар эди. Шу маънода уларни ихтисослашган нотиклар, деб айтиш мумкин. Чунки суд нотиклиги олдида бировни оқлаш учун улар бор билимларини ва маҳоратларини ишга солишга мажбур эдилар. Бугина эмас, улар даставвал олган ишларини ипидан игнасигача ўрганиб чиқишлари ва ниҳоят жонли сўз санъатига оид бор маҳоратларини ишга солиб, суд жараёнида ютиб чиқишга ҳаракат қилишлари лозим эди. Шунинг учун ҳам синегорлар суд нотиклиги тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

**Логографлар** ҳам синегорларга жуда ухшаш кишилар бўлиб, аслида уларни ҳам синегорлардан ажралиб чиққан муайян ихтисосли кишилар, деб айтиш мумкин.

Логографлар нутқ матнларини тузувчи ёки ёзиб берувчи кишилар эди. Синегорлар ҳам ёзиб, ҳам ҳимоя қилган бўлсалар, логографлар кўпроқ ёзиб бериш билан шуғулланардилар. Бироқ бу уларнинг шахсан нутқ сўзлашларини истисно қилмасди.

Бу касб эгалари ўз ихтисосликлари тақозосига кўра ҳуқуқшунослик, нотиклик ва нутқ матнини ёзишда иқтидорли кишилар бўлганлар. Чунки улар қонуншунос

мутахассис, таъсирчан, мантиқий изчил ва ишонтирувчи нутқларнинг ёзувчиси, урни келганда нотиқ сифатида уз ҳимояларидаги кишиларни кенг омма олдида, демократик суд олдида оқлаб чиқишлари керак эди. Забардаст нотиқлар нутқига ўрганиб қолган афиналиклар ва суд ҳайъати олдида бу ишни бажариш жуда мушкул бўлган. Шунинг учун ҳам логография билан энг билимдон, зеҳни уткир, тадбиркор кишиларгина шугулланганлар. Шуниси ҳам борки, логография билан муваффақиятли шугулланиб келган кишиларнинг купчилиги бора-бора ё йирик давлат арбоби даражасига кутарилган ё яхшигина бадий ижодкор-ёзувчи бўлиб етишган.<sup>1</sup>

Юнонистон – жаҳон нотиқлик санъатининг йирик намоёнларини етказиб берди. Перикл, Лисий, Демосфен, Аристотель ана шулар жумласидандир.

Перикл йирик сиёсий арбобгина бўлиб қолмай, кузга кўринган нотиқ ҳам эди. Перикл нутқларининг бирорта матни ҳам бизга қадар етиб келмаган. Лекин унинг уста, кузга кўринган нотиқ бўлганлиги ҳақида грек тарихчиси Фукидид маълумот беради. Перикл нутқи фикрнинг чуқурлиги, шаклнинг соддалиги, самимийлиги билан, тингловчилар руҳиятини эътиборга олганлиги билан характерланарди.<sup>2</sup>

Эрамаздан олдинги V аср охири ва IV аср бошларида яшаб ўтган таниқли суд нотиқларидан бири Лисий эди. У уста логограф ҳам бўлиб, уз ҳимоясидаги айбланувчиларга нутқ матнини ёзиб берарди. Лисийнинг нотиқлигига хос хусусиятлардан бири ҳамма нотиқлар учун зарур бўлган усул-фикрни янгича шаклга солишни жуда осон эгаллаганлигидир. У гапириши лозим бўлган кишининг характерини, ижтимоий аҳволини жуда ҳам аниқ тасвирлаб берувчи нутқ матнини ишлаб чиқишга уста эдики, бу нутқ фақат уша сўзловчигагина хос бўларди.

Лисийнинг нотиқ сифатидаги иккинчи хусусияти, ҳикоячилик санъатини эгаллаб олганлигидир. У ҳар қандай воқеликни содда, жонли, қизиқарли шаклда ҳикоя қилишга

<sup>1</sup> С.Иномхўжаев. Нотиқлик санъати асослари. –Т.: 1982. 66-67-бетлар.

<sup>2</sup> Б.Уринбоев А.Солнев. Нотиқлик маҳорати. –Т.: 1984. 17-бет.



уста эди. Унинг нотиклик санъатидаги учинчи хусусият услубидаги аниқлик, соддалик ва табиийлик эди.<sup>1</sup>

Қадимги Юнонистоннинг буюк нотикларидан яна бири Демосфендир. Демосфен эрамизгача 384 - йилда туғилиб, 322 - йилда вафот этган. У дастлаб ўзини ҳимоя қилувчи суд нотиғи сифатида танилган. Кейинчалик у логографлик қилади.

Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун жуда кўп вақт сарфлайди. Унда жисмоний камчиликлар мавжуд эди, овози паст ва дикцияси ёмон бўлган, кифти асабий равишда титраб турган. Маълумотларга қараганда Демосфен овозини ўстириш учун оғзига майда тошларни солиб, денгиз қирғоғида нутқ сузларди ва тўлқин шовқин - суронини босиб кетишга ҳаракат қиларди. Кифтнинг титрашидан қутулиш учун шифтга қилични шундай илдирадик, унинг ўткир учи кифтга яқин туради ва кифти титрагудек бўлса, қиличнинг учи тегиб оғритарди. Шу йўсинда олиб борилган узлуксиз машқлар Демосфенга жисмоний камчиликларни бартараф қилишга имкон берган. Тинимсиз меҳнат туфайли у машҳур нотик бўлиб етишди.

Демосфен нутқи унинг характерини акс эттирувчи ойна эди. Ундаги кучли ватанпарварлик туйғуси нутқларида ўз ифодасини топарди.

Демосфендан кейин ўзининг нотиклик таланти билан ном чиқарган Аристотель эрамиздан олдинги 335 йилда нотиклик санъати назарияси - «Риторика» асарини яратди.

Бу асар уч қисмдан иборат:

1. Нутқ хизмат қилиши лозим бўлган тамойиллар таҳлили.

2. Нотик учун зарур бўлган шахсий хусусият ва қобилият.

3. Нотик нутқида қўлланиладиган нутқ техникаси, нутқ усуллари.

Аристотель нутқ услубига алоҳида эътибор беради. Аристотельнинг нотик услуби ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У нотик нутқи услубининг лаёқатлилиги, унинг аниқлиги билан белги-

---

<sup>1</sup> Б.Уринбоев А.Солиев. Нотиклик маҳорати. -Т.: 1984. 18 - бет.

ланади, деб жуда тўғри кўрсатади. Агар нутқ аниқ бўлмаса, нотиқ ўз мақсадига эриша олмайди, тингловчиларга кераклича таъсир этолмайди. Таниқли файласуф, айрим нотиқлар нутқида эпитет, ўхшатиш, метафора ва бошқаларнинг ўринсиз қўлланишини қоралайди ва уларни тўғри қўллай билиш нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтади.<sup>1</sup>

Рим нотиқлик санъати юнон нотиқлик санъатининг давоми сифатида юзага келди. Римдаги иқтисодий ва сиёсий ўсишнинг характери нотиқлик санъатининг янги типини яратди.

Юнонистонда бўлганидек, Римда ҳам нотиқликнинг, асосан, уч турини кўрсатиш мумкин: **суд нотиқлиги** - оқловчи ва қораловчи, **сиёсий нотиқлик**, **мақтов нотиқлиги**. Булардан ташқари, Юнонистонда бўлганидек, нотиқлик санъатини ўқитиш учун хизмат қилувчи ўқув - машқ нотиқлиги ҳам мавжуд эди.

Римда урушнинг кучайиб кетганлиги ҳарбий саркардалар нутқининг ривожланишига ҳам имкон берди.

Римлик нотиқлардан бири эрамиздан илгари III - II асрларда яшаб ўтган давлат арбобларидан **Марк Партиус Като** ёки **Катондир**. Катон нотиқ сифатида нутқ санъати назарияси ва амалиёти масалалари билан махсус шуғулланган.

Кейинчалик Римда ака-ука Тиберий ва Кай Гракх, Марк Антоний, Марк Туллий Цицерон каби таниқли қатор нотиқлар егишиб чиқадики, булар ичида энг буюк ва сўзамоли нотиқ **Цицерон** эди. Цицерон ва Демосфен қадимги нотиқларнинг энг буюклари эди. Демосфен кўпроқ ўзининг сиёсий нотиқлиги билан шуҳрат тошган бўлса, Цицерон суд нотиқлиги билан танилди. Албатта, Цицерон нутқлари сиёсий жиҳатдан ҳам кучли эди. Римда, умуман, сиёсий томонни четлаб ўтган бирорта ҳам яхши нотиқ бўлмаган.

Цицерон тимсолида нотиқлик санъатининг назарияси ҳаёт тажрибаси ва назарияси билан муваффақиятли равишда қўшиб олиб борилди. У нотиқлик санъати назариясининг айрим томонларини ишлаб чиқибгина

<sup>1</sup> Б.Уринобоев А.Солнев. Нотиқлик маҳорати. -Т.: 1984. 19 - бет.

қолмай, ўз нотиқлик чиқишлари билан буни тажрибада исбот этди. Цицерон нутқининг муваффақиятли чиқиши учун нотиқ қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозимлигини кўрсатади:

1. Нотиқнинг узига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Бунинг учун эса нотиқ ўз нутқида олға суриладиган фикрга тўла ишонч ҳосил қилиши лозим.

2. Нутқ тўлиқ исботли далилларга эга бўлиши керак.

3. Материални тўплаш нутққа тайёргарликнинг асосидир.

4. Материални тўғри жойлаштириш-экспозицияга алоҳида эътибор бериш лозим. Жойлаштириш шундай бўлсинки, у материални бутунлай ўзлаштириб олишга енгиллик яратсин. Бунинг учун эса нутқни аниқ қисмларга бўлиш лозим.

5. Ҳар қандай соҳада ҳам нутқнинг муваффақиятини билиш ҳал этади. Агар нотиқ ўз нутқи қаратилган соҳани яхши билмаса, у қанчалик санъаткор бўлмасин, ўз тингловчисини жалб этолмайди.

Цицероннинг нотиқлик санъати назарияси ва тарихига оид учта асари маълум: «Нотиқлик ҳақида», «Нотиқ» ва «Брут» (ёки «Таниқли нотиқлар ҳақида»).<sup>1</sup>

Рим нотиқлик санъатининг буюк назариётчиларидан бири **Квинтилиандир**. Марк Фабий Квинтилиан нотиқлик санъатида йирик нотиқ ва назариётчи сифатида шуҳрат қозонган. Унинг «Нотиқ билими ҳақида» номли асари мавжуддир. Квинтилиан Цицерон ва бошқа Рим нотиқлари фикрига қўшилган ҳолда, ҳамма нотиқ биринчи навбатда билимли бўлиши лозимлигини айтади. Шунингдек, у нотиқ ахлоқий олижаноб бўлиши лозим, бусиз ҳеч қачон ҳақиқий нотиқ даражасига кўтарила олмайди, деб билади.

Квинтилиан Римдаги нотиқлик мактабининг асосчиси ҳисобланади. Унгача нотиқлик билимини бериш хусусий мактабларда амалга оширилган.

Умуман қадимги Юнонистон ва Римнинг нотиқлик санъати тажрибалари ўрта аср ва кейинги давр нотиқларининг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

---

<sup>1</sup> Б.Уринбоев А.Солиев. Нотиқлик маҳорати. -Т.: 1984. 22 - бет.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадий дидли кишиларни қадрлаб келган. Ҳа даврда нотиклик санъати - **воизлик**, нотиклар - **воиз**, нутқ эса ваъз деб аталган.

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, IX-XV асрларда дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кутарила олди. Ўрта аср фани, маданияти Хоразмий, Фаргоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Қошгарий, Жомий, Навоий, Бобур каби улут сиймоларнинг номлари билан характерланади.

Бу мутафаккир, шоир, санъаткорлар яшаган давр Шарқ тарихида **Уйғониш даври** деб аталди. Бу даврда маданият, санъат, илм - фан равнақ топди. Фан ва маданият тарғиботчилари - воизлар етишиб чиқди. Воизликни қадрловчи фикрлар вужудга келди.<sup>1</sup>

Кайковуснинг XI аср Шарқ педагогикаси тарихида гоят қимматли асарлар қаторида турувчи «Қобуснома»сида ҳам нотиклик шарҳлари учун алоҳида боб ажратилганлиги бу санъатга булган, унинг санъаткорига булган қизиқишнинг орта борганлигини кўрсатади. «Қобуснома»нинг «Сухандонлик билан балад мартабага эга бўлиш ҳақида» деб номланган еттинчи бобида ва ҳунарни эгаллашга бағишланган олтинчи бобида нотиклик сирларига доир билдирилган мулоҳазалар нафақат уша даврда, балки ҳозирда ҳам катта аҳамиятга эга.

Кайковус ҳамма ҳунарлар ичида сўз ҳунари-нотикликни аъло деб билади. У нотикликни эгаллашнинг йўли, биринчидан, «тинимсиз меҳнат, урганишдир», дейди.

Иккинчидан, «нутқинг гузал бўлсин, - дейди. «Сўзнинг икки томони бордир: бири гузал томони, иккинчиси хунук томонидир. Халқ олдида гапирадиган сўзинг гузал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин».

Учинчидан, ҳар бир фикрни ифодалашда тингловчи қалбига тўғри йўл топа билиш, шаклга эътибор бериш масаласи.

Туртинчидан, ҳар бир сўз тўғри ва асосли бўлмоғи лозимлигини уқтиради.

<sup>1</sup> Б Уринбоев ва б. Ҳа асар. 24 - бет.

Бешинчидан, ҳар бир нутқ маълум илмий асосга эга бўлсагина, таъсирчан бўлади. Яъни нутқ қаратилган предметни яхши урганиб чиқиш лозимлигини таъкидлаб: «Билмаган илмдан гапирмагил... Билмаган илм маърифатни билмаган деб, даъво қилсанг ҳеч нарса ҳосил бўлмайди ва беҳуда заҳмат чекасан», – дейди... Нутқни эгаллашдан мақсад халқ дилига йул топа билишдир, деб билади муаллиф ва «агар кунгилларга сеvimли бўлишни истасанг, халойиқнинг мақсадини сўзла», – дейди.<sup>1</sup>

Умуман мусулмон шарқи маданиятининг салмоқли зарварақларини ташкил этувчи нотиклик санъати тарихига оид талайгина манбалар бор бўлса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас.

Алишер Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиш билан бирга кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда ҳам қадрловчи, улугловчи, бундай санъат усталарига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи бир шахс эди. Навоий омма ўртасида яхши нутқнинг таъсири ва тарбиясини ҳам чуқур ҳис этади. Нотикликдаги яхши ва ёмон томонларни кўра билиш ва уларни фарқлай олишга чақиради:

Тутию шорик агар нотикдурур,

Ҳар бирига узга бир мантиқдурур.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» номли фалсафий асарининг 24-фаслини «Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида» деб атайди ва бунда воизлик санъатига, ваъзга, воизга ўз муносабатини билдиради.<sup>2</sup>

Навоий воиз қандай киши бўлиши кераклиги ҳақида шундай фикр юритади: «Воиз Ҳақ сўзни тарғиб қилиши, Пайгамбар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайгамбар йулига кириши, сўнгра эса насихат билан элни ҳам шу йулга солиши лозим. Ўзи юрмаган йулга элни бошламоқ – мусофирни йулдан адаштириб биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақирishi – уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига

<sup>1</sup> Б.Уринбоев ва б. Ўша асар. 28–29-бетлар.

<sup>2</sup> Б.Уринбоев ва б. Ўша асар. 31-бет.

ухшаш бир нарсадир». Демак, воиз, аввало, ўзи шариат ва тариқат йўлига кирган нотик бўлиши керак экан.

Навой наздида, «Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига буш кирган одам тўлиб чиқсин, тула кирган одам эса енгил тортиб, холи қайтсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг сўзлари ҳеч кимга таъсир этмайди ва фойда келтирмайди. Воиз билимдон, ҳалол иш кўрувчи, сидқу садоқат билан фаолият кўрсатувчи шахс бўлиши билан бирга, халқнинг руҳиятини яхши биладиган, халқнинг дарди билан яшайдиган бўлиши керак. Ана шундагина унинг ваъзига юрак-бағри ғам-аламга, дарду ташвишларга тўлиб кирган киши дардларидан фориг бўлиб, кунгли бўшаб, енгил тортиб чиқади. Қалбида маънавий руҳий бушлиқ бўлган одам эса бундай воизнинг суҳбатидан олам - олам маънавий завқ олиб, кунгли, шуури фикрий нурга тўлиб чиқади.

Алишер Навоийнинг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган Ҳусайн Воиз Кошифий Шарқнинг машҳур алломаларидан бири бўлган. У ахлоқ, тарих, тасаввуф, нужум (асраномия) риёзиёт, фикҳ соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратган. Унинг «Футувватномаи султоний», «Ахлоқи Муҳсиний», «Жавоҳир ут - тафсир», каби унлаб асарлари беш юз йилдан бери шарқона одоб, ва ахлоқ дастури сифатида юртма-юрт, қўлма - қўл ўқиб келинмоқда.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг нутқлари узининг жозибadorлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган. Айтишларича, унинг бундай сўз санъатидаги маҳоратини Алишер Навоий билан бирга Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам юксак баҳолаган ва улар ўз асарларини аҳоли ўртасида расмий ижро этиш лозим бўлган пайтларда бу ишга Ҳусайн воизни муносиб кўрганлар. 898 (1492) йил 8 - ноябрь куни буюк шоир, Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомийнинг дафн маросимида Алишер Навоий узининг бағишлов шеърини ўқиб эшиттиришни, шу маросимда

ваъз айтган Хусайн воизга топширганлиги бунинг далилидир.<sup>1</sup>

Алишер Навоий узининг «Мажолис ун-нафоис» асарида Хужа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Муин воиз каби яна бир қанча воизлар ҳақида ҳам атрофлича фикр билдиради.

Шунингдек, мумтоз меросимизда ахлоқ-одоб ўргатувчи воизнинг уз одоби ҳақида кўп фикр юритилади. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал - Ғаззолийнинг «Охиратнома» асарида ҳам шундай. Ғаззолий воизларнинг воизи бўлиб, воизларга дастур ул-амал тариқасида панд-насиҳат айтади. У воизнинг тили – нутқиға, воизнинг услубига алоҳида эътибор қаратади: «Мабодо, ваъз ўқитишдан бошқа иложинг қолмаса, икки нарсада эҳтиёт бўл: бирламчи-сўзларинг ортиқча ибора-ю ишоратлар, асли пуч ҳикоятлару маънисиз байтлар ила ясанган, яъники сертакалуф бўлмасин! Чунки Оллоҳ таоло такалуф қилувчиларга газаб қилади, уларни дўст тутмайди. Ҳаддан ташқари сертакалуфлик воизнинг батамом хароб, қалбан гафлатда эканидан далолат қилади». Дарҳақиқат, нотиқнинг нутқи асосий мақсадга қаратилган, ҳар қандай ортиқча сўз ва иборалардан холи бўлиши керак. Аксарият нотиқлар нутқларини сертакалуф, жимжимадор сўз ва иборалар билан безашга ҳаракат қиладилар. Улар нутқларининг чиройли бўлишини истайдилар ва унинг ташқи чиройига зўр берадилар. Аслида эса нутққа чинакам зеб берадиган нарса фикрдир. Воизни эшитимли қилувчи омилардан бири ҳаётий ва ибратли ҳикоятлар ва байту газаллар билан омихта гапиришдир. Албатта, меъёрни унутмаслик лозим.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Нотиқлар деб кимларга айтилади?
2. Нотиқликнинг қандай кўринишлари бор?
3. Воиз деб кимга айтилади?
4. Нотиқликнинг воизликдан қандай фарқи бор?

---

<sup>1</sup> Б.Уринбоев А.Солиев. Нотиқлик маҳорати. -Т.: 1984. 34-бет.

## НОТИҚЛИКНИНГ ТУРЛАРИ

Нотиклик маҳорати жуда ҳам қадимий тарихга эга. Бу санъат ғарбда ва шарқда қадимдан ривожланган. Шарқ нотикларидан Мавлоно Риезий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз, Навоий ва Бобурларнинг нутқлари ва асарлари бунинг ёрқин далилидир. Ҳар бир даврда нотиклик санъатига ўзига хос эътибор қаратилган, нотиклик санъати ўша даврнинг ғоя ва мафқурасига бўйсундирилган. Шунга қарамадан, нотиклик маҳоратини ифодаловчи бир қатор омиллар мавжуд.

Маълумки, ҳар бир киши ўз нутқининг мазмунли ва таъсирчан бўлишини, қолаверса, нутқ жараёнидаги ҳолат ҳам нотикқа ўз таъсирини кўрсатади: тингловчиларнинг кам ёки кўплиги, аудиториянинг катта ёки кичиклиги, қатнашувчиларнинг таркиби ва савияси, нотикнинг тажрибаси ва маҳорати. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар ҳар қандай киши ҳам, нотиклик маҳоратини эгаллаши мумкин. Бунинг учун энг аввало, кучли қизиқиш ва ўз устида узлуксиз, тинимсиз ишлаш керак. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, машҳур ва таниқли нотиклар бу мақсад йўлида тинимсиз меҳнат ва машқ қилганлар.

«Нотик» - сўзи араб тилидан олинган бўлиб, у нутқ, мантиқ сўзлари билан ўзакдошдир. Нутқ сўз ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Нотик бошқа одамлар хулқ-атворига ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга сўз орқали таъсир этувчи шахсдир. Нотикнинг тафаккури ва онги узвий боғлиқдир. Нотик мантиқий фикрлаш хусусиятига эга бўлган ҳамда гидроки, хотираси, ўй-хаёллари, иродаси, сўзамоллиги, гапга чечанлиги, билимлилиги билан оддий одамлардан фаркланувчи шахсдир.

«Аскиячи» - арабча «закий» сўзидан олинган бўлиб, «ҳозиржавоб, ўткир зеҳнли» деган маъноларни англатади. Жамоат олдида маълум мавзу бўйича бадий сўзда ўз қобилиятини намоён қилиб тортишувчи киши - аскиячи дейилади. Аскияда икки ва ундан ортик киши ёки маълум гуруҳлар ўзаро мусобақалашади. Аскиячи ҳозиржавоб бўлиши, кўп маъноли кулгили, таъсирли ва қочиримли сўзлаши лозим. У она тилининг бойликларини яхши билиши, киноя, қочирим, ҳазил, масҳара, кесатик, ўхшатиш, муболаға каби санъатлардан унумли фойдаланиши лозим. Аскиячининг вазифаси кулги орқали одамларга завқ бериш,



уларнинг билими ва аклини чархлаш, ҳозиржавоб бўлишга ўргатишдир.

Аскиячиликнинг турлари кўп: пайров, сафсата, ўхшатдим, кофия, лакаб ва бошқалар.

Ўзбек халқи қадимдан тўй, сайил ва байрамларда аския бўйича мусобақалар ўтказиб келади. Аскиячилик ривожига Дехқон Шерназаров, Эрка қори Каримов, Юсуфжон Шакаржонов, Ака Бухор Зокиров, Ижроқумбува Аминов, Абдулхай махсум Қозоқов ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

«**Бадиҳағўй**» - арабча бадиҳа - гўй - сўзловчи сўзларидан олинган бўлиб, ҳозиржавоб ва чечан кишиларнинг шеърини йўсинда бирданига сўз, шеър ёки қўшиқ айтишидир. Бадиҳағўй асарни ижод этади ёки унга маълум бир ўзгартишлар киритади. Бадиҳа эркин тарзда ижод ва ижро этилган асар бўлиб, бадиҳағўйдан катта тажриба ва юксак иқтидор талаб этади. Бадиҳағўйликнинг тур ва жанрлари кўп бўлиб, энг кўп тарқалгани бахшичиликдир. Пўлкан, Эргаш Жуманбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир ва бошқалар бахшилик (бадиҳағўйлик) санъатига муносиб ҳисса қўшганлар.

«**Воизлик**» - арабча «ваъз» сўзидан («даъват», «хитоб» маъносида) олинган бўлиб, исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахсни англатади. Ал Басрий исломдаги илк воиз бўлган. Таниқли олимлар, шоирлар, дин арбоблари ҳам воизлик санъатига муносиб ҳисса қўшишган. Айниқса, Мавлоно Риёзий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Жалололдин Румий ва бошқалар ўз нутқлари билан машҳур бўлганлар. Воиз хушовоз, ишонтирадиган, таъсирчан гапирадиган, талаффузи аниқ ва равшан, юксак билимли ва маданиятли, бир неча тилларни эгаллаган шахс бўлган. Кейинчалик воизликнинг аҳамияти ошиб нафақат исломий маъруза, балки сиёсий ва халқаро аҳволга бағишланган маъруза, баҳс ва мунозарани камраб олган. Жума намози ва ҳайит кунларида воизлар халқ олдида нутқ сўзлаганлар. Воизлик санъатининг ривожланиши натижасида унинг янги тармоқлари вужудга келган: хатиблик - диний ва сиёсий маъруза; музаккирлик - диний-ахлоқий масалалар; дабирлик - давлат миқёсидаги ёзишмалар ва уни ўқиб бериш.

«**Маддох**» - арабча «мадҳ» («мақтов», «таъриф») сўзидан олинган бўлиб, бирор шахс ёки нарса, воқеани мадҳ этувчидир. У

асосан диний мавзуларда, хусусан, Муҳаммад пайғамбар ва чориёрларнинг ҳаёти ҳамда хислатлари ҳақидаги маълумотлардан бадиҳа тарзида айтиувчи ҳисобланади. Диний байтларни, ғазалларни ва ҳикояларни баланд овозда кенг халқ оммаси олдида равон ва ифодали айтиш маддоҳнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Демак, маддоҳлик диний айтиш йўли бўлиб ижрочидан нотиклик маҳоратини талаб қилган. Кейинчалик маддоҳ сўзининг яна бир маъноси юзага келди. Бирор шахсни, хислатни ёки ғояни ҳаддан ортиқ мақтовчи ҳам маддоҳ деб юритила бошлади.

«Сухандон» - форсча «сухан» («сўз») сўзидан олинган бўлиб, сўзга чечан, сўз устасини англатади. Сухандон турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс ҳисобланади. Унинг аудиторияси ниҳоятда катта: турли байрамларда кенг халқ оммаси олдида, маросим ва тадбирларда, анжуман ва кечаларда ва бошқаларда.

Мумтоз адабий меросимизнинг билимдони Нусратулло Атоуллоҳ ўғли Жумаҳўжа сухандонликнинг ўтмишдаги ва ҳозирдаги аҳволоти борасида фикр юритиб, унинг расмий ва норасмий давраларидаги талаблари билан боғлиқ мулоҳазаларни илгари суради. «Сухандонликнинг қуйидаги асосий шартлари бор: биринчидан, у маънавий-ахлоқий етук, маърифатли зот бўлсин, иккинчидан - ёши улугроқ, ҳаётий тажриба кўрган бўлсин, учинчидан - эл танийдиган ва элни танийдиган бўлсин, тўртинчидан - нутқий камчилиги бўлмасин, бешинчидан - кўриниши кўркам, нуроний ва ёқимтой бўлсин, олтинчидан - давра ташкилотчиси ёки тўй-маърака эгасига яқин бўлсин, еттинчидан - давра қатнашчилари, хонадон аҳли, меҳмону мезбонларнинг асосий қисмини танийдиган киши бўлсин».

«Диктор» - лотинча «диктор» («сўзловчи») сўзидан олинган бўлиб, радио ва телевидениеда нутқ сўзловчи шахсдир. Диктор сўзи икки маънода қўлланилади: 1) телекамера ёки микрофонда тайёр матнни хуш овозда ифодали ва тўғри талаффузда ўқиб берувчи шахс; 2) матнга қарамасдан уни равон ва чиройли гапирувчи шахс.

Дикторнинг иккинчи маъносига хос хислатга эга бўлган нотиклар диктор сўзини сухандоннинг синоними сифатида ишлатишади. Нотиклик санъатининг назарий ва амалий масалалари бўйича таниқли мутахассис Раҳимбой Жуманиёзов «Нутқий маҳорат» қўлланмасида бу ҳақда шундай ёзади: «Бошқа тилдан ўзлашган сўзлар кўпинча, маъно торайиши ва кенгайиши билан

кириб келади. Сухандон сўзи ҳозир диктор маъносида қўлланилмоқда. Аслида, нотўғри. Диктор бўлиш мумкин, сухандон бўлолмаслик мумкин. Диктор тайёр матнни ёқимли талаффуз, дикция билан ифодали тарзда ўқиб берувчидир. Дикторларни сухандонлик маҳоратини эгаллаганлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Диктор матн билан қаттиқ боғланса, сухандон матн билан эркин муносабатда бўлади. Нутқий малакага, кўникмага эга бўлмаган диктор тилимизнинг софлигини ҳам, бойлигини ҳам намойиш эта олмайди. Чинакам диктор нутқ техникаси, яъни овоз, нафас, интонация, пауза, оҳанг каби нутқнинг ифода воситалари, машқий жараён билан чегараланиб қолмасдан, балки нутқий маҳорат, нутқий фаолият қирраларини эгаллашга интилиши, назарий маълумот ва амалий машғулотни уйғунлаштира олиши зарур. Ифодали ўқиш, матн мазмунини етказишга дахлдор техник ва назарий воситаларни билиш ва унга амал қилиш ҳар доим аҳамиятлидир. Диктор юқоридагиларни кундалик машқ орқали шакллантириб боради» (20-бет).

**Қиссахон** (қиссагўй) - афсона, эртак, дostonларни равон ва ифодали ўқийдиган киши бўлиб, турли тадбирларда, тўй ва байрамларда ўз маҳоратини намойиш қилади.

**«Қироатхон»** - таъсирчан, ифодали ўқийдиган шахс бўлиб, қиссахон унинг бир кўринишидир. Қироат мусиқийликка мойиллиги билан ажралиб туради. Арабий қироат талаби, тажвид қоидалари билан ўқилувчи Қуръон тиловати бунга мисолдир. Қуръон ёддан ёки манбанинг ўзидан ўқилади ҳамда қироатга рияз этилади. Таниқли сўз санъаткорларнинг номи билан аталувчи навоийхонлик, бобурхонлик, бедилхонлик кабилар қироатхонликка мисол бўла олади.

## **НУТҚИЙ САНЪАТЛАР**

### **ОҒЗАКИ НУТҚ**

1. Воизлик
2. Нотиклик
3. Сухандонлик
4. Қиссагўйлик
5. Ровийлик
6. Бадиҳагўйлик
7. Аскиячилик
8. Мадроҳлик ва ҳоказо.

### **ЎЗМА НУТҚ**

1. Дабирлик
2. Котиблик
3. Муншийлик  
(мирзолик) ва ҳоказо.

## Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т.: 2000.
2. Алишер Навоий. «Маҳбуб ул - қулуб». Т. 1983.
3. А.Ғ.Муҳиддинов. «Ўқув жараёнида нутқ фаолияти» Т.: 1995.
4. А.Аҳмедов. «Нотиқлик санъати». Т.: 1967.
5. А.Ортиқов, А.Ортиқов. «Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати». Т.: 2002.
6. Б.Уринбоев, А.Солиев. «Нотиқлик маҳорати». Т.: 1984
7. В.Г.Костаморов. «Культура речи и стиль». М.: 1960.
8. Ё.Тожиёв, Н.Ҳасанова, Ҳ.Тожиматов, О.Йўлдошева. «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари». Т.: 1994.
9. Кайковус. «Қобусном»а. Т.: 1994.
10. К.Назаров, С.Усмонов, Қ.Тоҳиров «Юристинг нутқ маданияти». Т.: 2003.
11. М.Миртожиёв, Н.Маҳмудов. «Тил ва маданият». Т.: 1992.
12. Н.Маҳмудов. «Маърифат манзиллари». Т.: 1999.
13. Н.Жумахужа. «Истиқлол ва она тилимиз». Т.: 1998.
14. О.Ҳакимова «Мантиқ ва нутқ маданияти». Т.: 2002
15. Р.Қўнгуоров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв. «Нутқ маданияти ва услубият асослари». Т.: 1992.
16. Р.Расулов. «Истиқлол талаби», Гулистон жур. № 2. Т.: 1994.
17. Р.Расулов. «Тил ҳаётимиз кўзгуси». Нафосат жур. № 2. Т.: 1993.
18. Р.Расулов. «Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши». Т.: 2001.
19. Р.Расулов, И.Умиров. «Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли лугати». Т.: 1997.
20. С.Иномхужаёв. «Нотиқлик санъати асослари». Т.: 1982.
21. С.Мўмин. «Сўзлашиш санъати». Т.: 1997.
22. Т.Қудратов «Нутқ маданияти асослари». Т.: 1993.
23. Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умурқулов. «Ўзбек нутқи маданияти очерклари». Т.: 1988.
24. Қ.Мўйдинов, К.Ваҳобова. «Нутқ маданияти» (маъруза матнлари) 2001.
25. Н.Ҳусанов. «Ўқитувчининг нутқ маданияти» (маъруза матни). 2003.
26. Р.Жуманиёзов. «Нутқий маҳорат». Т.: Адолат, 2005.

## ҒАРБ МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

### Саволлар:

1. Нотиқлик санъати дастлаб қаерда шакланган?
2. Нотиқликнинг санъат даражасига кўтарилишига нима сабаб бўлган?
3. Нотиқлик ҳақида илк бор маълумот берган асар қайси?
4. Нотиқликнинг қандай турлари бўлган?
5. Қадимги Юнон ва Рим нотиқлиги ҳақида нималар биласиз?

### Топшириқлар

1. Куйидаги Юнон нотиқлари, уларнинг нотиқлик санъати, ҳаёти ва ижоди ҳақида адабиётлардан фойдаланиб, маълумот топинг.

**Перикл<sup>1</sup>.** Перикл эрамиздан олдинги V асрнинг бошларида (500–429) яшаган таниқли нотиқлардан биридир.

Эрамиздан олдинги V асрнинг 50–30 йиллар Афина давлатининг сиёсий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш даври бўлди. Бу пайтда давлат бошида Перикл турган бўлиб, шунга кўра айна давр тарихда «Перикл асри» деб ҳам юритилади... Перикл асли ҳарбий кўмондон бўлиб, Эрон-Юнон урушида катта маҳорат кўрсатади ва шу туфайли ватандошларининг эътиборини қозонади... Перикл ўз даврининг давлат арбобигина эмас, йирик нотиғи ҳам бўлган.

---

<sup>1</sup> Ушбу бўлимдаги Юнон нотиқлари ва улар ҳақидаги маълумотлар С. Иномхўжаевнинг «Нотиқлик санъати асослари». Т.: 1982. китобидан олинган.

**Клеон.** Клеон Переклдан кейинги машхур нотик булиб, нафақат Афинада, балки ундан ташқарида ҳам сўзга чечанлиги билан шуҳрат қозонган...

Клеон ўз нотиклик мактаби билан мавжуд расмий нотиклик услубларига қақшатқич зарба берган ва бунга ўз замондошларини ҳам эргаштира олган.

**Лисий.** Лисий қадимги Юнон нотиклик санъатининг жаҳоншумул мавқеига эга бўлган намояндаларидан биридир. Унинг отаси Сицилиянинг Сиракуз шаҳридан бўлиб, жуда йирик дастмоядор, саноат корхоналарининг эгаси эди... Лисий тахминан эрамиздан олдинги 459 - 380 йиллар орасида яшаб, 80 йилча умр кўрган. У 444 - йилда жанубий Италиядаги Сибарис шаҳрига боради ва у ерда Сиракузлик Тисийдан нотиклик санъатини ўргана бошлайди... Лисий логографлик билан шуғулланиб, ўз маҳорати билан тингловчиларни, суд ҳайъатини маҳлиё этиб, уларнинг меҳру муҳаббатини қозонган.

**Исократ** (эрамиздан олдинги 436-338 йиллар). Исократ нотиклик, фалсафа ва ҳуқуқшунослик соҳасида ўз замонасининг энг йирик фан ва маданият арбоблари бўлган Суқрот, Тисий, Горгийлардан таълим олди. У 329 - йили Афинада нотиклик мактабини очади ва унга қарийб 40 йил давомида раҳбарлик қилади.

Исократнинг нотиклик мактаби жуда катта шуҳрат қозонади. Шунинг учун ҳам бу мактабга фақат Афиналиклар эмас, балки Юнонистоннинг барча бурчакларидан ўқувчилар оқиб кела бошлайдилар.

**Исей** (эрамиздан олдинги тахминан 420-350 йиллар). Исейнинг логографик ва нотиклик фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан бири унинг сўзга чечанлигидир. У узининг ана шу иқтидори, нотиклик маҳорати туфайли қўлига тушган ҳар қандай ишни ўзи ва мижози фойдасига ҳал қила оларди. У, асосан, логографлик билан шуғулланган. Исей логографлик ва нотикликда Лисий ва Исократ каби машхур сўз усталарига эргашди.

**Ликург.** Ликург ўз даврининг гуманист нотиғи, давлат, фан ва маданият арбоби. Унинг ёши Демосфендан сал улугроқ бўлиб, 324-йили вафот этган.

Ликург нотиқлик санъати асослари, фалсафа ва юриспруденция бўйича Платон ва Исократдан махсус таълим олган. Истеъдоди ва нотиқлик маҳорати туфайли Афина давлатининг энг йирик нотиқлари ва арбоблари сафидан жой олган. Эрамиздан олдинги 388-йилдан бошлаб, у давлат хазиначиси сифатида (ҳозирги тушунчада молия министри) Афина иқтисодини бошқаради.

**Демосфен** (тахминан 384-322 йиллар). Демосфен давлат арбоби ва ўз даврининг йирик нотиғидир. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра Демосфен фалсафани Платондан, нотиқлик асосларини Исократдан ўрганган.

Демосфен Афина нотиқлигининг йирик намояндаси бўлиб, унинг техник машқлари, нутқ талқини жараёнидаги усуллари нутқ устида ишлаш услублари, тил имкониятларидан фойдаланиш ва нотиқликнинг талқиний ифода воситаларини моҳирона ишга сола олиши каби фазилатлари ҳозирги давр нотиқлиги учун ҳам амалий ва назарий аҳамиятга эга.

**Эсхин** (эрамиздан аввалги 390 - йилда туғилган). Эсхин камбағал оиладан бўлгани туфайли нотиқлик санъати асосларини махсус мактабларда эмас, мустақил ўрганишга мажбур бўлган.

Эсхин логографиядан дарс олмаганлиги учун унинг нутқ текстлари, тили композицион жаҳатдан унча аҳамият касб этмади. Аммо Эсхиннинг нотиқлик фаолиятида талаффузининг бурролиги, театр декламациясига усталлиги алоҳида ўрин тутди. У ўзининг юксак савияли, таъсирчан декламацияси билан тингловчилар қалбини ром этган ва шунинг учун ҳам бўлса керак, «Аттикалик ўнта нотиқ қонуни» га киритилган.

**Гиперид** (эрамиздан олдинги 389 - йилда туғилган). Гиперид ўрта ҳол оилада туғилган. Гиперид Демосфеннинг замондоши бўлиб, айрим тарихчилар нотиқлик борасида уни Демосфендан ҳам юқори қўядилар.

Гиперид нотиқликни Исократдан, фалсафани Платондан урганган. Ҳз даврида Афина давлатининг йирик сиёсий арбоби ва нотиғи бўлиб танилган.

Гиперид нотиқ сифатида жуда соддаликка ва аниқликка интилган.

**Динарх** (эрамиздан олдинги 361-360- йилларда тузилган). Динарх Афина нотиқлик санъати тушқунлик сари юз тутган даврнинг намояндаларидан биридир.

Динарх фалсафа буйича Аристотельдан, нотиқлик ва юриспруденциядан эса Феофрастдан таҳсил олган. Амалда эса нотиқликда Лисий, Гиперид ва Демосфенга эргашди.

**Қуйидаги Рим нотиқлик санъатининг намояндалари тўғрисида адабиётлардан фойдаланган ҳолда, маълумот топинг.**

Рим нотиқлик санъати Юнон нотиқлик санъатининг давоми сифатида юзага келган. Римдаги иқтисодий ва сиёсий ўсишнинг характери нотиқлик санъатининг янги типини яратди.

Римлик нотиқлардан бири эрамиздан илгари III-II асрларда яшаб ўтган давлат арбобларидан **Марк Партиус Катон** ёки **Катон**дир. Катон нотиқ сифатида нутқ санъати назарияси ва амалиёти масалалари билан махсус шугулланган. Лекин унинг нутқларидан жуда кам қисми бизгача етиб келган.

Катон ўз нутқида қарама-қарши қўйиш усулини жуда ўринли қўллайди. Унинг нутқида далиллар кучлилигидан ҳеч ким қарши гапира олмасди. Шу билан бирга нутқнинг жонлилиги, масалани қисқача баён қила билиш, қўйилган масалани ёрқин кўрсата билиш учун нутқига нафосат бағишларди.<sup>1</sup>

Катон нотиқ сифатида шу қадар кучли маҳорат эгаси эдики, бу борада унга Цицерон ҳам тан бериб ёзади. «Ҳаммасини янада чиройлироқ, янада нафисроқ қилиб айтиш мумкин, аммо ҳеч нарсани ундан кучлироқ ва жонлироқ қилиб айтиш мумкин эмас». Темперамент билан

---

<sup>1</sup> Б. Уринбоев А. Солиев. Нотиқлик маҳорати. -Т.: 1984. . 21 - бет.



сўзлаш борасида Цицерон деярли ҳеч кимга шу қадар юксак баҳо бермайди.

**Ака-ука Гракхлар.** Ака – ука Гракхлар эрамиздан олдинги II асрда яшаб утишган. Акаси **Тиберий** ва укаси **Кай Гракхлар**нинг нотиқлик истеъдоди уларнинг гоёвий-ижтимоий қарашлари заминида очилди ва шуҳрат қозонди. Улкан давлат арбоблари бўлган ака – ука Гракхлар Италияда ер реформаси учун кураш олиб бордилар.

Хуллас, ака – ука Гракхлар жаҳон нотиқлик санъати тарихида ўзларининг ёрқин дунёқарашига, аниқ идеал ва мустақил ифода услубига эга бўлган сиймолардир. Шунинг учун ҳам улар асрлар оша жаҳон нотиқлик маданиятининг курки бўлиб келяпти.

**Марк Антоний** (эрамиздан олдинги 143-87 йиллар). Рим нотиқлик санъатининг йирик намоёниси, давлат арбоби Цицерон ўзининг «Нотиқ ҳақида» номли рисолида Марк Антонийни ўзи билан тенг кўрган.

Марк Антоний давлат консули ва цензорлик мартабаларида ишлаб, асосан, халқ мажлислари ва сенатда сўзларди. Нотиқ сифатида характерли хусусияти шундаки, у купинча аввалдан тайёрланмасдан, экспромт – **бадиҳа** тарзида нутқ сўзларди.

**Цицерон.** Марк Туллий Цицерон эрамиздан олдинги 106 йилнинг 3-январиди Лация деган кичик шаҳарга қарашли Арпина деган жойда туғилган. У, асосан, суд нотиқлигида шуҳрат қозонган сўз санъаткорларидан биридир. Цицерон эрамиздан олдинги 63-йилда олий лавозимга – консулликка сайланади. Цицерон эрамиздан олдинги 43-йилда 6-декабрдан 7-декабрга ўтар кечаси Антоний кишилари томонидан ўлдирилади. Тарихий маълумотларга кўра Цицерондан 150 та нутқ, қолган бўлиб шундан 58 таси бизгача етиб келган.

Булар:

1. Фалсафа мавзуларида ёзилган 12 та асар.
2. Нотиқлик тарихи ва назариясига оид 7 та рисола.
3. Жами 800 тача мактуб

Цицероннинг ҳаёти, ижоди, фалсафий ва адабий қарашлари, нотиқлик маҳорати ва бу соҳадаги таълимоти ҳозирги кунда ҳам амалий ва назарий аҳамиятта молиқдир.

Цицерон ва Демосфен қадимги нотиқларнинг энг буюклари эди. Демосфен кўпроқ ўзининг сиёсий нотиқлиги билан шуҳрат топган бўлса, Цицерон суд нотиқлиги билан танилди. Албатта, Цицерон нутқлари сиёсий жиҳатдан ҳам кучли эди.<sup>1</sup>

**Марк Фабий Квинтилиан.** Рим нотиқлик санъатининг буюк назариётчиларидан бири Квинтилиандир (35 йилда туғилиб, 96 йилда вафот этган). Унинг «Нотиқ билими ҳақида» номли асари мавжуддир. Квинтилиан Цицерон ва бошқа Рим нотиқлари фикрига қўшилган ҳолда ҳамма нотиқ, биринчи навбатда, билимли бўлиши лозимлигини айтади. Шу билан бирга Квинтилиан ахлоқ принципларини олга суради. У нотиқ ахлоқли, олижаноб бўлиши лозим, бусиз ҳеч қачон ҳақиқий нотиқ даражасига кўтарила олмайди, деб билади.<sup>2</sup>

### Топширик

Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonларидан нотиқлик санъати тасвирланган асар қаҳрамонларининг нутқларидан намуна ёзинг.

### Адабиётлар

1. С.Иномхўжаев Нотиқлик санъати асослари. Т. 1982.
2. Б.Ўринбоев, А.Солиев Нотиқлик маҳорати. Т. 1984.
3. А.Алимуҳамедов Антик адабиёт тарихи. Т. 1969.
4. Р.Қўнгуоров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т. 1992.
5. К.Назаров, С.Усмонов, Қ.Тоҳиров Юристнинг нутқ маданияти. Т. 2003.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Б.Ўринбоев, А.Солиев. Уша асар. 22 – бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Б.Ўринбоев, А.Солиев. Уша асар. 24 – бет.

## ШАРҚ МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

### С а в о л л а р

1. Ваъз нима? Воиз ким?
2. Шарқ нотиқлиги ҳақида нималар биласиз?
3. Ғарб нотиқлиги билан Шарқ нотиқлигининг қандай умумий ва фарқли томонлари бор?
4. Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти масалалари билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?
5. Нотиқлар қайси жиҳатлари билан воизлардан ажралиб туради?

### Топшириқлар

**Қуйдаги буюк мутафаккирларнинг нотиқлик санъати ва нутқ маданияти масалаларига бағишланган асарлари ҳақида маълумот топинг.**

**Абу Наср Форобий.** Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон Форобий 872-873 - йилларда (260 ҳижрий йилида) Арис суви Сирдарёга қуйиладиган ердаги Фороб деган жойда туғилган. XIII - XIV аср тарихчиларининг гувоҳлик беришича Фороб Шошнинг (Тошкентнинг) шимолроғида жойлашган. Шунингдек, манбаларда Фороб яқинидаги Суткант шаҳри ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.<sup>1</sup>

Абу Наср Форобий ҳам IX - X асрларда - иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кучайган бир даврда яшаб ижод этди. У илмнинг турли соҳаларини мукамал билган ва улар ҳақида мустақил фикрлар баён қилган буюк алломадир. Нутқ ва ақл тарбиясига оид илмлар туғрисида Форобий қимматли фикрлар айтган.

Форобийнинг айтишича, мантиқ шундай бир санъатки, киши нотиқликдан адашиб қоладиган бўлса, тўтри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор хулоса чиқариладиган бўлса, хатоларнинг олдини олувчи

---

<sup>1</sup> М.М.Хайруллаев. Форобий. -Т.: 1991. 3-бет.

нарсаларни ўз ичига олади. Унинг ақлга муносабати грамматика санъатининг тилга муносабати кабидир.<sup>1</sup>

**Абу Али ибн Сино** (980-1037). Ўрта аср Шарқининг буюк алломалари орасида машҳур табиб, файласуф, шоир Абу Али ибн Сино алоҳида урин тутади. Унинг турли соҳалар билан бирга таълим – тарбия, ахлоқ ва нутқ ҳақида ҳам фикрлари мавжудки, улар билан яқиндан танишиш нотиқлик санъатини мукаммал урганишга ёрдам беради. Яхши дўст қайси йул билан ахлоқий камчилик-ларни тузатишда бошқаларга ёрдам бериши мумкинлиги масаласига ибн Сино алоҳида эътибор беради ва нотиқ қуйидагиларга амал қилиши лозим деб билади:

1. Насиҳат (Нутқ – Б.Ў ва А.С) қупол оҳангда берилиши керак эмас.
2. Суҳбатдошининг илм даражасини ҳисобга олиш зарур.
3. Насиҳатга (ваъзхонликка) куп берилмаслик керак, уни уртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.
4. Насиҳатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш керак.
5. Агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан қиёслаб таъна қил.
6. Агар ўз эътиқодингни айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки куп масалалар билан исботла, суҳбатдошингни буни юрагига яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.
7. Агар суҳбатдошинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур.<sup>2</sup>

**Унсурулмаолий Кайковус.** Унсурулмаолий Кайковус Каспий денгизининг жанубий қиргоғида яшаган Гилон қабиласидандир. У 412 – ҳижрий, 1021-1022 – милодий

<sup>1</sup> Қаранг: Б.Уринбоев, А.Солиев. Уша асар. 25 – бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Б.Уринбоев, А.Солиев. Уша асар. 27 – бет.

йилида майда феодал оиласида туғилди. «Қобуснома»ни 475-ҳижрий, 1082-1083 милодий йилида яратди. Бу ҳақда Кайковус асарида: «Сана 475 да бошладим» – деб маълумот беради. Бу даврда Кайковус 63 ёшда бўлиб, анчагина кексайиб қолган эди, у ўғлига: «Писарам, ман пир шудам» – деб ўзининг қариганлигидан маълумот беради ва ўз асари «Қобуснома»ни ўғлига бағишлайди.

«Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, булардан тўрт боби диний характердадир, қолган 40 боби ҳаётий воқеаларни ифода этади.

Кайковус ўз асарида ёшларнинг хулқ – атворига алоҳида эътибор берди. Уларга инсонпарвар бўлишни, халққа ширин муомала қилишни таъкидлади. Шунингдек, дўст ва душманга қандай муносабатда бўлиш каби масалаларни ҳам асарида ёритди.<sup>1</sup>

**Абу Райхон Беруний.** Дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, фан тарихида жуда катта из қолдирган қомусий олимларимиздан яна бири Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал Берунийдир. Абу Райхон Беруний, У.И.Каримовнинг таъкидлашича, милодий 973 – йилнинг 4 – сентябрида (ҳижрий 362-йил зулҳижжа ойининг 2 – кунида) Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиятда таваллуд топди. 1009-1017 – йилларда Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида хизмат қилиб, катта обрў – эътибор қозонган. 1017 йилда Маҳмуд Газнавий Хоразмни босиб олгандан сўнг Хоразмдаги бир қанча олимлар қатори Беруний ҳам Газнага йўл олишга мажбур бўлди ва умрининг охирига қадар шу ерда ижод қилди.

У ўз давридаги барча фан соҳалари бўйича қалам тебратиб, 150 дан ортиқ асар қолдирди. Бизгача етиб келган асарлари орасида «Хронология», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни» ҳамда «Сайдана» номи билан машҳур бўлган «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» асарлари тадқиқотчилар томонидан махсус ўрганилди ва араб, рус, инглиз, немис ва бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Кайковус Қобуснома. 11, 21 – бетлар.

<sup>2</sup> А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.: 2002. 13-14 бет.

**Маҳмуд Кошгарий.** Тилшунослик тарихида Маҳмуд Кошгарий салмоқли ўрин эгаллайди. У тилшуносликнинг жуда кўп соҳалари бўйича қалам тебратди. Қиёсий – тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист – фонолог, лексиколог, лексикограф, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси саналади.

С.Муталибов таъкидлаганидек, Маҳмуд Кошгарий яратган «Девону лугатит турк» асари фақат ўша давр учунгина катта воқеа бўлиб қолмай, бугунги туркология фани учун ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. У ҳақли равишда туркология фанининг асосчиси ҳисобланади.<sup>1</sup>

Маҳмуд Кошгарийнинг ҳаёти ҳақида жуда оз маълумотта эгамиз. Унинг тўлиқ исми Маҳмуд Ибн-ул Ҳусайн Ибн Муҳаммад-ал-Кошгарийдир. Маҳмуд Кошгарийнинг туғилган йили аниқ эмас. Лекин «Девон»нинг охирида бу «китоб умрини охирига етказганини» қуйидаги мисраларда баён қилади:

«Кучанди билагим, еғуди тилагим,  
Тилинди билагим, теграб ангар жартилуր».

Лугат ёзилганда муаллифнинг кексайиб қолганлигини ҳисобга олсак, у XI аср бошларида туғилган деб ҳисоблаш мумкин.<sup>2</sup>

Маҳмуд Кошгарийнинг туркий тилларга бағишланган иккита асар ёзганлиги маълум. Улардан бири «Жавоҳирун наҳв фил лугатит турк» («Туркий тилларнинг (синтаксиси) жавоҳирлари» деб, иккинчиси эса «Девону лугатит турк» («Туркий сўзлар тўплами») деб аталади.

Унинг семасиология соҳасидаги фикрлари ҳам жуда қимматли. У сўзларнинг маъноларини изоҳлабгина қолмай, маъно ўзгаришлари юзасидан ҳам нозик кузатишлар олиб борганлиги маълум. Маънонинг кенгайиши, торайиши ва маъно кўчиш усуллари билан бирга сўзлардаги омонимия ва синонимия ҳодисалари ҳам асарда тилга олинади.

Маҳмуд Кошгарийнинг бошқа тиллардан сўз олиш масаласидаги позицияси уни бизнинг давримизга яқинлаш-

<sup>1</sup> Қаранг. А.Нурмонов. Ўша асар. 26-28 - бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг. А.Нурмонов. Ўша асар. ўша бетлар.

тиради. Чунки Маҳмуд Кошғарий турмушда ишлатиладиган асбоб ва бошқа нарсалар, кийимлар, овқатлар, дорилар номлари сифатида кирган чет сўзларни зарур ва фойдали деб ҳисоблаган, бундай сўзларни ўз асарига киритган. Аммо она тилида мавжуд бўлган сўзлар урнида чет сўزلардан фойдаланишни зарарли деб ҳисоблаган. Масалан, угузларнинг қумгон сўзи урнида форсча офтоба сўзини ишлатишларини у танқид қилади.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асари тарихий диалектология учун, айниқса, қимматли материал ва фикрлар беради. Бу материаллар ўзбек халқ тилининг шаклланишини ёритиш учун жуда ҳам муҳимдир.<sup>1</sup>

«Девону лугатит турк»нинг адабий қиммати ҳам бениҳоя каттадир. Унда уч юзга яқин шеърий парча ва кўплаб мақол ҳамда ҳикматли сўзлар бўлиб, шоир бундай шеърий парчаларга қисқа-қисқа шарҳлар беради, халқ мақолларининг моҳиятини ёритиб, уларнинг ишлатилиш урнини ҳам кўрсатади.

Ардам боши тил<sup>2</sup>– адаб ва фазилатнинг боши тил, деб таъкидлайди.

**Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий.** Унинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467 сана ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 -йилнинг 19 - мартда) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган ва шу боисдан ҳам аз Замахшарий тахаллусини олган.<sup>3</sup>

Аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат эмасди. Лекин ўз даврининг саводли, анча тақводор, диёнатли кишиси бўлган, аксар вақтини Қуръони карим тиловати ва тоат - ибодат билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. У хулқ - атвори яхши, ширинсухан ва гоятда мурувватли киши бўлиб, бу фазилати билан эл орасида катта обрў - эътибор топган. Аз - Замахшарийнинг

<sup>1</sup> Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т. 1972. 50-52 бетлар.

<sup>2</sup> Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т. 1976. 107 - бет.

<sup>3</sup> Абу-л.Қосим Маҳмуд аз Замахшарий. Нозик иборалар, -Т. 1992. 4-бет.

онаси ҳам гоятда тақводор ва диндор аёллардан ҳисобланган.<sup>1</sup>

Аз-Замахшарий дастлабки билимни она юрти Замахшарда ўз даврининг уқимишли кишиларидан саналган отасидан олади. Унинг шахсий ҳаётига доир маълумотлардан яна шу нарса маълумки, унинг бир оёғи бўлмай, ёғоч оёқда юрган. Манбаларда чулоқлигининг сабаблари ҳақида ҳам турли – туман ривоятлар келтирилади. Тарихчилардан баъзилари, қаҳратон қишда совуқ олганлигидан, деб ёзса, айримлари, болалигида отдан йиқилган дейди, яна бошқаси ёшлигида бир ножўя иш қилиб қўйганлиги учун онасининг қарғишига учраган, деб ёзади.<sup>2</sup> Аммо ёшлигидан илмга ҳавасманд Маҳмуд олдиниға Хоразмда – мадрасада, кейинчалик Бухорода ҳамда донғи кетган мадрасаларда таҳсил олади.

Аз-Замахшарий даврининг буюк олими даражасига кўтарилди. У тилшунослик, адабиёт, жўғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илми алқироатга оид эликдан ортиқ асарлар яратди. Уларнинг кўпи бизгача етиб келган.

---

<sup>1</sup> Қоранг: Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Ўша асар. 5 – бет.

<sup>2</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Ўша асар. 6-бет.



### Замахшарий ҳикматларидан намуналар:

— Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

— Мен рўзадорман дейсан-у, аммо узинг бўлса биродаринг гуштини ейсан, (гийбатлар ва хурликлардан сўзлайсан).

— Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

— Кун сўз-иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир – сўзловчини ҳам, эшитувчини ҳам мулзам қилур.

— Кун ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар.

— Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни (кимсани) таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амримаҳол.

— Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.

Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ карсонлар кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди.

— Алдамчилик ва ҳийлакорлик билан машҳур бўлган бурсақ деган йиртқич хайвондан ҳам кўра баъзи Бани одамлар кўпроқ алдамчиروқдир.

— Тоғ тепасидаги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

— Бирор масалада фикр – мулоҳаза қила бошлаганинда ҳеч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

— Сидқидил ва сахий кимсанинг қалбидан бошқа нарсани сирларнинг сандиги қилма, яъни ҳар бир учраган кимсани сирдош этмагин.

— Эй бутам, тилингни ёмон сўзлардан сақла.

— Кимки бахт - иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.<sup>1</sup>

**Юсуф Хос Ҳожиб.** Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг атоқли шоири, донишманди ва давлат арбобидир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўловчи билим») дostonидир. Бу дoston ҳижрий йил ҳисоби билан 462- (милодий 1069-70) йилда ёзилган. Муаллиф дostonнинг муқаддимасида ёши эликдан ошганини таъкидлайди. Шунга қараб Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг 20 – йиллари арафасида тугилган, деб айта оламиз. Юсуф Хос Ҳожибнинг ватани – Баласоғун (Қуз урда) XI-XII асрларнинг йирик савдо-сотиқ ҳамда маданий марказлари-дан бири эди. Бу шаҳар икки марта қорахонийларнинг пойтахти ҳам бўлган эди.<sup>2</sup>

«Қутадғу билиг»нинг уч қўлёзма нусхаси маълум. Бу нусхалар «Вена» (ёки «Ҳирот»), «Қоҳира» ва «Наманган» нусхалари деб юритилади. Биринчи нусхаси XIX асрнинг 20 йилларида Истамбулда топилди. – Ҳирот нусхаси. Иккинчи қўлёзма нусхаси 1896 йилда Қоҳирада топилди. – Қоҳира нусхаси, 1913 йилда Наманганда топилди – Наманган нусхаси.<sup>3</sup>

«Қутадғу билиг» жами Наманган нусхасида 6500 байтта 13000 мисрага яқин бўлиб, у 73 фасл-бобга бўлинган. Ун бир боби дostonнинг муқаддимаси бўлиб, асосий қисми 12-бобдан, Кунтуғди деган ҳукмдорнинг таърифи билан бошланади.<sup>4</sup> «Қутадғу билиг» ахлоқий – таълимий асардир. Унинг ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган

<sup>1</sup> Абу-л Қосим аз-Замаҳшарий. Уша асар. 48-77-етлар.

<sup>2</sup> Баласоғуннинг вайроналари Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида бўлган қадимги Оқпешин шаҳри ўрнида ҳозир ҳам бор. Н.Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи». -Т. 1976. 111-бет.

<sup>3</sup> Н.Маллаев. Уша асар, 11-бет.

<sup>4</sup> Н.Маллаев, Уша асар, 16-бет.

махсус бобларигина эмас, балки ижтимоий-сиёсий масалаларга багишланган махсус бобларида ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ўз ахлоқий - таълимий қарашларини ифодалайди. Халқнинг турли табақаларига ўғит беради, уларга панд-насиҳат қилади. Унинг ахлоқий - таълимий фикрлари жиддий аҳамиятга эга бўлиб, маданият ва маърифатни равнақ топтиришга, олижаноб инсоний хислатларни тарғиб қилишга қаратилган.

«Қутадғу билиг» дидактик достони ахлоқ ва одобга доир қимматли панд - насиҳатларни ўз ичига олади. Достон тил одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик ва ҳалоллик каби масалалар ҳақида ҳикматли сўзлар сўзлайди, майхўрлик ва мутакаббирликни танқид қилади, кишининг юриш -- туриши, ўзини тутиши ҳақида ўғит беради. Булар достоннинг бутун мазмуни ва моҳиятига сингдирилади

«Қутадғу билиг»нинг бир неча боби бевосита ахлоқ ва одоб масалаларига багишланган. Шундай боблардан бири «Тил ардами» («Тил одоби») деб аталган 7-боб бўлиб, унда шоир ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик ва бошқалар ҳақида ибратли ўғитлар беради:

Уқушқа билигга бу тилмачи тил,  
Яругтачи арни йуриқ тилни бил.  
Кишиг тил оғирлар булур қут киши,  
Кишиг тил ужузлар ярир ар баши.  
Тил асрлан турур, кўр эшиқда ятур,  
Ая авлут орсиқ бошингни ятур.  
Тилин эмгамиш эр наку тер эшит,  
Бу сўз ишка тутгил ўзунга иш эт.  
Мани эмгатур тил эзи ўг талим,  
Бошим касмасуни касайин тилим.  
Сўзунгни кўдазгил бошинг бормасун,  
Тилингни кўдазгил тишинг синмасун...  
Эсанлик тиласа санинг бу ўзунг,  
Тилингда чиқарма ярогсиз сўзунг.  
Билиб сўзласа сўз билигга сонур,  
Билигсиз сўзи ўз бошини еюр.  
Ўтуш сўзда ортуқ осиг кўрмадим,

Яна сўзламишида осиг булмадим.  
Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла оз,  
Туман сўз тугунин бу бир сўзда ёз.  
Санга сўзладим ман сўзум, эй ўгул,  
Санга барди бу панд ўзум, эй ўгул...<sup>1</sup>  
Уқувга, билимга тилмоч – бу тил,  
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб

билгин.

Кишини тил эъзозлайди, киши у туфайли бахтга  
эришади,  
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.  
Тил ҳовлида (яъни қафасда) ётган арслон

кабидир,

Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.  
Тили туфайли озор топган киши нима дейди,

эшит,

Бу сўзга амал қилгин, ўз фойдангга ишлат:  
Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,  
(У) бошимни кесмасин, (мен) тилимни кесайин.  
Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин...  
Сенинг ўзинг эсонлик тиласанг,  
Тилингдан яроғсиз сўзингни чиқарма.  
Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,  
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.  
Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,  
Яна (кўп) сўзлашдан наф топмадим.  
Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла.  
Туман минг сўз тугуни (жумбоғи)ни шу  
бир сўзда еч.

Мен сўзимни сенга сўзладим, эй ўгил,  
Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўгил.

Юсуф Хос Ҳожиб шоир сифатида бадий сўзнинг қиммати ва таъсир кучини алоҳида таъкидлайди, ўз сўзини кўп уринда «шоир тилидан» (донишмандлар тилидан) сўзлайди ва яхши сўзни ҳар қандай олтин-кумушдан ҳам ортиқроқ билади:

<sup>1</sup> Н.Маллаев. Ўша асар. 128-бет.

Кумуш қолса олтуң манинг санга,  
Они тутмагил сан бу, сўзга тенг-а:  
Кумуш ишка тутса тугар олқинур,  
Сўзим ишга тутса кумуш қизгонур.

Мендан сенга кумуш, олтин қолса,  
У (лар)ни сен бу сўзга тенг тутмагин.  
Кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади,  
Сўзимни ишга тутсанг, (сен учун)  
кумуш қозонади.<sup>1</sup>

**Аҳмад Югнакий.** Аҳмад Югнакий истеъдодли шоир ва донишманд мураббийдир. Ундан сақланиб қолган ягона адабий мерос «Ҳибатул - ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони»), бадий сўз санъати ва адабий тилнинг жуда қимматли ҳамда нодир ёдгорлигидир.<sup>2</sup>

Адиб Аҳмад Югнакийнинг шахсий ҳаёти ва туғилиб ўсган ери ҳақида маълумотлар кам. Айрим манбаларда адибнинг ҳаёти ҳақида берилган маълумотлар тўлиқ эмас.

«Ҳибатул - ҳақойиқ»нинг ким томонидан ёзилгани, муаллифнинг исми, отасининг исми, унинг қаерда яшагани, бошқа адибларга нисбатан тутган мавқеи, жисмоний заифлиги ҳақида асарда қисқача маълумотлар мавжуд:

Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзим,  
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.

Отим – адиб Аҳмад, сўзим-панд-насиҳат, адаб беришдан иборат, сўзим эса бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман.<sup>3</sup>

Шоирнинг отаси Маҳмуд Югнакий эканлигини шахсан ўзи айтиб ўтиши Аҳмад Югнакий чиндан ҳам Югнак деган шаҳарда туғилиб ўсганлиги ва у ерда ижод этганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Бундан ташқари Алишер Навоий «Насойимул - муҳаббат» деган асарида адиб Аҳмад Югнакий ҳақида маълумот беради.

<sup>1</sup> Н.Маллаев. Ўша асар. 128-129 - бетлар.

<sup>2</sup> Н.Маллаев. Ўша асар. 138-бет.

<sup>3</sup> Н.Маллаев. Ўша асар. 139-бет.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг 1480 йилда кучирилган нусхаси 235 байт, 11 бобдан ташкил топган.<sup>1</sup> (Асар нусхалари ҳақида турлича маълумотлар бор).<sup>2</sup>

Асарнинг бешинчи боби (40-62 - байтлар) билим мақтови ва жоҳилликнинг зарарига, олтинчи боби (63-86-байтлар) тил одобига бағишланган.

«Ҳибатул - ҳақойиқ» дидактик достон бўлиб, ахлоқ-одоб масалалари ундаги кўпчилик бобларнинг тематик асосини ташкил этади. Шоир тил одоби, саҳийлик, баҳиллик, камтарлик, эзгулик ва бошқалар ҳақида худди Юсуф Хос Ҳожиб каби замонасининг пешқадам мураббийси сифатида фикр юритиб, кишиларга ўғит беради.

Рост, соғлом ва мазмунли сўзлашни, керак бўлганда, сир сақдай олишни мақтаб, лақмалик, ёлгон сўзлаш ва сергапликни қоралаган шоир тилни тийиш одобнинг боши дейди:

Эшиттил, биликлик наку теб аюр:  
Адаблар баши тил кутазмак турур.  
Тилинг бакта тутгил, тишинг синмасун,  
Қоли чиқса бакта тишингни сиюр.  
Сонил сўзлаган эр сўзи сўз соғи;  
Ўкуш янгшаган тил эй олмас ёғи.  
Сузунг бўшлуғ эсма йига тут тилинг,  
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.  
Хирадликму, бўлур тили буш киши?  
Тилим бошни еди бу тил, сўз бўши...  
Ики ненг бирикса бир ерда қоли,  
Буканди ул эрга мурувват йўли:  
Бир ул янгшир эрса кераксиз сўзин,  
Икинч ялгон эрса ул эрнинг тили...

(Эшиттил, олимлар нима деб айтурлар: адабларнинг боши тил сақлашдир. Тилингни тий, токи тишингни синдирмасин, агар тилингни тиймасанг, тишинг синади. Эр киши эҳтиёт билан соғлом сўзлайди, кўп гапирган лақма

<sup>1</sup> Қаранг: Н.Маллаев. Ушга асар. 140-бет

<sup>2</sup> Қаранг: Аҳмад Югнакий Ҳибатул - ҳақойиқ. Т. 1971. 10-11 бетлар.

тил аёвсиз душмандир. Бекор сўз сўзлашдан сақлан, тилнинг бушлиғи бир куни бошга етади. Тили буш одам ақли булармиди? Бу тилнинг бушлиғи киши бошини ейди... Агар кишида икки нарса бирикса: у уринсиз сўзлар билан лақмалик қилса, иккинчидан, унинг сўзлари ёлгон булса, у киши учун мурувват йуллари бекилади...)<sup>1</sup>

Шоир кишиларни бировни аччиқ ва ёмон сўзлар билан ранжитмасликка чақириб, тилнинг яраси битмас ярадир дейди:

Ўчуктурма эрни тилин, бил, бу тил  
Башақтурса, бутмас, бутар уқ боши.

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзгама, бил, уқ яраси битиб кетади-ю, лекин тил яраси битмайди).

Шоир дostonнинг тўртинчи бобида сахийлик ва бахиллик ҳақида сўзлаб, ҳиммат ва сахийликни бахиллик ва зиқналикка қарама - қарши қўяди, бу масалаларга доир пандомиз мулоҳазаларини қисман булса - да, бошқа бобларга ҳам сингдиради, бадий тил воситаларидан, хусусан, ўхшатишлардан ва халқ мақоллари ҳамда таъбирларидан фойдаланади.

Ахи арни угил угар эрса сан,  
Бахилга қатиг ё уқун кизлагил.

(Мақтамоқчи булсанг, сахийларни мақта, бахилларга уқ-ёйни тугрила).<sup>2</sup>

### **Алишер Навоий.**

Алишер Навоий 1441-йил 9-февралда Ҳирот шаҳрида туғилди.

Шарқ маданиятининг салмоқли зарварақларини ташкил этувчи нотиқлик санъати тарихига оид талайгина манбалар бор булса-да, улардан ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган мерос каби қимматли ва бой эмас.

<sup>1</sup> Қаранг: Аҳмад Югнакий. Ўша асар. 10 - 11-бетлар.

<sup>2</sup> Н.М.Маллаев. Ўша асар. 143-бет.

Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиш билан бирга, кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда қадрловчи, улугловчи, бундай санъат усталарига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи бир шахс эди.

«Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила», —

деб ҳар бир кишини билимли бўлиб етишишига сабабчи бўлган устозини эъзозлашга даъват этган. Навоий омма ўртасида яхши нутқнинг таъсири ва тарбиясини ҳам чуқур ҳис этади. Навоий нотиқликдаги яхши ва ёмон томонларни кўра билиш ва уларни фарқлай олишга чақиради. Навоий нотиқлик санъатининг буюк қудратига алоҳида эътибор беради. У «Маҳбуб ул - қулуб» номли фалсафий асарининг 24-фаслини «Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида» деб айтади. Бунда воизлик санъатига, ваъзга, воизга ўз муносабатини билдиради. Навоийнинг фикрича, воиз қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Воизнинг сўзлари таъсирчан ва фойдали бўлмоғи лозим. Воиз керакки «қолаллоҳ» сўз айтса.
2. Нутқ тингловчи учун янгилик билимлар ва ўзгаришлар хабарчиси бўлмоғи лозим. «Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насихатин қабул этган мақбул кишидур».
3. Нотиқнинг ўзи бирор соҳани эгаллаган бўлиши ва ундан сўнг ваъз орқали кишиларга таъсир этиши лозим.
4. Нотиқ олим ва билимдон ҳар нарсадан хабардор кишидур. «Воизким, бўлғай олим ва муттақий-анинг насихатидин чиққан шақий».
5. Нотиқнинг сўзи билан иши бир бўлмоғи лозим. Акс ҳолда нутқнинг таъсири бўлмайди. «Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай».

Алишер Навоий нотиқликда қисқалик ва равшанликни ёқтиради. Бу жиҳатдан унинг «Маҳбуб-ул қулуб»



асаридаги 60 – танбеҳи уринлидир. «Чин сўз муътабар, яхши сўз мухтасар. Куп дегувчи мумил, муқаррар дегувчи лояъқил» (яъни: Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади. Куп сўзловчи зериктирувчи, қайта гапирадиган – ақлдан озган), – дейди. У тутуруқсиз гап билан кишиларнинг гашига тегувчиларни ақли паст, носоғлом кишилардир, деб баҳолайди. «Улким, димогида ҳабт – сўзида йўқ рабт (кимнинг димогида иллат бўлса, сўзида боғланиш йўқ).<sup>1</sup>

Димоги саҳиҳ – гуфтори фасиҳ (мия соғлом бўлса, гап-сўз ҳам ёқими ва хатосиз бўлур). Сўзи ҳисобсиз-ўзи ихтисобсиз (бошвоқсиз). Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик».<sup>2</sup>

Навий воизлик санъатида ном қозонган-Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар ҳақида ўзининг «Мажолисун нафоис» номли тазкирасида фикр билдирган.

### **Хожа Муайяд Меҳнагий**

Алишер Навий қадрлаган воизлардан бири – Хожа Муайяд Меҳнагий машҳургина эмас, балки нотиқ, донишманд, юксак билим эгаси бўлган, мавжуд билимларни урганиб қолмасдан, уларни такомиллаштирган, тулдирган. У мазорда шайхлик қилса – да, ўзини халққа жуда яқин тутган ва ўз билимини уларга беришга интиланган: «ваъз мажолиси бағоят гарм ва пушғур воқеъ бўлур эрди».<sup>3</sup>

Хўжа Меҳнагий муваффақиятлари ва маҳоратининг калити билим доирасининг кенг, мазмунан чуқур эканлигида эди. Навий ибораси билан айтсак, у «зоҳир улумин» бўлган, яъни ўша даврда аждодаларимиз тўплаган билимларнинг деярли ҳаммасини пухта ўзлаштирган, бунинг устига уларни бойитган ҳам.

Меҳнагий ўз даврининг зўр суҳандонларидан бири, ҳокисор шайх бўлишига қарамай, беназир донишмандлиги, зўр воизлик заковати туфайли ҳатто тож-тахт, аркони

<sup>1</sup> Б.Уринбоев, А.Солиев. Ўша асар. 31-бет.

<sup>2</sup> Б.Уринбоев, А.Солиев. Ўша асар. 32-бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Б.Уринбоев, А.Солиев. Ўша асар. 32-бет.

давлат аёнларини ҳам таъзим қилдира оладиган нотиқ эди.<sup>1</sup>

### **Мавлоно Риёзий**

Алишер Навоийнинг ёзишича: «Ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқур, йиглаб важди ҳол қилур». Қуринадики, Риёзий нутқ сўзлаганда, унинг таъсирчанлигини таъминлашда, ижрочиликни биринчи ўринга қўяди. Керак бўлганда, ўз нутқини кишилар қалбига яқин олиб, улар билан бирдамликни, қайғусига, изтиробига шерикликни билдириш мақсадида йиглашгача бориб етадики, бу нутқ ижрочилигидаги улкан қобилиятдан далолат беради.

Мавлоно Риёзийнинг халққа яқинлигини, нутқининг таъсирчан ва эмоционалликни таъминлашда, унинг ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволи ҳам муҳим рол уйнаганлиги кўзга ташланади. Риёзий аввал Зова вилоятда қози бўлади.<sup>2</sup>

Хулоса шуки, бой илм соҳиби, ҳаёт – мамот учун аёвсиз кураш оловида тобланган ва воизлик санъатида шуҳрат қозонган Риёзий узининг дарбадар, хокисор қисмати билангина эмас, балки гоъвий эзгу амаллари, ижрочилик услублари, мураббийлик маҳорати билан ҳам замондошлари орасида яққол ажралиб турган. Тахаллусидан ҳам, сезилиб турибдики, у узлуксиз риёзот чеккан, аммо машаққатли меҳнати, мардонавор жасорати ва беназир воизлик маҳорати, маърифатпарварлиги туфайли ўзига мангу ҳайкал ўрнатиб кетган сухандондир.<sup>3</sup>

### **Ҳусайн Воиз Кошифий**

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрда яшаган сабзаворлик воиз ва буюк ахлоқ муаллимидир. Унинг номи ўз замонидаёқ эл оғзига тушган ва машҳур бўлган. Ҳусайн Воиз Кошифий ўз даврининг забардаст олими, астрономи, шоири ҳам эди. Эрон олими Саид Нафисий Кошифийнинг 40 та асари борлигини айтади. Навоийнинг эътироф қилишича, Ҳусайн Воизнинг «Оз фан бўлгайким, даҳли бўлмагай, хусусан, ваъз, иншо (насрий шеър усулида

<sup>1</sup> А.Ортиқов, А.Ортиқов. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. -Т.: 2002. 18-бет.

<sup>2</sup> Б.Уринбоев, А.Солиев. Уша асар. 32-бет.

<sup>3</sup> А.Ортиқов, А.Ортиқов. Уша асар. 19-бет.

ёзиладиган хат) ва нужумки (юлдузшунослик, астрономия), анинг ҳаққидур ва ҳар қайсисида мутааййин (кузга кўринарли) ва машҳур ишлари бор...». Унинг нутқлари жўшқин ва эҳтиросли бўлганлигидан кишиларни кўплаб жалб этар эди.

Ҳусайн Воиз нутқларининг таъсирчанлиги, жозибadorлиги ҳақида эслаб, унинг ўгли Фахриддин Али Сафий «Латойифут тавойиф» номли асарида шундай воқеани келтиради:

Кунларнинг бирида аҳли мажлисга Мавлоно Сайид-Гиёсиддин деган машҳур сўз устаси кечикиб келган. Шу мажлисда Абдурахмон Жомий ҳам бор экан. Сайид Гиёсиддин кириб келиши билан Жомий ундан сўрабди:

— Нечук кечикдингиз, Мавлоно Гиёсиддин?

— Мени маъзур тутинг, устод, - дебди Гиёсиддин, - келаётган эдим, масжиди жомеъда Ҳусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман.

Кошифийнинг нутқлари ўзининг жозибadorлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган. Айтишларича, унинг бундай сўз санъатидаги маҳоратини Алишер Навоий билан бирга Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам юксак баҳологан ва улар ўз асарларини аҳоли уртасида расмий ижро этиш лозим бўлган пайтларда, бу ишга Ҳусайн Воизни муносиб кўрганлар.

Ҳусайн Воиз Кашифийнинг нутқлари мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ўзига жалб этиш қувватини мужассам этганлиги, унинг техникасини урганиш ҳозирги давр нотиклиги учун ҳам характерлидир.<sup>1</sup>

### **Мавлоно Муин Воиз**

Алишер Навоий давридаги машҳур нотиклардан бири. У ҳақда Навоий: «Ҳоло ўзи даги азим воиздурур ва муридлари кўп» - деб ёзади. Куринадики, Муин Воиз нотикқина бўлиб қолмай, ўзининг нотиклик мактабига, шогирдларига ҳам эга бўлган. Унинг нутқ, ижрочилик маҳоратини таҳлил этиб, Навоий: «Минбар устида девановор илк ташламоғи ва тахтани тепмоғи кўпдур ва ўзин «Муин девона» била таъбир қилур ва кўп баланд ва

<sup>1</sup> Қаранг: Б.Уринбоев, А.Солиев. Уша асар. 1984. 34-бет.

паст сўзлар айтур. Чун жунунга муътариф, ҳар нав сўз айтса мазурдур...» – деб ёзади.

Бундан англашиладики, Муин Воиз нутқнинг ижрочилик томонига алоҳида эътибор қилган ва бутун хатти-ҳаракатларини, имо-ишораларини ишга сола билганки, гарчи у ўзини «Муин девона» деб эълон қилган бўлса-да, унинг «девона сифат» гаплари халқ дилига яқин бўлганлигидан йигилганларга манзур бўлган.

У ҳар қандай мансабдан воизликни аъло билган ва ўз акаси Мавлоно Низомиддин унга Ҳирот шаҳри қозилигини икки марта тавсия этса-да, уни рад этган. Шу туфайли, унинг акаси: «Муини мо қобилияти бисъёр дошт, ни зинапояи чўбин ўро зоеъ сохт» (Муинимизнинг қобилияти кўп эди, уни бу ёғоч зинапоя (минбар) ишдан чиқарди), деганлигини Навоий қайд этади.<sup>1</sup>

Воизлик санъати Ўрта Осиё халқларининг, хусусан, ўзбек миллатининг маънавияти тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилишига арзигулик саҳифаларни бизга мерос қилиб қолдирган.

### Адабиётлар

1. А.Ортиқов, А.Ортиқов. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Т.: 2002.
2. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т.: 2002.
3. Аз – Замахшарий. Нозик иборалар. Т.: 1992.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳибатул – ҳақойиқ. Т.: 1971.
5. Б.Ўринбоев, А.Солиев. Нотиклик маҳорати. Т.: 1984.
6. М.М.Хайруллаев. Форобий. Т.: 1991.
7. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1976.
8. С.Иномхужаев. Нотиклик санъати асослари. Т.: 1982.
9. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т.: 1972.
10. Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: 1993.
11. Р.Қўнгуоров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Нутқ маданияти ва услубияти ва услубият асослари. Т.: 1992.
12. У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Алиев Ўзбек адабий тили тарихи. Т.: 1995.

<sup>1</sup> Қаранг: Б.Ўринбоев, А.Солиев. Уша асар. 1984. 35-бет.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА НУТҚ ОДОБИ МАСАЛАЛАРИ

### Саволлар

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди нима учун халқ қадриятларининг тарбиявий қисми ҳисобланади?
2. Мифлар нима?
3. Мақоллар ва маталлар ўртасидаги фарқ нимада?
4. Топишмоқлар бошқа жанрлардан қайси хусусиятлари билан фарқланди?
5. Афсоналар қандай хусусиятлари билан мифлардан фарқланади?
6. Латифа ва лофларнинг умумий хусусияти нимадан иборат?
7. Эртақлар бошқа жанрлардан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
8. Халқ қўшиқларининг қандай кўринишлари бор?
9. Нима учун аския фақат ўзбек халқ оғзаки ижодига хос жанр ҳисобланади?
10. Достончилик анъаналари ҳақида нималар биласиз?

### Топшириқлар

1. Ўрта Осиёда яшайдиган халқларнинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ мифлар ҳақида ёзинг.
2. «Халқ мақолларини биламан» мавзуида ижодий мусобақага тайёрланинг (ёзма тарзда, масалаларни изоҳланг).
3. Топишмоқлар айтиш ва уларни топиш бўйича мусобақага тайёрланинг (ёзма тарзда).
4. Мустақил равишда афсона ва ривоятлар ёзиб олинг ва таҳлил қилинг.
5. Афанди образи учрайдиган латифалардан ёзиб келинг.
6. «Эртақларда нутқ одоби масаласи» мавзусида ёзма иш ёзинг.
7. Аллалардан ёд олинг.
8. Аскияда нутқ маданияти мавзусида ёзма иш ёзинг.
9. Достонлардан парчалар ёдланг.
10. Маросим қўшиқларидан намуналар келтиринг (ёзинг).

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР (МАЖМУА)

### Мақоллар

1. Айтар сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт.
2. Ҳақ сўзга улим йўқ.
3. Оз сўз – соз сўз.
4. Тилни билиш – дилни билиш.
5. Нотиқ маҳмадона бўлса, мажлисининг бурди кетар.
6. Тилдан қоқилишдан кўра, оёқдан қоқилиш афзал.
7. Гапнинг тагини гап очар.
8. Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма.
9. Яхши гап билан илон инидан чиқади.
10. Айтилган сўз отилган ўқ.
11. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.
12. Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла.
13. Кўп билган оз сўзлар, оз бўлса ҳам соз сўзлар.
14. Қиличнинг заҳри кетса ҳам, сўзнинг заҳри кетмас.
15. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.

### Топишмоқлар

1. Зарга сотилмас, зўрга топилмас. *(вақт)*
2. Отлари ҳар хил, ёшлари бир хил. *(ҳафта кунлари)*

3. Темир қўрғон ичида Қизил тойчоқ уйнайди. *(Тил)*
4. Бир нафасда оламни кезар. *(фикр)*
5. Югургандан утади,  
Бир вақтда етади,  
Ўқ эмас, отилади,  
Қуш эмас, учади *(фикр).*
6. Узоқнинг у ёгинда,  
Яқиннинг бу ёгинда.  
Қуринмас кўзга,  
Тинч бермас бизга *(ҳаёл).*
7. Асалдан ширин,  
Заҳардан аччиқ *(сўз, гап).*
8. Бировни суйдирар,  
Бировни куйдирар *(сўз, гап)*
9. Оғзимни очдим, учди кетди,  
Самарқанду Бухор бориб етди *(сўз, гап).*
10. Оғиздан чиққанча меники,  
Оғиздан чиққани элники *(сўз, гап).*
11. Ўт эмас, куйдирар,  
Пичоқ эмас, суйдирар *(ёлғон сўз).*
12. Ким суялди,  
Ўша уялди *(ёлғон сўз).*
13. Тинмас битта  
Тинглар мингта *(радио).*
14. Катта қути, кузи бор,  
Кўп томоша, сўзи бор *(телевизор).*
15. Асал эмас, ёқади  
Ари эмас, чақади *(гап, сўз).*

16. Жушиб куйлар акаси  
Рақсга тушар укаси *(шамол, усимляк).*

### Ҳазил сўроқлар ва сўз ўйини

1. Нима ҳамма тилда ҳам гаширади? *(акс садо).*
2. Одамзодда нима кўп? *(умид, режа).*
3. Дунёда нима чаққон? *(фикр).*
4. Дунёда нима югурик? *(фикр).*
5. Дунёда нима қиммат? *(ростлик).*
6. Дунёда нима кўринмайди? *(севги).*
7. Юмуқ кўз билан нимани кўриш мумкин? *(туш).*
8. Қайси жойда осмон паст бўлади? *(сувда).*
9. Денгиз остида қандай тош бўлмайди? *(қуруқ тош).*
10. Дунёда бир нарса борки, у бўлмаса ҳеч ким бир – бирини танимайди, у нима? *(исм)*
11. Юки бўлса юради,  
юксиз тўхтади. *(осма соат).*
12. Ёмғир ёғиб турганда, қарга  
қандай дарахтга қўнади? *(ҳул дарахтга).*
13. Қора мушук қай вақт уйга  
осонгина кира олади? *(эшик очиқ бўлса).*
14. Бир оилада чолу кампир яшайди.  
Уларнинг икки ўгли бор.  
Ҳар бир ўглининг биттадан синглиси бор.  
Шу оилада нечта жон бор?



*(5 та: чолу кампир, икки утил, бир қиз)*

15. Анҳор буйида уч қарагай ўсади. Уларнинг ҳар бирида учтадан йўгон шохи бор, ҳар бир йўгон шохида бештадан новда бор. Ҳар бир новдада етти донадан олма бўлса, ҳаммаси бўлиб нечта дона олма бор?

*(битта ҳам олма йўқ, қарагайда олма бўлмайди)*

## Р И В О Я Т

Ўтмишда ови юрса ҳам дови юрмай, тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйланиб турса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:

— Эй донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман? — деб маслаҳат сўрабди.

Йўловчи унга пиёз экишни тавсия этибди. Қарангки, нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босар - тусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

— Эй гадо, нима эксам, мен янада бойиб кетаман? — деб иккинчи мартаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди. Фалакнинг гардишини қарангки, кейинги йили деҳқоннинг омади чопмай, илгаригидан ҳам камбағаллашиб кетибди.

Бундан гоятда газабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у нотаниш йўловчи билан дуч келибди ва :

— Эй нотавон йўловчи, нега мени алдадинг? Сенинг гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку?, — деб газаб қилибди.

— Ўзингни бос, — дебди йўловчи. — Биринчи йили сен менга «донишманд» деб мурожаат қилдинг. Мен сенга донишманднинг жавобини бердим. Натижада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар эса менга «гадо» сўзини муносиб

кўрдинг ва мен сенга гадонинг жавобини бердим, - деган экан...<sup>1</sup>

**«Е тўним, е...» афанди.**

«Афанди бир куни тўйга борган эди, усти-боши эски бўлганлиги учун унга ҳеч ким эътибор бермади. У тўйхонадан тезда чиқиб, бир ошнасининг кийимларини кийиб, яна қайтиб келди. Афандини иззат-икром билан тўрга ўтказдилар, олдига турли-туман ноз-неъматлар келтириб қўйдилар. Бу аҳволни кўрган Афанди устидаги тўнга қараб:

— Бу овқатлардан е, тўним, е!, - дейди.

Ажабланган одамлар бунинг сабабини сўраганларида у:

— Мадомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есинда, - деб жавоб берибди».<sup>2</sup>

«Луқмони ҳаким йўлда бораётсалар, бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар, хаста одам оғриққа чидаёлмайдод дер эмиш. Табиблар келиб, уни бугун-эрта улади, дейишибди экан. Луқмони ҳаким хастанинг билак томирини ушлаб куриб дебдиларки: «Дардингизга даво бор. Илон заҳри сизга шифо бергай». Хаста дебдики: «Илон заҳрини мен қандай топай? Бир бедаво бўлсам... Ё мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Оллоҳ менинг зоримни эшитиб, Луқмони ҳакимга рўбаро қилганида эди, у зот мени ташламас эдилар». Луқмони ҳаким бу нолани тинглаб, айтибдиларки: - «Зинҳор ташламасман». Хуллас, ҳазрат Луқмони ҳаким илонзорга бориб, бир ёшроқ илонни бугзидан бўғиб турибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кирибди ва дебдики: «Эй инсон фарзанди, сен нечун мени бўғаётирсан? Оллоҳнинг менга берган жабрлари камми эди?». «Оллоҳ сенга қандай жабрлар қилди?», деб сўрабдилар Луқмони ҳаким. «Мени куримсиз қилиб яратди, одамлар кўрсалар мендан қочадилар. Мени ертубан қилиб қўйди, судралиб юришга маҳкум этди. Энди сен мени бўғиб, жонимни оларсанми?». Луқмони ҳаким

<sup>1</sup> Қаранг. Сиддиқ Мўмин. Сузлашиши санъати. Фарғона. 1997. 60-бет.

<sup>2</sup> Сиддиқ Мўмин. Уша асар. 81-бет.

дебдилар: «Шундай қилмасам бир одам ҳаётдан кўз юмар». Илон дебди: «Ажаб! У одамни сақлаб қолмоқ учун мени ўлдирасанми? Ахир у ҳам Оллоҳнинг бир маҳлуқи, мен ҳам. Бир жонни сақламоқ учун иккинчисини маҳв этмоқ шартми? Эй инсон боласи, сен айт: мен бировни чақсам, менинг заҳримни даф эта оласанми?» Луқмони ҳаким айтибдилар: «ҳа, даф эта оламан». Илон дебди: «Унда менинг заҳрим кучли эмас экан. Дунёда шундай заҳар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан!». «Қандай заҳар?. Қора қуртникими?», – дебдилар Луқмони ҳаким. «Э, йўқ, — дебди илон. – Дунёда энг кучли заҳар – одамнинг заҳри. Бунга даво йўқтур. Одам одамни чақса, албатта, ўлим ҳақдир! Оллоҳ биз – илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биримизни чақмаймиз. Сиз – одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен сақлаб қолмоқчи бўлаётган хастага менинг заҳрим даво эмас, янглишма. Уни ўз дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга хатто Луқмони ҳаким ҳам даво топмагай. Қуй, у ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин...»<sup>1</sup>

## МЕҲР БАЙТЛАРИ

### (Аллалардан намуналар)

Тоғлардаги шунқорим-а, алла,  
Боғимдаги булбулим-а, алла,  
Бешиқдаги қоплоним-а, алла,  
Қўлимдаги ботирим-а, алла.

Улгайиб уса, алла,  
Кўкдаги юлдузим-а алла,  
Белгинамнинг қуввати-я, алла.  
Кузгинамнинг гавҳари-я, алла.

Алла айтиб юрайин-а, алла.  
Қўзичоғим болам-а, алла,  
Катта бўлиб жоним-а, алла,  
Ватанга содиқ бўл-а, алла.

<sup>1</sup> Т.Малик Шайтанат III китоб 315-бет.

Кузимнинг нури-я, алла,  
Меҳр-оқибатли бул-а, алла.

\* \* \*

Туйиб - туйиб упай сени,  
Ширин думбогим, алла.  
Қучогимда яшаб турган,  
Машғал чирогим, алла.  
Эрка уғлим катта булгин,  
Қуриқчи булгин, алла.  
Бошга келган балоларни,  
Йўқ қилиб тургин, алла.

\*\*\*

Алла-алла айтайин, алла,  
Устингга тўним ёпайин, алла,  
Бу ғарблик ҳасратин, алла,  
Кимларга бориб айтайин, алла.

Ухла, эркам, ол ором,  
Алла-алла жон болам, алла.  
Мендан зурриёд, мендан ном,  
Богда очилган долам, алла.

Сенга қўйдим яхши от, алла,  
Яхши ниятдур мурад, алла,  
Юрту элга суянсанг, алла.  
Сенга булгуси қанот, алла,

Осмонда учган қушлар, алла,  
Секин чиқар товушлар, алла,  
Мени солма қайгуга, алла,  
Болам тўйсин уйқуга, алла.

Бошингда ултираман,  
Алла айтиб тун бўйи, алла.  
Юрагимни пайванд қилай,  
Сенга жоним шу куйи, алла.

Алла десам бор бўлгин, алла,  
Менга номус-ор бўлгин, алла,  
Катта бўлган чоғингда, алла,  
Халққа вафодор бўлгин, алла.

Улгай болам, гул Ватан, алла,  
Ботир бўлиб ўсгил қўзим, алла,  
Сени кўриб бу чаманда, алла,  
Яйрай-қувонай, юлдузим, алла.

\*\*\*

Алла айтай жоним болам,  
Ухлаб қолгин-а, алла...  
Бешикларда роҳатланиб,  
Ором олгин, алла...

Уйларимни ёритувчи,  
Ёруғ юлдузим, алла-ё...  
Дилларимни равшан қилгин,  
Равшан чирогим, алла...

Арслон билакли, шер юракли,  
Қоплонгинам бўлгин-а, алла,  
Катта бўлиб Ватанинга,  
Содиқ бўлгина, алла...<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Тафаккур чечаклари (Ўзбек халқ қушиқлари). –Т. 1992.

## Адабиётлар

1. Ақл ақддан қувват олади. Ҳикматли сузлар. Т.: 1967.
2. Ипак йўли афсоналари. Т.: 1993.
3. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизиқ. Т.: 1994.
4. М.Абдураҳмонов. Ўзбек топишмоқлари. Т.: 1991
5. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1976.
6. О.Мадаев, Т.Собитова. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т. 2001.
7. Оз – оз ўрганиб доно бўлур. Т.: 1998.
8. С.Мумин. Сузлашиш санъати. Фарғона. 1997.
9. Т.Малик. Шайтанат. I-II-III-IV китоб. Т.: 1997.
10. Тафаккур чечаклари. Ўзбек халқ қўшиқлари. Т.: 1992.
11. Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. Т.: 2001.

## КАЙКОВУСНИНГ «ҚОБУСНОМА» АСАРИДАГИ СУХАНДОНЛИК ХУСУСИДА

### Саволлар

1. Шарқ алломаларининг ахлоқий - тарбиявий асарларидан қайсиларини биласиз?
2. Кайковус қачон ва қаерда тутилган?
3. «Қобуснома» қачон ёзилган?
4. Кайковус «Қобуснома»ни кимга бағишлаб ёзган?
5. «Қобуснома» қайси тилларга ва кимлар томонидан таржима қилинган?
6. «Қобуснома» неча бобдан иборат ва унда қандай воқеалар берилади?
7. Асарда кишилар неча тоифага ажратилган?
8. Сўзлар неча тоифага ажратилган?

### Топшириқлар

1. «Қобуснома»ни синчиклаб ўқиб чиқинг.
2. Ҳаётдан «тўрт нав сўзларга» мисол ёзинг.
3. «Халойиқ ҳам тўрт нав»ига ҳаётдан мисол ёзинг.
4. Асарнинг еттинчи бобини синчиклаб ўқинг ва гапириб беринг.
5. Бадиий адабиётлардаги нутқ одоби ҳақидаги ҳикоялардан кўчириб ёзинг.
6. Асарнинг еттинчи бобидаги ҳикояларни кўчириб ёзинг.

**Кайковус «Қобуснома».** Кайковус қаламига мансуб «Қобуснома» асари шарқ халқлари орасида маълум ва машҳурдир. Асардаги мўъжаз ривоятлар, ихчам латифалар, кичик-кичик ҳикоятлар уни янада жозибали, ўқишли бўлишини таъминлаган.

XI асрнинг 82-83-йилларида Фарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб «Насиҳатнома»сини яратади ва уша давр анъанасига кўра уни бобоси подшоҳ Шамсулмаолий Қобус шарафига «Қобуснома» деб атайтиди.

«Қобуснома» асрлар мобайнида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборини ўзига жалб этиб келган. Олимлар «Қобуснома»ни диққат билан ургандилар ва ўз тилларига таржима қилдилар. Масалан: 1702-1705 - йилларда турк тилига, 1786-1787 - йилларда Муҳаммад Сиддиқ Рашидий томонидан татар тилига таржима қилинади.

Бундан ташқари 1886 - йилда рус тилига, шу йили француз тилига, 1811 - йилда немис тилига, Е.Э.Бертельс томонидан 1953 - йилда иккинчи марта рус тилига таржима қилинади. Демак, XIX асрданоқ асар инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинади. 1935 - йилда Техронда Саид Нафисий томонидан босмадан чиқарилди.

1860 - йилда «Қобуснома» илк бор ўзбек тилига буюк шоир ва мутаффакир Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинди. Огаҳий таржималари ичида «Қобуснома» алоҳида уринлардан бирини эгаллайди. Бу нодир асар 1965-1973 ва 1986-йилларда адабиётшунос олим Субутой Долимовнинг катта саъй-ҳаракатлари туфайли уч марта нашр қилинган эди. 1994-йилда «Қобуснома» Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси асосида ҳозирги замон ўзбек адабий тилида яна С.Долимов томонидан нашрдан чиқарилди.<sup>1</sup>

Асарнинг еттинчи боби: Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ зикрида.

Киши сухандон, сухангуй (нотиқ бўлиши керак. Аммо эй фарзанд, сен сухангуй бўлғил ва лекин дуруггуй (ёлгончи) бўлмагил. Ростгуйликда ўзинг шуҳрат қозонгил, токим бирор вақт зарурат юзидин ёлгон сўз десанг қабул қилгайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост дегил ва лекин, ёлгонга ўхшагон ростни демағилким, ростга ўхшаган дуруг дуругга ўхшагон ростдин яхшидур, нединким ул дуруг мақбул бўлар, аммо ул рост мақбул бўлмас. Демак, номақбул ростни айтишдан парҳез қил, токи менинг била Абу Сувор Шопур билан Абу ал-Фазлнинг орасиндаги воқеа сенинг бошингда содир бўлмасин.

---

<sup>1</sup> Қаранг. Қобуснома. -Т. 1994, 3-9 бетлар



## ҲИКОЯТ

Билгил, мен амиралмуъмин замонида бир йил ҳаждан қайтиб келиб, Ганжада қарф тутдим..

Ҳиндистонга кўп газот қилмиш эрдим, Румга ҳам юриш қилмоқни уйлардим. Абу Сувор Ганжада улуг подшоҳ эрди. Ул бағоят хушманд, одил, саҳий ва фозил киши эрди. Бир куни мени кўруб, кўп ҳурмат қилди ва менинг била сўзлашмоқ мақсадинда ҳар турли сўз сўрар ва мендин маъқул жавоб эшитар эрди. Менинг сўзларим унга маъқул тушиб, кўп қарамлар қилиб, менга кўнгул қўйди. Мен ҳам унинг эҳсонларин кўриб, унга кўнгул қўйдим. Шул сабаб била бир неча йил Ганжада муқим бўлдим ва ҳамиша подшоҳнинг мажлисида ҳозир эрдим. Подшоҳ мендан ҳам турли сўзларни сўрар эрди. Бир куни сўз орасига менинг вилоятим тушди ва мендин Гургон қишлоғи ҳолидин сўради. Вилоятларнинг ажойиб – гаройибларидин сўз очилди. Сўз асносинда мен дедим: «Гургонда Сиёвакс дегон бир кент бордур ва унинг бир чашма суви бордурким, ул кентдин узоқроқдур. Хотинлар жам бўлуб, ҳар бири бир кўза кўтариб, ул чашмага бориб сув олурлар ва кўзани бошларига кўтариб, барчаси ҳамроҳ бўлиб уйларига қайтадилар. Уларнинг орасида бир хотин кўза кўтармай, барчадин илгари юруб, йўлига эҳтиёт бўлуб, назар ташлаб боради. Нединким ул ерларда бир кўк қурт бордур. Уни сизак дерлар. Агар ул қуртдин бирини топсалар, йўлдин олиб, йироққа ташлайдурлар, токим хотинлар ул қуртни билмай босиб ўлдурмасунлар. Агар сув кўтаргон хотинлардин бири қуртни босиб ўлдурса, бошига кўторгон кўзадаги сув сасиб, бадбўй бўлиб кетади. Шундан кейин аввал сувни тўкиш, кўзани ювиш керак бўлади ва кўзани тозалагон хотин қайтиб бориб чашмадин сув олади.

Мен бу сўзни дедим, аммо амир Абу Сувор туршрўй (бадбуруш, қовоғи солиқ) бўлиб, мендин юз ўтурди ва бир неча кун менга бурунғидек (аввалғидек) мулоқот ва илтифот қилмади.

Бир куни Фирузон Дайлимий бу аҳволни менга айтди: «Амир сендин гина қилиб деди: «Фалон киши бағоят донодур, аммо ёш ўғлонларга айтгудек ёлгон сўзни менга

айтадур. Унингдек кишидан менингдек подшонинг олдида бунингдек дуруг сўзни айтмоқ муносиб эмасдур».

Мен бу сўзни эшитгондин сўнг дарҳол Ганжадан Гургонга бир киши юбориб, уламнинг шаҳодати била бир гувоҳ хат талаб қилдим. Гургоннинг барча уламо, қозилари бу кентнинг, қуртнинг ҳоли ва қиссаси ростлиги ҳақида гувоҳ бўлишиб, бу бобда бир хат ёзиб юбордилар..

Бу хат тўрт ой муддатгида менга етиб келди. Мен уни подшоҳга кўргуздум. Подшоҳ уни ўқиди ва табассум қилиб деди: «Мен ҳуд<sup>1</sup> таҳқиқ<sup>2</sup> булурманким, сенингдек кишидан ёлгон сўз зоҳир бўлмагусидир, хусусан, менингдек подшоҳнинг олдида... Аммо тўрт ой муддатида икки юз одил кишининг гувоҳлиги била бир рост сўзни айтмоқ муносиб эмасдур. Бунингдек сўзлар аввал исбот этилмай, ундин сўнг ул сўзни қабул этгайлар.

Эй фарзанд билгилки, сўз тўрт нав бўлур, ундоқким халойиқ ҳам тўрт нав бўлгондек. Бири улким, билур ва билгонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдуким, билур ва билгонин билмас, ул уйқудаду, уни бедор қилмоқ керақдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундин қочмоқ керақдур. Аммо деб эрдимки, сўз ҳам тўрт навдур; бири, билинмайтургон ва айтилмайтургон; иккинчиси, айтилтургон ва билинатургон: учинчиси, ҳам билинатургон ва ҳам билинатургон заруратсиз, аммо айтса бўлатургон, тўртинчиси, билантургон ва айтилмайтургон. Аммо айтилмайтургон ва билинмай тургон ундоқ сўздурки... дунёнинг салоҳи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтгувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатургон, бироқ айтилмайтургон ундоқ сўздирким, бир муҳташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармлиқдир. Чунки айтсанг ул муҳташамнинг қаҳри ё у дўстнинг озори сенда ҳосил бўлур, ёҳуд ўз бошинга улуг шўриш ва гавго пайдо қилурсан. Шул важдиң ҳам бул сўз билинатургон, аммо айтилмайтургон

---

<sup>1</sup> Худ - уз, узим.

<sup>2</sup> Таҳқиқ - бирор нарсаниң ҳақиқатини излаш.

сүздур. Бу сүзларнинг яхшироғи ҳам билинагургон ва ҳам айтилатургон сүздур.

Бу түрт нав сүзнинг икки юзи бордур. Бири хуб ва бири зишт. Ҳар сүзни халойиққа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойиқ сенинг сүз била баланд мартабага эғалигингни билсунлар. Нединким кишининг мартабасини сүз била билурлар, аммо сүзнинг мартабасини киши била билмаслар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сүзининг остида пинҳондур, яъни бир сүзни бир иборат била айтса булур, эшитгон кишининг эса кўнгли ундин тира<sup>1</sup> бўлғай ва яна ушал сүзни бир иборат била айтса булурким, эшитгон кишининг жони ундин роҳатда бўлғай.

## Ҳ И К О Я Т

Ундоқ эшитдимки, бир кеча Хорун-ар Рашид бир туш кўрдиким, огзидин барча тишлари тўкулмиш. Эрта тонг туриб бир муаббирни<sup>2</sup> чақириб сўрадиким, «бу тушнинг таъбири недур?». Муаббир деди: «Эй амиралмуъминин, сенинг олдинда барча хеш, ақрабо ва қариндошларинг ўлғусидир. Андогким, сендин ўзга ҳеч киши қолмағусидур». Бу сүзни эшитгон Хорун-ар Рашид: «Менинг юзимга бундоқ дардлиг ва андуҳлиг сүзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим улсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиг рўзгор сурарман?» – деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди. Сўнг бошқа бир муаббирни чақириб, тушин унга таҳрир<sup>3</sup> қилди. Муаббир деди: «Эй амиралмуъминин, сенинг умринг барча ақраболаринг умридин узоқ булур». Хорун-ар Рашид деди: «Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковининг таъбирининг негизи бир ерга борур, аммо бу ибора била ул иборанинг орасида фарқ бағоят кўпдур». Буюрди, сўнгги муаббирга юз тилло бердилар...

Эй фарзанд, сүзнинг юзин ва орқасин билғил ва уларга рию қилғил, ҳар на сүз десанг юзи била дегил, то сухангуй бўлғайсан. Агар сүз айтиб, сүзнинг нечук эканин

<sup>1</sup> Тира – коронгу

<sup>2</sup> Муаббир – тушни таъбир килувчи.

<sup>3</sup> Таҳрир – мақсадини озгаки англатиш.

билмасанг қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас.

Сухангўй шул киши бўлгайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлгай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъқул бўлгай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлгон бир ҳайвондур.

Сўзни бағоят улуг билгил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг жойини ўткармай айтгил, вақтни зое қилмагил, йўқ эрса донишга ситам қилгон бўлгайсан. Ҳар сўз десанг рост дегил ва беъманиликни даъво қилгувчи бўлмагил.

Билмагон илмдин дам урмагил ва ундин нон талаб қилмагил. Ҳар на матлубинг бўлса, билгон илм ва ҳунардин ҳосил булур. Билмагон ҳунар даъвосидин ҳеч нарса ҳосил бўлмас, фақат беҳуда заҳмат чекарсан.

## ҲИКОЯТ

Бундоғ айтурларки, Анушировон Одилнинг замонида бир хотин Абузуржмеҳрнинг олдига келиб, ундин бир савол сўрди. Абузуржмеҳр ул саволни билмамиш эрди ва хотинга қараб деди: «Эй хотин, ул сўзни сен сўрорсан, уни билмасман». У хотин деди: «Сен бутина сўзники билмассан, подшоҳнинг неъматин нечун ерсан?» Абузуржмеҳр деди: «Билгон сўз учун ерман, аммо билмагон сўз учун емасман. Ҳар сўзники билмасман подшоҳ менга ул сўз учун ҳеч нарса бермас ва ҳарна берса билгон сўзим учун берур».

Аммо, эй фарзанд, ҳеч кишининг олдида ифрот<sup>1</sup> қилмагил ва ифротни шумлиқ деб билгил. Ҳар ишда миёна (ўртача) бўлгил, сўз айтмоқда ва иш қилмоқда... сангин<sup>2</sup> бўлгил. Розингни<sup>3</sup> узингдин узга кишига айтмагил, агар айтсанг сўнгра уни роз демагил.

Халойиқнинг орасида бир кишининг қулогига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши сўз бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар ва кўп одамлар бир-бирларидан даргумон бўладилар. Гар сўз

<sup>1</sup> Ифрот - ҳаддан ошиш.

<sup>2</sup> Сангин - оғир

<sup>3</sup> Роз - сир.

демоқчи бўлсанг, шундай сўз дегилки, сўзингнинг ростлигига гувоҳлик берсинлар. Агар ўзингни зўрлик била айбдор қилмоқ тиламасанг, бирор нарсага гувоҳ бўлмагил ва агар гувоҳ бўлсанг, гувоҳлик берар вақтда эҳтироз<sup>1</sup> бўлгил. Агар гувоҳлик берсанг, майл била бермагил.

Ҳар сўзни андиша била бошлагил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмагайсан.

Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдур. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг бўлмагил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт<sup>2</sup> бўлмасин.

Совуқ сўзлик бўлмагил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик ҳосил бўлур.

### Адабиётлар

1. Кайковус Қобуснома. Т. 1994.
2. Кайковус Қобуснома. Т. 1986.
3. Кайковус Қобуснома. Т. 1973.

---

<sup>1</sup> Эҳтироз – сақланиш, эҳтиётланиш.

<sup>2</sup> Фавт – йўқотиш, улим; фавт бўлмоқ – ўлмоқ.

## АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

### Саволлар

1. Навоийнинг фикрича воиз қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?
  2. Навоий қайси асарида воизлик санъатига алоҳида тўхталиб ўтади?
  3. Навоий тан олган воизлардан кимларни биласиз?
  4. Воизлик қандай баҳоланади?
  5. Тилшуносликка оид қандай асарларини биласиз?
  6. Навоийнинг қуйидаги матлаъли газалини ким юқори баҳолаган эди?  
Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш...
7. Навоий ҳақида қандай ривоятлар биласиз?
  8. Навоий ҳақида қандай шеър ва қўшиқлар биласиз?
  9. Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ҳақида қайси асарида маълумот беради?

### Тошшириқлар

1. Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларидан ёзинг.
2. Навоийнинг нотиклиги ифодаланган ривоятлардан топиб ёзинг.
3. «Кўп деган кўп енгилур, кўп еган кўп йиқилур», мақолини изоҳланг.
4. «Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсин; тўла кирган одам эса енгил тортиб, ҳоли қайтсин», фикрини изоҳланг.
5. «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир», маъносини изоҳланг.

## Алишер Навоий

Алишер Навоий ибрат булгулик ҳаёт ва ижод йулини босиб ўтди. Болалигидан зийрак ва қобилиятли булган Алишерни тўрт ёшида ўқишга берадилар. Ота ва она унинг ҳар томонлама билим олиши учун барча шарт – шароитларни яратиб берадилар. У адабий асарларни қунт билан ўқий бошлайди. Саъдий, Фаридиддин Аттор асарларини қайта – қайта ўқир ва ёд олар эди. Алишер бадий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмади. Унинг ўзи ҳам шеърлар ёза бошлайди. 10 – 12 ёшларидаёқ бадий завқи ва диди ҳамда илк шеърлари билан танилиб, катта санъткорлар ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Навоийнинг замондоши тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, кунлардан бирида анча кексайиб қолган Лутфий шогирди навқирон Алишердан ёзган янги шеърларидан ўқиб беришни сўраган. Навоий қуйидаги матлаъли газални ўқиган:

Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Буйлаким, пайдо бўлур юдуз, ниҳон булғоч кўёш...

Бу ажойиб газалдан қаттиқ ҳаяжонланган Лутфий: «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ун-ун икки минг байт шеъримни шу бир газалга алмашар эдим», – деган.<sup>1</sup>

Навоий дўсти Ҳусайн Байқаро тахтни эгаллагач, унинг саройида муҳрдор, вазир лавозимларини бажарди. Мамлакатнинг обод ва фаровон бўлиши, санъат ва адабиётнинг ривожланишига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди. Айна пайтда ижоддан бир соат ҳам бўшамай, ўзбек адабиёти хазинасини шеърый дурдоналар билан бойитди. Ўлмас асарлар яратди.

Алишер Навоий ижодида суҳбат ва нутқ одоби қоидалари қиёмига етказиб баён этилган.

Навоий сузнинг ҳашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлайди. Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли булсин десанг, содда тилда гапир, дейди:

<sup>1</sup> Қаранг: Н.М.Маллаев Ўзбек адабиёти тарихи. -Т. 1976. 363-364 – бетлар.

«Сўзки фасоҳат зеваридин музайян эмасдир, анга чинлик зевари басдур. Ёлгончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабихроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилги иборат соддалигидин йўқ таассуф».

Навоий яхши сўзли, эл учун фойдали нотиқларга ён босади. Уларнинг хизматини масжид имомларининг қилаётган ишларидан юқори қўяди. Шу туфайли улар учун имомларга нисбатан анча кўп маблағ ажратишни тавсия этади: «Воизга йиллик нақди беш юз олтун, бугдой ун юк. Имомга масжиди жомеъда хатиб бўлиб, мактабдаги тутгай, йиллик нақди икки юз олтун, бугдой ун юк».<sup>1</sup>

Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқ маданияти, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган.

Навоий асарларида чунончи, нутқ одобининг талаблари ҳақида фикрлар бор.

1. Тилни, сўзни қадрла, уни ҳурмат қил:

Донау дур сўзини афсона бил,

Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

(«Хамса», 34-бет).

2. Яхши сўзли олиш (нутқ) – санъатдир, ноёб ҳунардир.

Уни эгаллашга интилгин:

Эрдин сўз ҳунар, энчдин бўз ҳунар

(«Маҳбуб ул-қулуб» 82-бет).

3. Инсоннинг одоб ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир: Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била.

(«Маҳбуб ул-қулуб» 79-бет).

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,  
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,

Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,  
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин  
(«Назм-жавоҳир»дан, 41-бет).

<sup>1</sup> Б.Уринбоев, А.Солиев. Нотиқлик маҳорати. -Т, 1984. 32-бет.



4. Кишининг сўзи (нутқи) унинг ақлий камолотидан дарак беради:

Одамки демак бирла киромийдир у бас,  
Суз дурри ишининг интизомидур у бас,  
Сихқат ончаки, аҳли ақл комидур у бас,  
Ақлига далил анинг каломидур у бас.  
(«Назмул-жавоҳир» дан, 25-бет).

5. Сузлаганда дилинг билан тилинг бир бўлсин, чунки дилдаги тилга чиқади:

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,  
Тилу кўнглунгни бир қилиб бирруй,  
Нуқта сурсанг шукуфтау хандон,  
Зист қилсанг, кушодоу хушруй.  
(«Арбаин» дан, 59-бет).

6. Сузлаганда ўйлаб сўзла, тушуниб, билиб гапир: Сўзни кўнглунгда пишқармагунча тилга келтурма. Ҳарнаким кўнглунгда бўлса тил сурма.  
(«Маҳбуб ул-қулуб» 83-бет).

7. Хушмуомала, ширинсўз бўл. Тилинг билан кишиларга озор берма:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар неки агёр дурур ёр айлар,  
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар.  
Юмшоғи кўнгуларни гирифтор айлар.  
(«Назмул-жавоҳир» дан, 43-бет).

8. Чин, тўғри сўзла, нутқингда ҳалол бўл. Ёлгон сўз бахтсизлик келтиради. Чин сўз муътабар, яхши сўз мухтасар... сўзки фасоҳат зеваридин муаян эмасдур, анга чинлик зевари басдур. Ёлгончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабиҳ.  
(«Маҳбуб ул-қулуб» 63-бет).

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулук эмас.  
Киши чинда сўз зебо, дурур,  
Неча мухтасар бўлса авло дурур.

(«Маҳбуб ул-қулуб» 83-бет).

9. Яхши, эзгу сўз (нутқ) кишига обрў, бахт келтиради. Эзгу сўзли бўл:

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,  
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ  
Сўздир анга мужиби гаромат бўлмоқ,  
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ.

(«Назмул-жавоҳир» дан,43-бет).

10. Тилдан тухмат учун фойдаланма. Тухматчидан қоч, ундан нафратлан:

Бировким ёлгон сўзни бировга боғлагай, ўз қаро бўлгон юзин ёглагай. Кабира гуноҳдур – оз сўз ҳамки ўтрукдур, заҳра гуноҳдур – оз сўз ҳамки ўтрукдур, заҳри муҳлиқдур – агарчи миқдори ўксукдур.

(«Маҳбуб ул-қулуб» 61-бет).

Эл айбини айтурга бировким узотир тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил.

(«Маҳбуб ул-қулуб» 69-бет).

11. Тилингни тий. Кўп сўз, эзма ва вайсақи бўлма. Бу зарарлидир.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг сўзни кўп эшитурдин қайтма. Оз деган оз янчилур, оз еган оз йиқилур.

(«Маҳбуб ул-қулуб» 82-бет).

Тил илдамидин бўлур гаромат ҳосил,  
Юз навъ надомату маломат ҳосил.  
Оз сўзлагандин истиқомат ҳосил,  
Соқитлигидин вале саломат ҳосил.

(«Назмул-жавоҳир» дан,31-бет).

12. Сузлаганда шароитни, суҳбатдошингни ҳисобга ол, беурин сўз айтма... «...Золим ва бе дард суҳбатида нуқта сурма, наммом ва номард мулояматида дам урма. Доно илиқдин боргондин сўз айтма, ўтган йигитлик орзу билан қайтмас».

(«Маҳбуб ул-қулуб» 84-бет).

13. Бўшоғиз бўлма, суҳбат сирларини сақлашга ўрган:

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,  
Билгил ул сўз санга омонатдур,  
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,  
Ул омонатга бу хиёнатдур.

(«Арбаин» дан, 57-бет).

14. Гапирганда қайтариқлардан қоч, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради:

Бир деганни икки демак хуш эмас,  
Сўз чу такрор топти дилкаш эмас.

(«Хамса», 484-бет).

Нутқ одобининг қайд қилинган маданий - ахлоқий талаб ва асослари нутқ меъёрлари сифатида қадимий даврлардан бери авлоддан - авлодга ўтиб келган. Ушбу нутқий меъёрларнинг сақланиши, ўзгартирилиши ва яшаб келишида оилавий анъаналар, бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанавий қоидалар, суҳбатдошлар (сўзловчи ва тингловчилар)нинг бир-бирини ўзаро назорат қилиши, таълим тарбия, ўғит-насиҳат жараёни, шунингдек нутқий одоб меъёрлари ҳақида ёзилган адабиётларни мутолаа қилиш асосий ўрин тутган.

Демак, кишиларнинг қандайдир тўғри, таъсирчан, чиройли ва яхши гапирришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадимий тарихга эгадир. Бундай одат қадимий ўтмишдан ҳозирга қадар мангу анъана сифатида яшаб ва такомиллашиб келган. Бироқ, нутқ маданияти тушунчаси билан боғлиқ ушбу нутқий одатлар турли даврларда муаян хусусиятлари билан фарқланиб турган. Айниқса, адабий тил пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган нутқ одоби (нутқ

маданияти) тасаввурлари, адабий тил пайдо бўлгандан кейинги давр нутқ маданияти тасаввуридан фарқланади.<sup>1</sup>

## НАСИХАТ АҲЛИ ВА ВОИЗЛАР ЗИКРИДА

Воиз керакки, «қолаллоҳ» сўз айтса ва «қола расулуллоҳ» мухолафатидин қайтса, худо ва расул йулига қадам урса. Ўзи киргондин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юрумагон йулга элни бошқармоқ – мусофирни йулдин чиқормоқдур ва биёбонга кетурмак ва бодияда итурмақдур. Усрукки, элга буюрғай хушёрлиқ – уйқувчидекдурки, элга буюрғай бедорлиқ. Уйқусида сўз деган жевлигон булур ва дегондек қилмоқ не дегон бўлур.

Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур. Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар.

Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи булғай. Воизким, булғай олим ва мутаққий – анинг насиҳатидин чиққан шақий. Улки, буюриб узи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай. Назоирхон била сурғувчи мақол – дастёр била йирлағувчи қаввол.

### Қитъа:

Воизки, дастёрсиз улмас сухангузор,  
Анга ёроду мунга аёлғувчи ҳукми бор.  
Тенгри сўзин аёлғувчи булмай дея олмағай,  
Бир соз бўлса ҳам керак ул қилғай ихтиёр.<sup>2</sup>

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Ҳарзағуйким, кўп тақаллум сурғай, итдебдурким, кеча тонг отқунга ҳурғай. Ямон тиллик андоқким эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошиға ҳам офат еткурур. Нодоннинг муваҳҳиш-ҳарзаға бўғзин кирмоғи-эшакнинг жиҳатсиз қичқирмоғи.

<sup>1</sup> Р.Қунгуров ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. 24-25 бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар туплами. 14-том -Т. 1998. 32-33 – бетлар.

Хушгуйким, сўзни рифқ ва мусово била айтгай, кунгулга юз гам келадургон бўлса, анинг сўзидин қайтгай. Сўздадур ҳар яхшилиқни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масиҳоким, нафас била улукка жон берди, гуё бу жиҳатдин эрди.

Макруҳеки, ҳарзаси тавил ва овози карихдур, узи савти била қурбақага шаҳибдур. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолига манбаъ ҳам тил, аҳли шақоватлар наҳс қавқабига матлаъ ҳам тил. Тилига иқтидорлиг-ҳакими хирадманд; сўзига ихтиёрсиз – лаими нажанд. Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлгай-хўброқ, агар кунгул била бир булгай.

Тил ва кунгул хўброқ аъзодурлар инсонда; савсан ва гунча марғуброқ раёҳиндурлар бустонда. Одаме тил била сойир била ҳайвондан мумтоз бўлур ва ҳам анинг била инсонга сарафроз булур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидир.

Айн ул-қузот тил шарафидин Масиҳ гуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил сурътидин дорга сазавор.

**Байт:**

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ултурур,  
Вуслат башорати яна жисмига жон берур.

Тилдин азубат дилписанддур ва лийнат судманд. Чучук тилки, аччиғлиққа эвруди, зарари ом бўлди, қандники, мускир бода қилдилар, харом бўлди. Чучук сўз соф кунгулларга қушдур, барча атфол табъига мулойим ҳалвофурушдур.

**Байт:**

Хуш сўзга ким улса масту беҳуш,  
Шарбат аро захрни қилур нуш.

Ҳаркимки, сўзи ёлгон зоҳир бўлгоч уёлгон. Ёлгонни чиндек айтқувчи суханвар-кумушни олгун рўкач қилувчи заргар. Ёлгон афсоналарда уйлгиргувчи, ёлгончи уйқуда

такаллум сургувчи. Ёлгон айттувчи гафлатдадур. Сўзнинг аснофи бағоят чуқдур, ёлгондин ямонроқ синфи йўқдур.

Улки ёлгон била сарфи авкот этгай, анга бу ямон келмагай яна мубоҳот этгай. Агар мустамиъинни гофил топқай, ёлгонин чинга ўткарса мақсудин ҳосил топқай. Зиҳи тенгрига ямон, не тенгридин, не халқдин шарманда. Муңдоқ наҳсининг чун эрур юзи ямонлиқ сари, бу нуҳусатшиор қутлуғ уйдин ташқари.

**Байт:**

Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,  
Қутлуғ эв дунё дурур, яъники, ўлтурмак керак.

Бировким, ёлгон сўзни бировга боғлагай, ўз қаро бўлгон юзин ёқлагай, кабира гуноҳдур-агарчи миқдори уксукдур.

**Байт:**

Заҳрнинг оз эса миқдори доғи муҳликдур,  
Игнанинг нуғи заиф эрса доғи кур қилур.

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўттан гуноҳини ўз бўйнуға индургай. Наммомлиқ чин сўзга маъмнудур. Агар зуҳур этгай-хаёл қилки, ёлгон сўзга не етгай. Сўз тергувчининг агар улуғи, агар кичиги-билки эрурлар тамуғ ўтининг тутруги.

**Байт:**

Ким сўзни териб айттувчи оғзига бергай,  
Молик ани дузах ўтининг дудиға тергай.

Улки, жуз қувват даъвиси изҳор қилмас, гўёки, ҳақнинг қавий ул-матин эрканин билмас. Одамеки, қувват хаёлин кўнглиға кечирур-туфрогедурким, ел ургоч учурур. Дунё дор ул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа гафлат бойсдур. Олам умрдек бевафодур ва анинг давлатиға эътимод қилмоқ хато.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Р. Қўнгуоров ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. 22-23-24 - бетлар.

## Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13 том. Т.: 1997.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14 том. Т.: 1998.
3. Алишер Навоий. Вақфийя. Т.: 1991.
4. Алишер навоий. Лисонут тайр. 11 том. Т.: 1996.
5. Б.Аҳмедов. Навоий замондошлари хотирасида. Т.: 1985.
6. Б.Ҳасанов. Навоий асарлари учун қисқача луғат Т.: 1993.
7. М.Жураев. Эл деса Навоийни Т.: 1991.
8. Б.Ўринбоев, А.Солиев. Нотиқлик маҳорати Т.: 1984.
9. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз Т.: 1998.
10. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1976.
11. Р.Қўнгуоров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв. Нутқ маданияти ва услубияти асослари Т.: 1992.

## **ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ИЖОДИДА НУТҚ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ МАСАЛАЛАРИ**

### **Саволлар**

1. Ҳусайин Воиз Кошифийнинг воизлик санъатига бағишланган қандай асарлари мавжуд?
2. Алишер Навоий ва Ҳусайин Воиз Кошифий ўртасидаги муносабат қандай бўлган?
3. Воиз ва Кошифий сўзларининг маъноси нима англатади?
4. Ҳусайин Воиз Кошифий ҳақида нималарни биласиз?

### **Топшириқлар**

1. Ҳусайин Воиз Кошифийнинг «Футуватномаи султоний» асаридаги нутққа, нутқ санъатига оид фикрларни аниқланг.
2. Ҳусайин Воиз Кошифий маддоҳларни неча гуруҳга ажратади.

## **ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ**

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрда Ҳиротда яшаб ижод этган таниқли олим ва нотик бўлган. Унинг «Тафсири Ҳусайни», «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Сухайлий» каби асарлари жуда машҳур бўлган. Ҳусайин Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти бўлган. У нотикликда, хусусан, ваъзхонликда ниҳоятда машҳур бўлганлиги учун ҳам «воиз» унвонига сазовор бўлган. «Кошифий» - кашф этувчи, деган маънони англатади. Одамлар Ҳусайн Воизнинг ҳар бир ваъзидан сўнг янги-янги нарсаларни кашф қилганлар, эгаллаганлар. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларида ҳикоя, ривоят, шеърӣй парчалар жой олган бўлиб, юксак ахлоқӣй ғоялар - поклик, имон, эътиқод, эзгулик тараннум этилади. Унинг асарларида панд-насихат ва ҳикмат кенг ўрин олган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футуватномаи султоний» асарида жавонмардлик, унинг қоида ва хусусиятлари асослаб берилган. Айниқса, футувват асослари ва тасаввуф ғоялари ўртасидаги ўхшашлик кенг талқин этилган. Ҳусайн Воиз Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этган.



## ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ ЁХУД ЖАВОНМАРДЛИК ТАРИҚАТИ

### Иккинчи фасл: Маърака тузувчи сўз аҳли ҳақида.

Улар уч тоифа бўладилар: биринчи тоифа - маддоҳлар, ғазалхонлар ва саққоллар. Иккинчи тоифа - хосағўйлар ва бисотандозлар. Учинчи тоифа - кисса сўйлагувчилар ва афсона айтувчилар (яъни, бахшилар). Буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида қисмларда тўхтаб ўтамиз.

#### **Биринчи қисм.** Маддоҳлар ва ғазалхонлар зикрида

Шуни билгилки, футувват аҳли (аҳли шадд) орасида маддоҳларнинг мартабаси энг баланддир. Бунинг сабаби шуки, аҳли байт, хонадон муҳаббати барчанинг кўнглида мавжуд ва агар биров бошқа бировни севса, севгилисининг таърифини тилидан қўймайди... Маддоҳлар шундай хусусиятга эга кишилардирлар ва узлуксиз аҳли байт таърифида сўз айтадилар ва хонадоннинг ёдида сўз айтиш билан вақт ўтказадилар.

Агар маддоҳлар неча хил бўлади, деб сўрасалар, тўрт хил деб айтгил: Биринчидан - ўзлари бадеҳатан ижод қилувчилар, улар ўзлари шеър айтиш қобилиятига эга бўлиб, ҳикоят ривоятларни назмга тушуриб, баён қилаверадилар. Иккинчи хили - бошқа шоирларнинг шеър, ҳикоя ёки бадеҳаларини ижро этиб, халққа фойда етказувчилардир. Бу тоифани ровийлар деб атайдилар ва улар ҳам маддоҳлар жумласидандирлар. Учинчи хили маддоҳлик баробарида бошқа ишлар билан ҳам шуғулланиб, халққа файз етказувчилардир. Масалан, саққолар (сув тарқатувчилар) шундай кишилар бўлиб, уларнинг ишидан одамлар хурсанддирлар. Тўртинчи тоифа ҳар ердан ҳар хил байтларни ёд олган кишилар бўлиб, улар эшикма-эшик юрадилар, қасида айтиб нон йиғадилар ва маддоҳликни гадойлик, деб тушунадилар. Буларни агарчи қиёфаларига қараб маддоҳ десаларда, аслида ушбу жамоага мувофиқ эмасдирлар.

Агар маддоҳлик одоби нечта бўлади, деб сўрасалар, бешта деб айтгил: аввал шуки, доимо такво ва таҳоратда бўлсин... Учинчидан, ғаразли ниятда ва қасд олиш учун маддоҳлик қилмасин. Тўртинчидан, бойликка берилган бўлмасин. Бешинчидан, мадҳда ошириб муболаға қилиш билан шуғулланмасин.

Агар маддохнинг нечта сифати бўлиши керак, деб сўрасалар, айтгилки, маддохнинг йигирма сифати бўлади. Булар: сидх, сабр, шукр, зудх (пархез), тоат, қаноат, муҳосаба (умр ҳисобини олиш), мурокаба, худо ёдида тафаккурга берилиш (тавозуъ, таслим, ихлос, карам, нисор, мужоҳада (жиду жаҳд қилмоқ), тафаккур, таваккул кам ейиш, кам ухлаш ва шафқатли бўлиш.

Агар маддох ҳазар қиладиган сифатлар нечта, деб сўрасалар, ўттизта деб айтгил. Булар: гафлат, гурур, айбжўйлик, риё, майхўрлик, қаро кўнгиллилик, зино, бадахлоқлик, жанжалкашлик, ярамас ва ношоиста сўз айтиш, ваъдани бузиш, масхара-мазах қилиш, ноўрин таъна, ёлғон гапириш, ёлғон қасам ичиш, биродарларни ғийбат қилиш, тухмат қилиш, гап ташиш, ғаммозлик, ҳасад, маккорлик, одамларни ёмонлаш, бойликка ҳирс кўйиш, зулм, бахиллик, кўп ухлаш ва кўп ейиш.

Агар маддохлар бир-бирлари билан муносабатда қайси қондаларга риоя қилишлари керак, деб сўрасалар куйидаги олтига қоидага деб айтгил: аввал шуки, бир-бирлари билан дўст бўлсинлар... Учинчидан, бир-бирлари билан келишмай иш бошламасинлар. Тўртинчидан, заиф-ожизаларни қаторларидан суруб чиқармасинлар. Бешинчидан, бир-бирларининг ҳурматини сақлашда қилча гумон-шубҳага йўл қўймасинлар, токи ҳамма ерда муҳтарам ва азиз бўлсинлар.

Агар маддохлар неча хил бўлади, деб сўрасалар, уч хил деб айтгил. Бир хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлайдилар. Иккинчи хиллари насрий асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таъриф тавсифлар (қасидахонликни) наср билан адо этадилар ва бу тоифани ғарраҳон (чиройли ўқийдиганлар) деб атайдилар. Учинчи хиллари наср ва назмни аралаштириб ўқийдилар. Бу тоифани мурассаъхон (сўз устаси), деб айтадилар. Ва буларнинг камол фазли, мартабалари олдинги икки гуруҳдан баланддир.

Агар маддохларга хос аломатлар нимадан иборат, деб сўрасалар, айтгил: маддохларнинг ўзига хос аломати тўн ва хирқа кийишда эмас. Улар ҳар қандай тўнни кийиб юришлари мумкин. Аммо уларнинг бошқалардан ажралиб турувчи ташқи аломатлари бор. Бу - найза, тавқ (халқа, белбоғ) суфра (дастурхон), чироқ ва болта (қурол) олиб юришларидир... Найза - ўзини ҳимоя қилиш белгиси, тавқ - маддохнинг қайси мартабада эканлигини кўрсатувчи белги, дастурхон - сахийлик ва қўли очиклик аломати, чироқ -

кўнгил равшанлиги, яъни футувват эрлари муҳаббатини кўнгил ичида ёниқ сақлаш, ўзини ёндириб бўлса ҳам, ўзгаларни иситиш, ўзгалар дилига ёруғлик, сафо бағишлаш аломати...

### **Учинчи қисм. Қиссахонлар ва афсона айтувчилар ҳақида**

Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта. Биринчидан, киши ўтган аждодларнинг иши ва аҳволидан хабардор бўлади. Иккинчидан, одам гаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикри ва кўзи очилади. Учинчидан, ўтганларнинг заҳмату укубатларидан хабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвиш-ғамдан озод эмаслигини англаб, кўнгли таскин топади, тасалли бўлади. Тўртинчидан, ўтган подшолар давлати ва мулкининг заволини эшитса, дунё молига меҳри сусаяди, бойлик кишига вафо қилмаслигини билиб олади. Бешинчидан, қисса эшитган беҳад кўп ибрат олади, тажриба орттиради. Бас, маълум бўладиким, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам ундан нафъ топади ва агар ғайри воқеъ (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо эшитувчи учун фойдали ва савобдир...

Агар маъракада курси (сандали) қўйишнинг маъноси нима, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгил: бунинг маъноси шуки, кимнингким истеъдоди ҳунари бўлса, у қолган одамлардан баландроқ ўтиришга лойиқ, чунки бошқалар унинг дийдоридан баҳраманд бўлишлари керак. Агар сандалини ким учун қўядилар, деб сўрасалар, санъаткор, хунарманд кишилар учун деб айт. Зеро подшолар ҳам паҳлавонликда, сўз ҳунарида ном қозонганларни сийлаб, уларни курсига ўтқаздилар. Бас, сўз майдонининг паҳлавони бўлган кишиларни курсига ўтқазиб, кадрласа арзийди. Агар курсининг нечта рукни бор, деб сўрасалар, тўртта деб айтгил: иккита остки ва иккита устки рукнлар. Иккита устки рукн нимага ишора, деб сўрасалар, айтгил: бири - билим ва иккинчиси - ақлу фаросат, зехну заковатга ишора. Яъни сандалида ўтирган одам билими ва заковати билан ҳар бир маъракада қандай сўзга талаб борлигини англасин ва шунга қараб сўз айтсин. Сандалининг остки икки рукни нимага ишора, деб сўрасалар, бири - сабрга, иккинчиси - саботга ишора деб айтгил. Яъни, сандалига чикиб ўтирган одам чидамли бўлиши, ўз ишига мустаҳкам, собит бўлмоғи лозим. Ҳар нарсага ўрндан туриб, енгилтаклик қилмаслиги керак.

Агар қиссахонлик неча хил бўлади, деб сўрасалар, икки хил бўлади деб айтгил: биринчиси ҳикоят айтиш (ўқиш), иккинчиси - шеърхонлик. Ҳикоят айтишнинг эса саккизта қондаси бор. Аввал шуки, қиссахонлик бошланганда, агар киши қиссани бошловчи бўлса, у устоз таълимини олган, устоз ҳузурда ўтқарган киши бўлиши керак. Ва агар қиссани тугатувчи бўлса, ўзи мустақил такрорлаган бўлсин, токи эсидан чиқиб, тутилиб қолмасин. Иккинчидан, чаптастлик билан дадил сўзга киришсин, хомлик ва ланжлик кўрсатмасин. Учинчидан, маърака қандай асарни қабул қилишини англасин ва эл рағбати кўпроқ бўлган асарларни танласин. Аммо меъёрни сақласин. Тўртинчидан, ҳикоя давомида насрни гоҳи-гоҳида назм билан қўшиб олиб борсин, лекин бу эшитувчиларга малол келмайдиган даражада бўлсин. Улуғ устозлар: назм-қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир - агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса шўр бўлади, деганлар. Бас, меъёрни сақлаш лозим. Бешинчидан, ёлғон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасин, токи элнинг назаридан қолмасин. Олтинчидан, кинояли тушунилмайдиган сўзларни айтмасин, чунки бу эшитувчиларни ранжитади. Етинчидан, тамаъ билан одамлар жонига тегмасин, гадойлик қилмасин. Саккизинчидан, қиссахонликни тез тугатмасин ва ҳаддан зиёд чўзмасин ҳам, ўрталикни сақласин.

Агар шеърхонлик одоби нечта, деб сўрасалар, олтига деб айтгил: биринчидан, шеърни оҳонг билан ўқисин, иккинчидан, сўзни одамлар қалбига жойлай олсин. Учинчидан, агар бирор мушқил (тушинилиши оғир) байт пайдо бўлса, йиғилганларга уни шарҳлаб, мазмунини изоҳлаб берсин. Тўртинчидан, эшитувчига малол келадиган иш қилмасин. Бешинчидан, гадойлик қилмасин, муболағали қасамлар ичмасин. Олтинчидан, ўқиган шеърининг муаллифини маърака охири ёки бошида тилга олиб, дуо қилсин.

Афсона айтувчилар ҳам қиссахонларга ўхшаш бўлиб, айтиб ўтилган қондалар уларга ҳам тегишлидир.

## **АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ «ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ» АСАРИДА НОТИҚЛИК МАСАЛАСИ**

### **Саволлар**

1. Абдулла Авлониёнинг қандай асарларини биласиз?
2. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» қандай асар ва у неча бобдан иборат?
3. Асарда одамлар хулқи, хатти-ҳаракати нуқтаи назаридан неча гуруҳга бўлинади?
4. Муаллиф тарбиянинг қандай турлари ҳақида фикр юритади?
5. Бола тарбиясида нималар муҳим эканлигини таъкидлайди?
6. «Ҳифзи лисон» деб нимага айтилади?
7. Абдулла Авлониё миллий тилни сақлаш масаласида нима дейди?
8. Ахлоқ нима ва унинг қандай кўринишлари бор?
9. Хулқ нима ва унинг қандай кўринишлари бор?
10. Диёнат деганда нимани тушунаси?

### **Топшириқлар**

1. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ асарини синчиклаб ўқинг.
2. Асар юзасидан баҳс-мунозара ўтказиш учун саволлар тузинг.
3. Асардан керакли ва муҳим ўринларни дафтарингизга ёзиб олинг.
4. Киши табиати билан боғлиқ бўлган сўзларни изоҳи билан ёзинг.
5. Виждон, ҳаё, диёнат, қаноат, сабр, илм, адолат тўғрисида қисқа ёзиб олинг.
6. Ёмон хулқлар: газаб, жаҳолат, адоват, намимат, гийбат, ҳақорат, ҳасад, тама тўғрисида қисқача дафтарингизга ёзиб қўйинг.
7. Яхши ва ёмон хулқларни ифодаловчи сўзларни ўзбек тилининг изоҳли лугати ёрдамида кучириб ёзинг.
8. Ватан туйғуси китобини ўқинг ва баҳсга тайёргарлик кўринг.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ «ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ» АСАРИДА НОТИҚЛИК

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида унинг 1913-йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи бор нашр қилинган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ асари» XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини урганиш соҳасида катта аҳамиятта молиқдир. Бу асар мазмун томонидан муаллифнинг бошқа ижтимоий ва педагогик асарлари билан узвий боғлиқдир.

XX аср бошларида бундай асарни ўзбек тилида биринчи бўлиб Абдулла Авлоний яратди ва таълим – тарбия ишларида уни тадбиқ этди. Абдулла Авлоний араб, форс, рус ва озарбайжон тилларини яхши билган олим эди. Унинг қардош халқлар ва чет тилларини билиши педагогик ва поэтик ижодининг тараққиёти учун катта замин ҳозирлади.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби катта – кичик 64 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб таълим – тарбия масаласига бағишланади ҳамда бири иккинчисини тўлдирди, такомиллаштиради. Ёзувчи бу асарини яратишда халқ педагогикасидан кенг фойдаланади.

Абдулла Авлоний «Тарбия» сарлавҳаси остида тарбия турлари ҳақида фикр юритади: 1. «Тарбиянинг замони», 2. «Бадан тарбияси», 3. «Фикр тарбияси», 4. «Ахлоқ тарбияси». Болани тарбиялашда бу тўрт масала гоят муҳим аҳамият касб қилишини таъкидлайди.

Бола тарбиясида муаллиф бола яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг роли катта эканлигини кўрсатади ва бу соҳа оила, мактаб шароитини ҳам назар-эътибордан четда қолдирмайди. Тарбия боланинг ахлоқига, хулқ-атворига кучли таъсир этишни эътироф қилади ва оналарни ўз болаларини тарбия қилишга чақиради. Таълим билан тарбия бир-бири билан боғлиқ бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди.

Абдулла Авлоний тил масаласига катта эътибор беради, тилни халқ билан боғлаб талқин қилади: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидур». У ўз асарида ҳар бир кишининг ўз она тилини мукамал билиши, ҳар бир сўзни ўз ўрнида

ишлатиши, миллий-адабий тилнинг тараққий учун жонкуярлик қилиши зарурлигини қайд қилади. «Ҳифзи лисон» деб ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётини сақламакни айтулур».

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»нинг биринчи саҳифасидан то сунгги саҳифасигача Авлонийнинг инсон-парварлик гоёлари ифодаланган. У ҳамма нарсадан аввал халқ манфаатини кўзлашни, халққа хизмат қилишни биринчи уринга қўяди.

Абдулла Авлоний инсоннинг энг ёмон хулқларидан гийбат ва адоватнинг бир-бирига яқинлигини ва гийбатнинг оқибати адоват билан тугагини кўрсатиб ўтади. У дейди: «Гийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайду. Чунки сўз боруб гийбат қилинмиш кишининг қулугига етар,газаб қони ҳаракатга кирар, гийбатчидан ўч олмак фурсатини пойлар...Шу тариқа гийбатдан туғилган адоват чўзилмоқга оид бўлиб, душманлик зуррайиб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини ўздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувига сабаб бўлулар».<sup>1</sup>

### Ахлоқ

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,  
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.  
Ўйласанг яхши фикрлар, ўйла,  
Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.  
Ишласанг ишла яхши ишларни,  
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.<sup>2</sup>

### Фикр тарбияси

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига сабаб

<sup>1</sup> Қаранг. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. 1992. 3-9 – бетлар.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 17-бет.

буладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сунг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор булса ҳам, иккиси бир – биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичида утирмак мумкин улмадиги каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатланган эски иморат ҳам ўлгуришга ярамайдур. Башарти ўлтурса, инсонлар: «Эски уйга янги золдивор», «Кир кўйлакка жун жияк», «Мис қозонга лой туюқ» деб ҳажв, кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,  
Ханжар, олмосдан булур уткур.  
Фикрнинг ойинаси олурса занг,  
Руҳи равшан замир ўлур бенур.<sup>1</sup>

Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил булур,  
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил булур.  
Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,  
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб жоҳил булур<sup>2</sup>

### **Иффат**

Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқни айтилуру. Бошимизга келадурган кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортиқ сўйлаганимиздан келур.

Ўйламай сўйлаган огримай ўлар,  
Фикр ила сўйлаган йигламай кулар.

### **Ҳифзи Лисон**

Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва адабиётини сақламагини айтилуру. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини курсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 15-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 17-бет.



йўқотмақдур. Ҳайҳот! Биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун кундан - кун унутмак ва йўқотмақдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдирмақдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур.<sup>1</sup>

«Ёҳу! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқуб кетдук. Яхши қўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир», - демишлар. Боболаримизга етушгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва аҳтарсак, йўқолганларини ҳам топармиз. «Йўқолса йўқолсун ўзи бошимга тор эди», - деб Ёврупо қаллогини киюб, кулги бўлмак зўр айб ва уятдур. Пайгамбаримиз: «Эрларда жамол лисон ва тилдур», - демишлар.

Эй она тил, азиз қадрдоним,  
Илтифоти руҳим, раҳмоним,  
Туғилдигим кундан айладинг улфат,  
Ўлгунча айилма, эй жоним.  
Менга илму адаб сан ўргатдинг,  
Чин адиб, муаллим шоним.  
Миллатинг руҳини кўтаргучисан  
Энг муқаддас карамли султоним.

Умумий миллий тилни сақламак ила баробар хусусий огиз орасидаги тилни ҳам сақламак лозимдир. Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурган тарозисидур. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қийматини сўзлаган сўздан билурлар. «Қуруқ сўз қулоқга ёқмас», - демишлар.

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, узига ёки эшитувчига бир фойда чиқадурган бўлмаса, асалларилари

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 32-бет.

орасида гунгуллаб юрган қовоқлари каби қуруқ гунгулламоқ фақат бош огригидан бошқа бир нарса эмасдур. Бошимизга келадурган қаттиг кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун: «Куп ўйла, оз сўйла», - демишлар.

Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билуб, охирини ўйлаб сўйланган сўздур.

Гузалик юзда эрмас, эй биродар,  
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.  
Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсун,  
Эшитканлар қулоғи дурга тўлсун.  
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олгун.,  
Миси чиқгай сўзинг куп бўлса бир кун.  
Купайган сўзни бўлгай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидан ози бўлуз соз.

### Ғийбат

Агар журму гунаҳ бўлсун десанг оз,  
Тилингни сақла ғийбатдан қишу ёз.  
Қулоққа пахта тик, ғийбат эшитма,  
Шикоятчи кишига бўлма дамсоз.<sup>1</sup>

### Адоват

Адоват балоси бизларни нетди,  
Адоват қилма деб ҳақ бизга айтди.  
Зудлик қилдук, мол ва давлатлар кетди,  
Молдан утуб, охир жонларга етди.<sup>2</sup>

### Адабиётлар

1. Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1992.
2. А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. Ватан туйғуси Т.: 1996.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 51-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Уша асар. 15-бет.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
«Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» курсининг мақсад ва вазифалари.....	5
Нутқ маданияти ва адабий меъёр. Нутқий малака.....	13
Ўзбек адабий тили ва нутқ маданияти.....	19
Нутқнинг коммуникатив сифатлари.....	23
Тил ва нутқ. Нутқ одоби. Тил ва маданият.....	34
Нутқ маданияти ва услубшунослик.....	40
Нутқ ва терминология .....	45
Нотиклик санъати тарихидан .....	52
Нотикликнинг турлари.....	64
Адабиётлар.....	68
Ғарб маданияти тарихида нотиклик санъатининг ўрни.....	69
Шарқ маданияти тарихида нотиклик санъатининг ўрни.....	75
Халқ оғзаки ижодида нутқ одоби масалалари .....	93
Кайковуснинг «Қобуснома» асарида суҳандонлик хусусида.....	103
Алишер Навоий ижодида нутқ маданияти ва нотиклик санъати масалаларининг талқини.....	110
Хусайин Воиз Кошифий ижодида нутқ маданияти ва нотиклик санъати.....	120
Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида нотиклик масаласи.....	125

**Расулов Равшанхўжа,  
Хусанов Нишонбой Абдусатторович,  
Мўйдинов Қодир Абдурасулович**

**«НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ»  
(ўқув кўлланма)**

**Мухаррир: Э. Бозоров**

Босишга рухсат этилди	28.09.2006.
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	8.25 б.т.
Адади	200
Буюртма	№ 220

**“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 700084, Тошкент,  
Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй**

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп  
этилди.

700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй